

✓ ЭНДИ ФУҚАРОЛИК ОЛИШДА ЎЗБЕК ТИЛИНИ БИЛИШ ШАРТ... (МИ?)

6.

✓ ЗИЛЗИЛА РЎЙ БЕРАДИГАН ХУДУДДА АЭС ҚУРИБ БЎЛАДИМИ?

10.

✓ ИПОТЕКА КРЕДИТИ ЯНГИ ТАРТИБДА БЕРИЛАДИМИ?

14.

МАҲАЛЛА — ADOLAT TAROZISI



# Mahalla

№ 9 (1876-1879) 2020 йил 27 февраль — 5 март ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА info@mahalladosh.uz www.mahalladosh.uz

ҚУЛАЙЛИК

12.

Лицензиялаш ва рухсатномалар олиш тартиби ўзгарадими?

ТОМОРҚАЧИЛИК

17.

Имтиёз ва имкониятдан аксарият томорқа эгалари беҳабар. Нега?

ТАҲЛИЛ

19.

68 минг талаба ётоқхонага муҳтож

КҮН МАВЗУСИ

22.

Умра зиёрати: нарх ва хизмат сифати аҳолини қониқтиряптими?

ТАШАББУС

25.

Кинопракат тизими: қачонгача фильмлар фақат режа учун чиқарилади?

СПОРТ

30.

Шахматдаги муаммолар қачон барҳам топади?



## ЯНГИ ВАЗИРЛИК

## ЖАМИЯТ

## ҚАЁТИГА ЯНГИЧА

## ЁНДАШАДИ

3.

# НАВОЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ЗАМОНАВИЙ КОМПАНИЯГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 февраль куни «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасини ислох қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Мазкур мажмуа мамлакатимиздаги энг йирик sanoat корхонасидир. Бу ерда олтин, уран, нодир металллар, қурилиш ва дастгоҳсозлик sanoati учун зарур маҳсулотлар, кенг турдаги халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилади. Комбинат юртимиздаги жами sanoat маҳсулотининг 10 фоизини ва бюджет даромадининг 18 фоизини таъминлайди. Унда 54 мингдан зиёд ходим ишлайди.

Навоий кон-металлургия комбинати хомашё ресурсларининг ҳажми бўйича жаҳондаги олтин ишлаб чиқарувчи

лар орасида учинчи ўринда туради. Лекин активларининг қиймати хорижий компанияларникига нисбатан анча кам. Масалан, ҳозирги кунда комбинатнинг баланс қиймати 1,3 миллиард доллар бўлса, шу даражадаги хорижий корхоналарнинг бозор нархи 11 миллиард долларни ташкил этади.

Шу боис НКМКни замонавий компанияга айлантириш мақсад қилинган. Давлатимиз томонидан бу борада комплекс чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, Навоий кон-металлургия комбинатини

2026 йилгача ривожлантириш дастури изчил амалга оширилмоқда. Унинг доирасида 2017-2019 йилларда 1,2 миллиард доллар маблағ эвазига 8 та объект ишга туширилган. Натижда охириги уч йилда олтин ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 фоиз, қумуш олиш 37 фоизга ошган.

Ўтган ойда Олий Мажлиса йўлланган Мурожаатномада Президентимиз Навоий кон-металлургия ва Олмалик кон-металлургия комбинатлари каби йирик sanoat корхоналарида янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга, ушбу корхоналарни халқаро молия бозорининг тўлақонли иштирокчисига айлантириш лозимлигини таъкидлаган эди.

Йиғилишда шу борадаги

режа ва чора-тадбирлар кўриб чиқилди. Навоий кон-металлургия комбинатининг таркибий тузилмасини такомиллаштириш, корпоратив ошкораликни татбиқ этиш, ҳисоб-китобларни халқаро стандартларга ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

2026 йилга қадар корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини 94 тоннага етказиш, бунинг учун 4 миллиард долларлик 40 та лойиҳани амалга ошириш кераклиги таъкидланди. Жумладан, лойиҳа қиймати 525 миллион доллар бўлган янги конни ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Комбинатнинг бугунги кундаги 3,7 минг тонна олтин захираси халқаро стандартлар асосида баҳоланиб, корхона балансида акс эттирилиши

зарурлиги белгиланди.

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ва Молия вазирлиги захираларни баҳолаш ишлари ҳамда молиявий ҳисоботларни халқаро меъёрларга ўтказиш вазифаси қўйилди. Конлар захираси ва камайиши тўғрисидаги ҳисоботлар, қазиб олиш лойиҳалари бўйича маълумотларни Австралия кодекси (JORC Code) асосида тайёрлаш муҳимлиги қайд этилди.

Навоий кон-металлургия комбинатининг корпоратив еврооблигацияларини чиқариш масаласига тўхталиб ўтилди.

Корхона раҳбари ва вазирлар юқоридаги вазифалар ижросини ташкил этиш юзасидан ҳисобот берди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**26 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Сухбат аввалида давлатимиз раҳбари Туркия етакчисини таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга бахт-саодат ва янги зафарлар, дўст Туркия халқига эса фаровонлик тилади.

Президент Режеп Таййип Эрдоғаннинг мамлакатни барқарор ривожлантириш, халқаро майдондаги нуфузини оширишдаги тарихий ўрни алоҳида қайд этилди. Давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси юксак баҳоланди.

Президентлар шу ой Туркияга амалга оширилган олий даражадаги ташрифнинг самарали натижаларини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Мулоқот чоғида кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш бўйича икки томонлама келишувларни амалга ошириш масалалари батафсил кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида истикболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ўз вақтида амалга ошириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, Президентлар минтақавий ҳамкорлик ҳамда халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ХУДУДЛАРИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРМОҚДА

**Урганч шаҳрида 25-26 февраль кунлари иккинчи Ўзбекистон – Қозоғистон ҳудудлараро ҳамкорлик форуми бўлиб ўтди.**

Икки мамлакат ўртасидаги азалий дўстлик, яқин қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ҳудудларнинг sanoat салоҳияти ва имкониятларини тўғрисида ўзаро маълумот алмашиш, тўғридан-тўғри ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олиш мақсадида ташкил этилган ушбу форумда Қозоғистондан 200 дан ортиқ, мамлакатимиз вилоятларидан 150 га яқин иштибармон доира вакиллари катнашди.

Форумнинг биринчи куни икки мамлакат вазирлик ва идоралари масъул ходимлари, ҳудудлар раҳбарлари, тадбиркорлар, иқтисодчи олимлар иштирокида йиғилишлар, чегарадош ҳудудлар бизнес вакиллари учрашувлари ҳамда Ўзбекистон ва Қозоғистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Тадбирлар доирасида қатор савдо-инвестициявий шартномалар, ҳудудлараро муносабатларни ривожлантириш бўйича келишувлар имзоланди.

26 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Қозоғистон Республикаси Бош вазири Аскар Мамин иштирокида ҳукуматлар делегацияларининг учрашуви бўлиб ўтди.

А.Арипов кейинги йилларда мамлакатларимиз раҳбарлари ўртасидаги дўстона муносабатлар икки томонлама алоқаларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга қўтарилишига замин яратгани, бугунги кунда Ўзбекистон – Қозоғистон ҳамкорлиги қўлаб соҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий йўналишда жадал ривожланаётганини таъкидлади.

Аскар Мамин мазкур форум юқори савияда ташкил этилганини алоҳида қайд этиб, анъанавий меҳмондўст-

лик учун самимий миннатдорлик билдирди. Қозоғистоннинг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мунтазам ўтказилаётган ҳудудлараро ҳамкорлик форумини мамлакатларимиз алоқаларининг фаоллашувига ҳисса қўшаётгани таъкидланди.

Биринчи форум 2018 йил ноябрь ойда Чимкент шаҳрида ўтказилган эди. Унда эришилган келишувлар бугунги кунда ўз натижаларини бермоқда.

Иқтисодийнинг етакчи соҳа ва тармоқларидаги алоқалар жадаллашгани тўғрисида мамлакатларимизнинг ўзаро савдо ҳажми 2019 йилда қарийб икки баробар ўсиб, 3,3 миллиард доллардан ошди. Икки давлат раҳбарлари томонидан ҳукуматлар зиммасига жорий йилда ўзаро савдо ҳажмини 5 миллиард долларга, яқин йилларда 10 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилган. Бунинг учун мамлакатларимизда етарли салоҳият мавжуд.

Ўзбекистон – Қозоғистон ҳудудлараро ҳамкорлик форуми савдо-иқтисодий, сарможий, транспорт ва коммуникация, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, таълим соҳаларидаги лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, ҳудудлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўтган бир йилдан зиёд вақт мобайнида мамлакатларимиз вилоятлари раҳбарлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар фаоллашгани, вилоятлар делегацияларининг 12 та ўзаро ташрифи амалга оширилгани бунга яққол мисол. Натижда ҳудудлар ўртасидаги савдо ҳажми 40 фоиз ошди.

Иккинчи Ўзбекистон – Қозоғистон

ҳудудлараро ҳамкорлик форуми доирасида ўтган ҳукуматлар делегациялари учрашувида мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий соҳада қўша лойиҳаларни амалга ошириш, ҳудудлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни кенгайтириш, боғхона, энергетика, сувдан фойдаланиш, транспорт-транзит каби йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш истикболлари кўриб чиқилди. Шунингдек, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Қозоғистон Республикаси Бош вазири Аскар Мамин иккинчи Ўзбекистон – Қозоғистон ҳудудлараро ҳамкорлик форумининг якуний декларациясини имзолади. Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида идоралараро ва ҳудудлараро даражадаги 16 та ҳужжат қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва sanoat, Инвестициялар ва ташки савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, «Ўзавтосаноат» уюшмаси, Қоракалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Хоразм, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳокимликлари, Қозоғистондан Савдо ва интеграция, Миллий иқтисодий вазирликлари, Мангистау, Қизил Ўрда, Оқтўбе, Қўстанай, Туркистон вилоятлари, Чимкент шаҳри ҳокимиятлари ўртасида тегишли ҳужжатлар қабул қилинди.

Қозоғистон ҳукумати раҳбари Аскар Мамин Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида шу куни қадимий Хива шаҳрини томоша қилди.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ,  
Аҳмаджон ШОКИРОВ,  
ЎЗА мухбирлари**

**Президентимизнинг «Жамиятда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига кўра, энди ҳар бир маҳаллада янги тизим йўлга қўйилади.**

# ЯНГИ ВАЗИРЛИК ЖАМИЯТ ҲАЁТИГА ЯНГИЧА ЁНДАШАДИ

*Мазкур фармонни қабул қилишдан мақсад-муддао нима ва бунинг учун қандай эҳтиёж юзага келган эди? Тўпланган муаммоларни бартараф этишда фуқаролар йиғинларида қандай тамойиллар асосида иш қўрилади? Ушбу саволлар билан маҳалла ва оила тизимида узоқ йиллардан бери фаолият кўрсатиб келаётган мутасаддиларга мурожаат қилдик.*



## Натижалар узоқ куттирмайди

**Гавхар АЛИМОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Самарқанд вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари:**



— Алишер Навоий маҳаллани «шаҳар ичидаги кичик шаҳарча» деб атаган. Бунинг маъноси улкан. Негаки, маҳаллага эътибор жуда кучли бўлиши керак. Афсуски, кейинги пайтларда маҳаллага эътибор жуда сусайди.

Мухтарам Президентимизнинг тегишли фармони билан янги тузилма — Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилаётгани ушбу кадрдон институтнинг истикболида ёрқин саҳифалар очади. Масалан, шу пайтгача Маҳаллалар кенгаши ҳам, «Нуроний» жамғармаси Хотин-қизлар кўмитаси ҳам ўзича ишлади, ҳамкорликда битта тадбир ўтказишса, учта ҳисобот тўлдирилар, ташкилотлар идоравий манфаатдорликка берилиб, ютуқларини ўзиники қилишга, муаммолардан қочишга уринишарди. Тадбирлар ўтказилгани билан самара кутилганидек бўлмади.

Шу боис ушбу ташкилотларни бирлаштириш ва улар ягона вазирлик сифатида давлат структурасига айланиши муҳим аҳамият касб этади.

Эндиликда яхлит тизим шаклланиб, барча вазифалар аниқ ва равшан белгилаб берилгани боис шу соҳанинг 20 йиллик мутахассиси сифатида айтишим мумкинки, бу тизим кўп куттирмай ўзининг муваффақиятли самарасини беради.

Бунинг учун янги вазирлик тизимида кадрлар масаласига, уларнинг салоҳиятига эътибор қаратиш керак, шу соҳани яхши тушунадиган, билимли, фидойи кишиларга кенг ўрин бериш жоиз.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз имзолаган янги фармонда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий фаолият йўналишлари белгиланди, йўлнинг раисининг обрў-эътибори оширилди, унга катта ишонч билдирилиб, ваколатлари кенгайтирилди. Жумладан, йўлнинг раиси тегишли ҳудудда профилактика инспектори фаолиятига баҳо бериш ҳамда уни эгаллаб турган лавозимдан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича Вазирликнинг туман (шаҳар) бўлимига тақдиминома кiritишга ҳақли. Бундай ваколатлар маҳалланинг мавқени янада оширади, мустакиллигини таъминлайди.

Маҳалла ишига юксак эътиборнинг яна бир намунаси сифатида туман (шаҳар) ички ишлар органиари бошлиқлари, уларнинг таркибидаги бўлимлари (бўлимчалари) бошлиқлари устуворлик асосида профилактика инспектори лавозимда камиди 5 йил ишлаган ходимлар орасидан тайинланди, деган бандни келтириш мумкин.

## Оиладан хотин-қизларни ажратиб қўйгандик

**Абера ҲУСЕЙНОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**



Бугунги кунда Бухоро вилоятида 497 мингдан ортиқ оила яшайди. Улардан 201 мингтаси ёш оилалар, 5 минг 517 таси кам таъминланган оилалар. Оилавий

ажралишлар масаласи охириги йилларда жуда долзарб тус олди. Ўтган йили ажралишларни, нотинч оилалар сонини оз бўлса-да, камайтиришга эришдик. Аммо ҳар қанча ҳаракат қилмайлик, қутилган натижага эриша олмадик. Фаолиятимиз фақат статистика қайд этиш билан чекланиб, оилалар ичига чуқур қира олмадик, оилалар муаммоларини илмий таҳлил эта оладиган тизим ярага олмадик. Бунга кўп жиҳатдан марказ фаолияти республика – вилоят – туман миқёсида ташкил этилгани, жамиятнинг кичик бўғини ҳисобланган маҳаллаларда ишлаб олмаганимиз ҳам сабаб бўлди.

Президентимизнинг ташаббуслари сифатида майдонга кириб келаётган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ташкил этилиши ўз вақтида қабул қилинган адолатли ва тарихий қарор, муаммоларга оқилона ечим бўлди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамда «Маҳалла» ўқув-услубий

ва илмий-тадқиқот маркази негзида «Маҳалла ва оила» илмий тадқиқот институти ташкил этилаётгани ҳам фалсафа фанлари доктори, профессор сифатида шахсан мени ниятда қувонтирди. Президентимиз раислигида жорий йилнинг 12 февраль куни маҳалла ва оила муаммоларига бағишланган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари олдимиздаги барча муаммоларнинг ечимларини илмий ва фундаментал тарзда асослаб, тушунириб бердилар. Янги тузилма ташкил этиш ҳақида гапирганларида яхлит бир тизимни яратиш заруриятига урғу берилди. Тўғриси айтиш керак, биз Иттифоқ даврида ҳам, ундан кейинги ўттиз йилда ҳам хотин-қизларни оиладан ажратиб ўргандик. Ваҳоланки, у оиланинг ичида мустаҳкам бир бўғин бўлиши керак. Маҳалла эса оилаларнинг узвий халқасидан иборат институтдир.

Маҳаллаларда ва оилаларда ижтимоий-маънавий мухитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш бўйича самарали тизимга заруратни шиддат билан ривожлантаётган даврнинг ўзи тақозо этаётган эди. Бу борада Юртбошимизнинг ташаббуслари билан мутлақо янги тизим — «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини жорий этиш зарурлиги илгари сурилди.

Президентимиз Фармонига мувофиқ ташкил этилган янги вазирлик шу пайтга қадар тарқоқ ҳолатда фаолият кўрсатган ташкилотларнинг эндиликда «бир ёқадан бош чиқариб», ягона мақсад йўлида фаолият кўрсатишларини таъминлайди.

## Ўзгаришлар ҳеч қачон осон бўлмаган



**Орзиқул СОАТОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Сурхондарё вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари:**

— Маҳалла раиси ўз ҳудудида ободонликни йўлга қўйиши, тинчликни таъминлаши учун унинг фидойилиги билан бирга, мавқеи ҳам баланд бўлиши керак. Аҳоли орасида обрў топиш осон эмас. Бунинг учун маҳалла раиси ҳудуддаги ижтимоий, маънавий мухитни тўла ўрганган бўлиши, муаммоларга

тезкор ечим топа билиши керак. Афсуски, бугун ҳамма маҳалла раислари ўз ишини пухта бажара оляпти, деб айта олаймиз. Айрим маҳаллаларда нотинч оилалар, ҳуқуқбузарликлар кўпайгани ҳам ачық ҳақиқат. Бунинг асосий сабабларидан бири — оқсоқолларимизнинг бефарқлиги бўлса, яна бир омил оилаларнинг ижтимоий-маънавий мухитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш бўйича яхлит тизим йўлга қўйилмаганидир.

Эътиборлиси, эндиликда

маҳалла фуқаролар йиғинлари «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини амалиётга жорий этиш, ижтимоий-маънавий мухит барқарорлиги ва оқсоқолликни таъминлаш каби муҳим масалалар билан шуғулланади. Фармонга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юклатилган 46 турдаги ҳамда профилактика инспекторларига юклатилган 13 турдаги вазифа ва функциялар қисқартирилди. Фуқаролар йиғинларига асосий фаолият йўналишларидан ташқари функцияларни фақатгина давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳақ тўлашни назарда тутувчи шартнома

асосида амалга ошириш ҳуқуқи берилиши маҳаллаларнинг ҳам ҳуқуқий, ҳам моддий ҳимоясини таъминлаб, уларнинг мавқеи тикланиши, даромад манбаига эга бўлишига асос ярадади.

Мухтарам айтганда, бугун маҳалла тизими ҳар томонлама янгича қиёфа касб этмоқда. Ўзгаришлар эса ҳеч қачон осон бўлмаган. Шу машаққатли йўлда барчамиз бирдек жонбозлик кўрсатиб, она Ватанимиз, халқимиз учун ҳолис хизмат қилишимиз керак. Зеро, бугун юрт раҳбари бу йўлни мардонавор босиб ўтишда бизга ишонч билдирмоқда. Ишонч эса масъулият демакдир.

# МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ РАҲБАРИЯТИ



**МАМАТОВ  
Раҳмат  
Тошназарович**  
– вазир

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги 5940-сонли фармонига асосан тасдиқланган)



**БАСИТХАНОВА  
Элмира  
Иркиновна**  
– вазирнинг  
биринчи  
ўринбосари

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги 4608-сонли қарорига асосан тасдиқланган)



**ТУРДИЕВ  
Содиқжон** –  
вазир  
ўринбосари

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги 4608-сонли қарорига асосан тасдиқланган)



**ПАРПИЕВ  
Батир  
Раҳматович** –  
вазир  
ўринбосари

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги 4608-сонли қарорига асосан тасдиқланган)



**ИКРАМОВ  
Азизбек  
Исраилович** –  
вазир  
ўринбосари

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги 4608-сонли қарорига асосан вазир ўринбосари вазифасини бажариш юклатилган)

## ВАЗИРЛИКНИНГ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ



**ҚОРАҚАЛГОҒИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ТУРМАНОВ  
Сағидик  
Турганбаевич**

(аввал Қорақалғоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг Қонунийлик суд-хўқуқ ва коррупцияга қарши курашиш масалалари кўмитаси раиси)



**ТОШКЕНТ  
ШАҲРИ**  
**ЗУФАРОВ  
Дада-Али  
Нигматович**

(аввал Тошкент шаҳар Олмазор тумани прокурори)



**АНДИЖОН  
ВИЛОЯТИ**  
**ЮНУСОВА  
Манзураҳон  
Пазлидиновна**

(аввал Андижон вилояти ҳокими ўринбосари)



**БУХОРО  
ВИЛОЯТИ**  
**ЖУМАЕВ  
Йулдош**

(аввал Бухоро вилояти Когон тумани ҳокими)



**ЖИЗЗАХ  
ВИЛОЯТИ**  
**МУХТОРОВА  
Назира  
Абдусаттаровна**

(аввал Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари)



**ҚАШҚАДАРЭ  
ВИЛОЯТИ**  
**АЛЛАЕВ  
Долли  
Ҳақимович**

(аввал Қашқадарэ вилояти ҳокими ўринбосари)



**НАВОИЙ  
ВИЛОЯТИ**  
**ЎРОҚОВ  
Азамат  
Шодиевич**

(аввал Тошкент шаҳри Мирзо Ҳусеини тумани ИИО ФМБ бошлиғи)



**НАМАНГАН  
ВИЛОЯТИ**  
**АППАКОВ  
Мухаҳон  
Пулатович**

(аввал Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Наманган вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари)



**САМАРҚАНД  
ВИЛОЯТИ**  
**УМАРОВ  
Асқар  
Нарзиевич**

(Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари)



**СИРДАРЕ  
ВИЛОЯТИ**  
**МАМАДАМИНОВ  
Ўлмасжон  
Ярмахамматович**

(Сирдарэ вилояти Боевут тумани ҳокими)



**СУРХОНДАРЕ  
ВИЛОЯТИ**  
**ХЎЖАҚУЛОВ  
Абдисалом  
Пардаевич**

(аввал Сурхондарэ вилояти Бандлик бош бошқармаси бошлиғи)



**ТОШКЕНТ  
ВИЛОЯТИ**  
**ХУДАЙБЕРГАНОВ  
Илҳомбой  
Тилавбаевич**

(аввал Тошкент вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари)



**ФАРҒОНА  
ВИЛОЯТИ**  
**АМИНЖОНОВ  
Саидмурод  
Ғуломович**

(Фарғона вилояти Данғара тумани ҳокими)



**ХОРАЗМ  
ВИЛОЯТИ**  
**САДУЛЛАЕВ  
Жаҳонгир  
Қўшназарович**

(аввал Хоразм вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари)

**P/S.** Айни пайтда вазирликнинг туман ва шаҳар бўлимлари бошлиқларини тайинлаш жараёни давом этаётир.

**МАҲАЛЛА ВА ОИЛА ИНСТИТУТЛАРИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛДИ?**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

**«Юқори юз» маҳалласи янги бинога эга бўлди**

Қибрай туманидаги «Юқори юз» маҳалласининг барча шароитларга эга, замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилган маъмурий биноси фойдаланишга топширилди.



Бино хусусий тадбиркор Баҳодир Расулметов томонидан давлат-хусусий шерикчилиги асосида 230 миллион сўм маблағ эвазига қуриб битказилди. Бинонинг очилиш маросимида Қибрай тумани ҳокими Мираъзам Мирқосимов, туман прокурори Санжар Солиҳов иштирок этишиб, йилнинг раисига бинонинг рамзий қалитини топширди.

— Замонавий ва кўркям бино ҳудуд чиройига янада чирой бағишлади, — дейди меҳнат фахрийси Мирсобир Усмонов. — Бинода барча шароит яратилган, аҳоли билан янада самарали ишлаш имконияти кенгайди. Мажлислар зали, маҳалла ходимлари, профилактика инспектори, шунингдек, тиббий кўрик учун алоҳида хоналар ажратилган. Барчаси замонавий мебель ва ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланган.

Тадбир давомида маҳалла нурунийлари, ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларга байрам дастурхони ёзилиб, концерт дастури намойиш этилди. Шунингдек, маҳалла ёшлари ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди.

Ғулом ХИДИРОВ.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

**«Миллион дарахт экиш» — қандай акция?**

Кўчат ўтказиш, дехқончилик ишларига азалдан ҳалол ризқ топишнинг мақбул йўли сифатида қаралган. Ана шундай савобли амалларнинг ҳаётий ифодаси сифатида Бухоро вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан «Миллион дарахт экиш» акцияси ташкил қилинди.



— Маълумки, баҳор келиши арафасида қариган дарахтлар чопилиб, қуриган шохлар буталанади, — дейди Шофирқон туманидаги «Маҳаллақози» йиғини раиси Баҳодир Солиев. — Аммо Бухоро шароитида ҳар бир дарахтнинг ўрни жуда ҳам муҳим. Дарахтлар фақатгина кислород фабрикаси бўлибгина қолмасдан, экинларни гармсидан муҳофазаловчи яшил қалқон ҳамдир. Шу боис «бирни кессанг, ўрни эк» шiori остида ўтказилаётган мазкур акция вилоят жамоатчилиги томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Акция бошлангандан хозирга қадар маҳаллалардаги хонадонларда жами юз мингта яқин манзарали ва мевали дарахт, бута кўчатлари ҳамда қаламчалар ўтказилди. Фермер хўжаликлари ҳамда кластерлар ихтиёридаги ер майдонларида 262 минг донга тут кўчати ўтказилди. Акция якуни бўйича вилоятда миллион туп янги дарахт ўтказилиши режалаштирилган.

Ақбар РУСТАМОВ.

- Хотин-қизлар кўмиталари
- Республика Маҳаллалар кенгаши
- «Нуруний» жамғармасининг ҳудудий бўлимлари **ТУГАТИЛДИ**

- «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази
- «Маҳалла» ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот маркази негизида

«Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти **ТАШКИЛ ЭТИЛДИ**

МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ ва унинг ҳудудий бўлинмалари **ТАШКИЛ ЭТИЛДИ**

**МАҲАЛЛА ТУЗИЛМАСИДА:**

- жамоатчилик тузилмалари **мақбул-лаштирилди**, айримлари **тугатилди**
- Оилавий кадрятларни мустаҳкамлаш комиссияси
- Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия **ТАШКИЛ ЭТИЛДИ**

**2020 йил 1 апрелдан бошлаб**

ФХДЭ органлари Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги **ТАСАРРУФИГА ЎТКАЗИЛАДИ**

Маҳаллаларга юклатилган **46 турдаги**

Профилактика инспекторларига юклатилган **13 турдаги**

**ВАЗИФА ВА ФУНКЦИЯЛАР ҚИСҚАРТИРИЛДИ**

**22 март** «Маҳалла тизими ходимлари кунини» деб эълон қилинди

Эндиликда маҳалла раисининг сайланиш муддати **5 йил**

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ**

- ✓ Маҳалла раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича уринбосари вазифасини бажариш **профилактика катта инспекторига (инспекторига)** юклатилади
- ✓ Эндиликда маҳалла раиси профилактика инспектори **фаолиятига баҳо беради**, уларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарлиги масаласида тақлиф киритади

- ✓ Ҳар бир маҳаллада **камида 1 нафардан** профилактика инспектори хизмат олиб боради
- ✓ Профилактика инспекторлари **5 йил** муддатга лавозимга тайинланади ҳамда уларни мазкур муддат давомида бошқа лавозимга ўтказиш тақиқланади.

**МАНБА:**

«Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони (ПФ-5938-сон, 18.02.2020 й.)

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ**

Авваллари чекка қишлоқда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хорижга экспорт қилинади, деса, ҳеч ким ишонмасди. Бугун бу оддий ҳақиқатга айланди. Риштон туманидаги «Бўжай» маҳалласида иш бошлаган «Roshidon bagaка chevag» масъулияти чекланган жамияти бу борада янги имконият эшикларини очди.



**Бўжайлик чеварлар маҳсулоти — экспортга**

«Ўзпахтасаноат» АЖ ҳомийлигида иш бошлаган корхона бир вақтнинг ўзида 150 нафардан зиёд ёшларни иш билан таъминлади.

— Саккиз йилдан буён ишсиз эдим, — дейди **Гулчехра Алиева**. — Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази тавсияси билан **Иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежсида** малака оширдим. Бу ерда меҳнат қилиш, дам олиш билан боғлиқ барча қулайликлар яратилган. Эндиликда уй, оила, фарзандларим тарбиясидан ажралмаган ҳолда фойдали меҳнат билан банд бўлман.

Айни кунда риштонлик ёшлар ишлаб чиқараётган турфа либосларнинг илк намуналари Россия,

Қозоғистон мамлакатларига экспорт қилиш учун хозирлаб кўйилди.

— Шу кунга қадар Ёзёвон ва Риштон туманларида мана шундай замонавий ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди, — дейди **корхона раҳбари Даврон Жўрабоев**. — Айни кунларда Фаргона, Бағдод, Бувайда ва Ўзбекистон туманларида ҳам қулай ва ихчам ишлаб чиқариш тармоқларини қуриш, жиҳозлаш билан боғлиқ ишлар поёнига етмоқда. Бу олис маҳалла ва қишлоқларда 2 минг 400 дан ортиқ қафолатли иш ўринлари яратиш имконини беради.

Расул КАМОЛ.

# Энди фуқаролик олишда ўзбек тилини билиш шарт...(ми?)

ҚОНУНГА «ВАТАНДОШ» ТУШУНЧАСИ КИРИТИЛИБ, ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ВАТАНДОШЛАРГА НИСБАТАН ФУҚАРОЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНМОҚДА

**П**резидентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди. Жумладан, мамлакатимизда узоқ вақтдан бери яшаб келаётган, лекин Ўзбекистон фуқароси, деган ҳуқуқий мақомга эга бўла олмаётган минглаб юртдошларимиз муаммосини қонуний ҳал этиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш айtilганди.

Хусусан, 1995 йил 1 январь гача мамлакатимизга келган ва доимий пропискадан ўтган фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги автоматик тарзда берилиши, бу орқали 50 мингга яқин юртдошимизнинг фуқаролик билан боғлиқ узоқ йиллардан буён ечилмай келаётган муаммоси ҳал этилиши кўрсатиб ўтилганди. Мурожаатномада Вазирлар Маҳкамаси бу масалани Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда кўриб чиқиш, жорий йил 1 майга қадар тегишли қонун лойиҳаларини тақдим этиши белгиланган. Шу муносабат билан яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси янги таҳрирда қабул килинди.

## Қайси модда муҳокамаларга сабаб бўлди?

— Ушбу қонун лойиҳаси 58 моддадан ibорат бўлиб, унда фуқароликка доир барча жиҳатлар қамраб олинган, — дейди Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник Шухрат Хўжаев. — Унда Мурожаатномада белгилаб берилган вазифалар тўла аке этган. Жумладан, қонуннинг 6-моддасида 1995 йил 1 январьга қадар Ўзбекистонга кириб келган ва доимий пропискага ўтган, хорижий давлат фуқаролигини қабул қилмаган ҳамда бу қонун кучга кирган кунгача Ўзбекистонда яшаи гувоҳномаси асосида истиқомат қилган шахс истак билдирган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, деб тан олинishi назарда тутилган.

Қонундаги айрим моддалар кенг жамоатчилик ўртасида турли талқин қилинмоқда. Мисол учун, лойиҳанинг 19-, 20-моддаларида Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилишда Давлат тилини мулоқот қилиш учун зарур бўлган даражада билиш талаби қўйилган. Айнан шу жиҳат энг кўп муҳокамага сабаб бўлмоқда.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда бир қатор ривожланган мамлакатлар тажрибаси ўрганилди. Аксарият давлатларнинг қонунчилигида давлат тилини билиш талаби мавжуд. Бу фуқароликни олаётган давлатга, унинг халқига, тилига бўлган ҳурмат белгисидир. Хориж тажрибасини ўрганганимизда, уларда нафақат тили, балки тарихи, маданиятини билиш ҳам шарт қилиб қўйилганига гувоҳ бўлдик. Мисол учун, Германия, Россия, Қозоғистонда шу каби талаблар бор экан. Ўзбекистонда яшаётган фуқаролиги йўқ шахсларнинг асосий қисмини ўзбеклар ташкил қилишини ҳисобга олсак,

тил билан боғлиқ талаб уларга муаммо туғдирмайди.

## Президент алоҳида тартибда фуқаролик бера олади

Айрим юртдошларимиз юқоридаги тил бўйича талаб мамлакат фойдасига хизмат қилувчи баъзи ҳаракатларга тўқсинлик қилишини айтишмоқда. Жумладан, машхур спортчилар, санъаткорларни маҳаллийлаштиришда бу талаб кийинчилик туғдириши, фуқароликка олинаётган машхур инсонлар ўзбек тилини билмаслиги ҳақида ёзишган. Қонун лойиҳасида бу жиҳат ҳам эътиборга олинган.

— Хўжасатнинг 18-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш умумий, соддалаштирилган ва алоҳида тартибда бўлади, — дейди Ш. Хўжаев. — Фуқароликка қабул қилишнинг алоҳида тартибда Президент миллий манфаатлардан келиб чиқиб, чет давлатларнинг фуқароларига, фуқаролиги бўлмаган шахслар-

га Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини бериши мумкин. Яъни давлат раҳбарига алоҳида тартибда фуқаролик бериш ваколати тақдим этилган.

Қонун қабул қилингандан сўнг 50 мингга яқин киши автоматик тарзда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига ўтиши кутиллатти. Мамлакатдаги фуқаролиги йўқ шахсларнинг умумий сони эса 95 минг нафардан зиёддир. Қолган 45 минг нафари умумий тартибда Президент фармони билан фуқароликни қабул қилади.

## «Ватандош» тушунчаси нима?

Яна бир янгилик — қонунга «ватандош» тушунчаси киритилиб, фуқаролиги бўлмаган ватандошларга нисбатан фуқароликка қабул қилишнинг соддалаштирилган тартиби белгиланмоқда. Фуқаролик масалаларини кўриб чиқишда идораларо электрон ҳамкорлик механизмлари яратилиши бўйича нормалар ҳам киритилган.

Агар статистик маълумотларга эътибор берсак, 1991

йил сентябрь ойидан бугунги кунга қадар 11 мингдан ортиқ шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган. Уларнинг асосий қисми, яъни 95 фбиздан ортиги 2016 йил декабрь ойидан 2020 йил февраль ойига қадар Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланган.

## Депутатлар қандай фикрда?

— Бундай талаб қўйишда миллатларнинг этник келиб чиқиши ва тил хусусиятини инобатга олиш керак, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербаев. — Масалан, Марказий Осиё халқлари ҳар қандай тилини осон ўргана оладиган этник келиб чиқишга эга. Лекин Ўзбекистонда яшаётган айрим миллат вакиллари ўзбек тилида мулоқот қилишга қийналиши мумкин. Шунинг учун уларнинг этник келиб чиқишини ҳисобга олиш зарур.

— Ўзбекистон фуқароси бўлиши хоҳлаган одам давлат тилида ҳеч бўлмаганда ўзи ҳақида затириб бера олиши керак, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Алишер Кодиров. — Фуқаролик беришда тил ҳақида қўйилган талабини тўғри деб ҳисоблайман. Ўзбекистон Республикасида давлат тили — ўзбек тилидир. Республикада ўз ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун, фуқаро давлат тилида мулоқот қила олиш учун тилини минимал даражада билиши зарур. Ҳар қанақа этник келиб чиқишдан қатъи назар, бу талаб тўғри. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда Давлат тилини ривожлантириш департаменти билиш даражасини аниқлаш тартибини ваколати даражасида мазкур ташкилот кўриб чиқиши энг маъбул йўл.

## Хулоса

Қонун асосида давлат тилини билиш даражасини аниқлаш тартибини белгилаш ҳуқуқи Вазирлар Маҳкамасига берилиши мумкин. Хужжат амалга киритилса, Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш тартиб-таомиллари эркинлашади. Фуқароликни олиш учун тақдим этилиши керак бўлган хужжатлар сони қисқаради. Фуқароларнинг консуллик ҳисобига туриш муддати узайтирилади.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ  
«Mahalla»



## МЕНДА САВОЛ БОР...

# «Фарзандларимизга ҳам фуқаролик бериладими?»

— Танишим 1993 йилда Ўзбекистонга келган. Янги қонун лойиҳаси бўйича унга фуқаролик берилар экан. Айтинг-чи, унинг фарзандлари ҳам бу ҳуқуқдан фойдалана оладими?

**Шухрат ХЎЖАЕВ,**  
Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник:

— Маълумки, қонун лойиҳасида 1995 йил 1 январга қадар Ўзбекистонга кириб келган ва доимий пропискага ўтган, хорижий давлат фуқаролигини қабул қилмаган


ҳамда бу қонун кучга кирган кунгача Ўзбекистонда яшаи гувоҳномаси асосида истиқомат қилган шахсларга фуқаролик бериш белгиланган. Агар ушбу тоифадаги шахсларнинг 14 ёшга етмаган фарзандлари 1995 йил 1 январга қадар Ўзбекистонга биргаликда келган бўлса, улар ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш имкониятига эга.

**Нозимжон ХАБИБУЛЛАЕВ,**  
Наманган вилояти.

# Хусусий бандлик агентликлари фаолиятига чек қўйилади...(ми?)

ТАН ОЛИШ ЛОЗИМ, БУГУН ХУСУСИЙ БАНДЛИК АГЕНТЛИКЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАРГА ДУЧ КЕЛАЁТГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗ ОЗ ЭМАС. АФСУСКИ, УЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ФИРИБГАРЛИК ҚУРБОНИГА АЙЛАНГАН

**Ю**ртимизда меҳнат мигрантлари масаласида йиллар давомида қатор муаммолар тўпланиб қолгани сир эмас. Шу маънода кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш, ноқонуний миграциянинг олдини олиш, одам савдосига қарши курашиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.



Хабарингиз бор, 2018 йил 16 октябрда Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»-ги қонуни қабул қилинган эди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги тегишли қарори билан «Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш излаётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Бу орқали соҳада хусусий секторнинг самарали фаолият олиб бориши учун ҳуқуқий асос яратилди. Жумладан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан хусусий бандлик агентликларини рўйхатга олиш ва хорижда фуқароларни ишга жойлаштириш учун лицензия бериш тизими жорий этилди. Бирок...

ларга жўнатиш ваъдаси билан 1080 нафар кишидан 21 млрд. сўм эквивалентдаги маблағни ўзлаштириб юборган «Human» хусусий бандлик агентлиги фаолиятдан жабр чеккан фуқаролар агентлик раҳбари устидан суд жараёни якунларидан қониқиб ҳосил қилмаган ва пуллари қайтарилишидан умидвор бўлиб, ҳукуматдан бу масалада ёрдам сўраган. Яқинда жабрланувчиларнинг пулларини шошилинч суръатда қайтариш бўйича Президент томонидан алоҳида топширик берилди.

Қолаверса, бу орада «Recruit Consulting Work», «International experience», «Historical Travel» каби яна бир нечта хусусий бандлик агентликлари раҳбарлари устидан ҳам жиноят ишлари кўзга тилиди.

## Катта микдорда моддий ва маънавий зарар етказилди

Аслида хусусий бандлик агентликларини ташкил қилишдан кўзланган мақсад — ташки меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий шакллари тубдан кенгайтириш, одам савдоси ва ноқонуний миграциянинг олдини олиш, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига кетаётган фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши таъминлаш, хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантларини тадбиркорлик ва меҳнат фаолиятига жалб этишни кенгайтириш, бу орқали соҳада монополияга бутунлай чек қўйишдан иборат эди. Шу боис 2018 йил 1 сентябрдан Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган

юридик шахсларга тегишли лицензия асосида фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш ваколати берилди. Аммо «гуруч қурмакисиз бўлмайди» деганларидек, баъзи агентликлар яратилган қулай шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш ўрнига ноқонуний хатти-ҳаракатларни амалга ошириб, фуқароларга катта микдорда моддий ва маънавий зарар етказди.

## Лицензия беришда қандай талаблар мавжуд?

«Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида: «Хусусий бандлик агентлиги иш қидираётган шахсларга иш танлаш ва ишга жойлаштириш бўйича, иш бевуричлар учун кадрлар танлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи, шунингдек, ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатувчи тижорат ташкилотидир...» дейилади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўп, бу каби марказлар қонунда кўрсатилган вазибаларнинг қай бирини амалга оширди? Уларга лицензия беришда қандай талаблар мавжуд?

— *Вазирлар Маҳкамаси Низомига мувофиқ, фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни амалга оширишда бир қанча лицензия талаблари ва шартлари мавжуд, — дейди Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги мамбуот қотиби Ортиқхўжа Норов. — Унга кўра, бундай тузилмалар соҳада доир қонун ҳужжатларида риоя қилиниши, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаси Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда улар-*

*нинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси депозит ҳисоб рақамига 50 минг АҚШ доллари миқдоридagi маблағни захирага қўйиши, иштатода камида икки нафар ходимнинг, шу жумладан, олий маълумотга эга раҳбарнинг бўлиши, юридик шахс уч тилда камида бир марта лицензияловчи орган томонидан белгиланган тартибга мувофиқ малака сертификатини олиши лозим.*

Шунингдек, фаолиятни амалга ошириш учун зарур шароитлар яратиш, ўзининг ёки ижарага олинган хонанинг бўлиши, тегишли моддий-техник база ва бошқа техник воситалардан фойдаланиши зарур. Бирок тан олиб айтиш лозимки, ўтган вақт ичида аксарият хусусий бандлик агентликлари қонунда белгиланган бу каби талабларни тўлиқ бажармади.

## Агентликлар фаолияти назорат қилинадими?

Соҳада ўрнатилган тартибга кўра, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги агентликлар фаолиятини лицензияловчи маъсул орган ҳисобланиб, лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилади. Текшириш «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонун талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Таъкидлаш лозимки, ўтган вақт ичида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан айрим хусусий бандлик агентликлари фаолияти устидан текширувлар ўтказилди, бироқ натижа қутилганидек бўлмади. Шу боис Ўзбекистон Бош вазир Абдулла Арипов «Human» хусусий бандлик агентлигидан жабрланган фу-

## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов палатанинг ялпи мажлисида «Human» хусусий бандлик агентлиги билан боғлиқ вазиятга муносабат билдирди:



— Қуни кеча содир бўлган воқеаларни ҳаммамиз кўрдик. Ва кечаги воқеалар ҳамма-мизга сабоқ бўлсин. Балки ўша пайтда қонун мукамал бўлмагандир, балки лицензия берувчи ташкилотлардан назорат жараёнида хато ўтган бўлиши мумкин. Бирок биз қонун қабул қилишда ўта эҳтиёткор бўлишимиз керак. Айниқса, кредит ва пул масалаларидаги қонун лойиҳаларига алоҳида эътибор билан ёндашиш зарур.

қаролар билан учрашувда бундан кейин ташқи меҳнат миграцияси билан фақат Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги шуғулланиши мақсадга мувофиқлигини қайд этиб ўтди.

## Хулоса ўрнида

Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ислохотларни янада жадаллаштириш мақсадида ташкил этилган хусусий бандлик агентликлари соҳада соғлом рақобат муҳитини яратди, фуқароларимиз бўш иш ўринлари тўғрисида очик ва ҳаққоний маълумотга эга бўлади, бу орқали тизимда коррупциянинг олди олинади, дея умид қилинган эди. Бирок бу ишончларнинг ҳеч бири оқланмади. Шундай экан, хатолардан тўғри хулоса чиқариш, соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, энг асосийси, фуқароларимизда ҳуқуқий билимини янада ошириш талаб этилади. Шундангина кўзланган мақсадларга эришилади.

Саъдулло ТУРСУНОВ  
«Mahalla»

## ДАРВОҚЕ...

Бугунги кунда мамлакатимизда 99 та хусусий бандлик агентлиги реестрда рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан ваколатли орган томонидан 59 та хусусий бандлик агентлигига лицензия берилган.

лозим, бугун хусусий бандлик агентликлари билан боғлиқ муаммоларга дуч келаётган юртдошларимиз оз эмас. АФСУСКИ, уларнинг аксарияти фирибгарлик қурбонига айланган. Хабарингиз бор, жорий йилнинг 17 февраль куни фуқароларни хорижий давлат-

**Б**угун юртимизда илм-фанны ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Унинг турли соҳалари каби археология йўналишини ҳам янги босқичга олиб чиқиш учун залворли одимлар ташланаётир. Зеро, мазкур соҳанинг сирли қирраларини очиш тарих саҳифаларини янги маълумотлар билан бойитиш баробарида, юртимизга ташриф буюрадиган сайёҳлар оқимининг янада кўпайишига хизмат қилади. Аммо ҳар бир масалада бўлгани каби археологиянинг ҳам ечимини кутаётган муаммолари талайгина. Биз шу мавзунини кенгроқ таҳлил қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, тарих фанлари доктори, профессор Аҳмадали Асқаровнинг мулоҳазалари билан қизиқдик.



# АРХЕОЛОГИЯ — тарих қаъридаги сирлар сари йўл

ЭНДИ ЯНГИ ҚАЗИЛГАН ОБЪЕКТЛАР ХАЛҚАРО САЙЁҲЛАР ТАШРИФ  
БУЮРАДИГАН ҚАДАМЖОГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

## Узоқ кутилган ғоя

— Жорий йилнинг 24 январь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиса йўлаган Мурожаатномасида олдимизда турган долзарб вазифаларнинг таҳлили, истиқболдаги режалар тўлиқ ўз аксини топди, десам муболага бўлмайди, — дейди А.Асқаров. — Асосий эътибор таълим, илм-фанны ривожлантиришга, мамлакатни ижтимоий, иқтисодий, маданий жиҳатдан янги поғонага олиб чиқишга қаратилди. Бу янгиланишлар эпкинни археология соҳасини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ, албатта. Зеро, шу кунга қадар мазкур йўналишда қатор муаммолар тўпилган қолган эди.

Истиқболнинг дастлабки йилларида турли қийинчиликлар, моддий етишмовчилик сабаб бошлаган анчагина ишларимиз тўхтаб қолди. Натияжада, археологик изланишларда хорижий ҳамкорларимиздан молиявий ёрдам олишга мажбур бўлдик. Дала шароитида мутахассис сифатида меҳнатни ўзбекистонлик археологлар қилди, кашфиёт пул сарфлаган хорижники бўлиб кетди.

Шукроналар бўлсинки, сўнгги уч йилда вазият тубдан ўзгарди. Археологик ёдгорликларни ўрганиш давлат томонидан молиялаштириладиган бўлди. Президентимиз томонидан олдимизга «Археологик ёдгорликларни кенг қўламда ўрганиш давлатга валюта киритадиган объектга айлансин», деган топширик қўйилди. Энди янги қазилган объектларни очик ташлаб кетмай, аксинча, халқаро сайёҳлар ташриф буюрадиган қадамжого айлантириш таклифини киритдилар. Бу бир жиҳатдан айтилган ва мамлакат бюджети учун катта маблағ киритадиган ғоя, лекин шунга яраша талаб этиладиган харажатлар ҳам анча катта. Битта экспедиция учун эса ҳар йили катта миқдорда пул сарфлаш зарур. Давлатимиз раҳбари ўз ўрнида ушбу масалага ҳам муносиб ечим топиб бера олди.

## Илмий тадқиқотлар давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади

Авваллари илмий изланишлар турли грант ва контрактлар асосида олиб

рилар эди. Лекин фундаментал фанни ҳеч қачон бир йиллик, уч йиллик шартнома бўйича ўрганиб бўлмайди. Чунки ўзаро келишув қандайдир шартлар ва мажбуриятларни бажаришни, натижаларини олдиндан кўрсатиб беришни талаб қилади. 15-20 метр чуқурликда нима борлигини ким айтиб бера оларди?! Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йилнинг 1 январидан бошлаб, Фанлар академияси, жумладан, археология соҳаси ҳам давлат бюджетига ўтказилди. Бу ишмининг анча енгиллаштириди, эртанги кунга ишончимизни оширди.

Айни вақтда юртимиз ҳудудидаги 100 дан ортик ноёб тарихий объектлар белгилаб олинган. Изланишларни эса босқичма-босқич амалга ошириш режалаштирилган. 2020 йилда археологик қазилмаларни учта ҳудудда ташкил этиш кўзда тутилган. Жумладан, Наманган вилоятининг Ахисенг, Самарқанд вилоятининг Афросиёб, Тошкент вилояти Оққўрғон туманининг Канка тарихий обидаларининг ҳар бирида апрелдан то октябргача ўнлаб археологлар, 50-60 нафардан кам бўлмаган ёлланма ишчилар ҳар бир таянч объектларда изланишлар олиб бориш билан шуғулланиладилар. Ўз навбатида, биз, археологлар қазималар жараёнида ноёб объектларни танабл, уларни «Мовий осмон» остидаги очик музей қилишга илмий жиҳатдан тайёрлаймиз.

## Туристларни жалб этиш учун янги объектлар керак

Биз юртимизда туристларни кўпроқ жалб этиш учун янги объектларни очишимиз керак. Қазииш ишлари олиб борилаётган ҳудудлар эса ҳаммада қизиқинг уйғотишни аниқ. Зеро, заманимизда дунёни лол қолдирадиган топилмаларимизнинг саногини йўқ.

Қолаверса, сўнгги ўрта асрларга тегишли тарихий обидаларимиз пишиқ ғиштдан ишлангани боис, уларнинг сақланиши яхши. Аммо ноёб, хорижий туристлар эътиборини ўзига торта оладиган қўшлаб ёдгорликларнинг асоси хом лойдан бўлгани боис, ёгингарчиликлардан катта талафот кўради. Оқибатда улар аянчли ҳолатга келар, қўлимизда фақатгина унинг сурати қолади.

Айримларинигина музейга қўйиш учун сақлаб қоладик. Агар очилган ёдгорликнинг усти ёпилса, уларнинг умри узаяди, табиат қўйнидаги жонли тарихга саҳмат қилиш имкони туғилади.

## Бизга фидойи кадрлар керак!

Соҳамизда ҳеч қандай техникадан фойдаланиш имкони йўқ. Қазиишма ишларининг барчаси қўл меҳнатига асосланади. Кўз олдингизга бир тепаликни келтиринг, у игна билан қудуқ қазигандек ўрганилади. Пичоқ, скалпел, бигиз каби кичик асбоблар ёрдамида эҳтиёткорлик билан қазииш учун қанча вақт кераклигини тасаввур қилинг! Асосийси, сабр, матонат ва вақт зарур. Зиммамизга пундай катта вазифа юклатилган. Уни оқлашда ўз-ўзидан фидойи кадрларга эҳтиёж туғилиши табиий. Жазирамада, чанг ва учма қум ютиб ишлаш, дала-даштда тонг оттиришининг ўзи бўлмайди. Боз устига, ҳар дақиқада олдингиздан захарли илон, чаён, қорақурт каби ҳашаротлар чиқиб қолгани эҳтимоли бор. Мана шу қийинчилик ва ҳавфларнинг барчасига кўз юмиб, ойлаб, йиллаб тер тўкиш керак. Бу шартларга ҳозирги ёшларнинг қай бири рози бўлади?

Айни вақтга қадар археологларни фақат Ўзбекистон Миллий университети тайёрлар эди. Эндиликда соҳани янада ривожлантириш мақсадида Наманган, Бухоро ва Термиз давлат педагогика университетларининг тарих факультети қошида археология йўналиши бўлимлари очилди. Таълим жараёнини ташкил этишда соҳанинг ўзига хос предметларини инобатга олган ҳолда, дала амалиёти билан уйғунликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Талаба эшитган маърузасини амалда қўлламас, ҳеч қандай самарага эришиб бўлмайди. Шу тарзда устоз-шогирд анъанасини ривожлантириш зарур.

## Зардўштийлик ибодатхонаси топилди

Биз, илм-фан аҳли яратиб берилаётган шароитларга муносиб жавоб қайтариш учун тинимсиз ҳаракатдамиз. Мана, яқинда Наманган вилояти Норин

тумани Учтепа қишлоғидан Зардўштийлик ибодатхонаси қолдиқларини топдик. Аввалига бу 8-10 метрли тепаликни ташқи белгиларига кўра, бирор бой кипининг ёки ҳукмдорнинг қабри бўлса керак, деб ўйлагандик. Чунки арабларга қадар бўлган даврда бирор киши вафот этса, бутун бойлиги билан кўмиш одати бўлган.

Буни қарангки, қазииш жараёнида бу худуд зардўштийлик ибодатхонаси бўлиб чиқди. Қазиишма ишлари мураккаблашди. Объектдан топилган 40 дан ортик алтар ўчоқлари (сиғинадиган меҳроблар), зардўштийлик дини предметлари, сополдаги орамий ёзув намуналари, тошдан ишланган оташпараст маъбудаларнинг ҳайкаллари ҳамда юксак санъат даражасида кулолчилик чархида ясалган нафис сопол идиш парчалари ва бошқа ноёб топилмалар ишни дадил давом эттиришни талаб этарди. Ибодатхона роҳибасининг қабридан эса кўза ва пичоқ топилди. Идиш ичида ҳайвон гўшти бўлган. Одамларда уни нариги дунёда пичоқ билан кесиб ёйди, деган қараш шаклланди.

**Ўша даврда меҳмон келса, унинг олдига дастурхонга пиширилган қўй гўшти ва пичоқ қўйилган. Ҳар ким ўзига керагини кесиб ёйиши мумкин бўлган. Шунинг учун ҳам ҳар бир жасад ёнига ҳайвон гўшти ва пичоқ қўйиб кўмиш одат тусига айланган.**

Шу каби кашфиётларимизнинг кўпи бугунги кунда ҳавф остида. Уларнинг усти зудлик билан ёпилмаса, қишки ёгингарчилик, хом лойдан ишланган ноёб топилмаларни йўқ бўлиб кетишига олиб келади. Уларни имкон қадар асл ҳолатидек асраб қолиш билан келажак авлод учун муносиб мерос қолдирган бўламиз. Зеро, тарих, ўтмиш ҳаммамизники, уни ўрганиш ўзлимизни англаш сари йўл очади.

Шахноза РАҲИМХҲАЕВА  
ёзиб олди.

Ҳокимларнинг туризм бўйича фаолияти баҳолаб борилади.





збекистонда илк эркин иқтисодий зона ташкил этилгандан буён ўн йилдан зиёд вақт ўтди. Йил сайин уларнинг сони ҳам ортиб бормоқда. Айниқса, сўнгги уч йил ичида бундай ҳудудлар бир неча бор кўпайди. Умуман олганда, алоҳида ҳудудларда иқтисодий ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва бизнесни қўллаб-қувватлашни назарда tutувчи иқтисодий зоналар мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Айтиш жонзки, шу кунга қадар мазкур иқтисодий муассасалар фаолиятини «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги қонун тартибга солиб келаятир. Президентимиз томонидан жорий йилнинг 17 февраль куни имзоланган «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги қонун ушбу соҳадаги ҳуқуқий асосни янада мустаҳкамлади. Уч ойдан сўнг кучга кирадиган мазкур ҳужжат моҳияти тўғрисида Тошкент молия институти доценти, иқтисод фанлари доктори Самариддин Элмирзаев билан суҳбатлашдик.



# Махсус иқтисодий зоналарнинг қандай афзаллиги бор?

## Дастур ривожлантириш омиглари қамраб олади

— Махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатиши ва ривожлантириш мақсадларига йўналтирилган мазкур қонунда инвестор, инвестиция лойиҳаси, махсус иқтисодий зона, махсус ҳуқуқий режим, махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестри, махсус иқтисодий зонанинг бош режаси каби таянч тушунчалар жорий этилган, — дейди С. Элмирзаев. — Белгиланишича, Вазирлар Маҳкамаси ва ушбу соҳадаги ваколатли давлат органи махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатиши ва уларни ривожлантиришни ташкил этишида ягона давлат сиёсатини амалга оширади. Аҳамиятли жиҳати, қонунга мувофиқ, Махсус иқтисодий зонани ривожлантириш дастури қўзда тутилган бўлиб, у бир қатор вазибаларни ўз ичига олади. Хусусан, дастур асосида ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини таъминлаш, бозор инфратузилмасини яратиш, махсус иқтисодий зонанинг фаолият бўйича ва соҳавий ихтисослашувига мувофиқ чет эл инвестициялари ҳамда маҳаллий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирлари комплекси амалга оширилади. Қонунда белгиланганидек, махсус иқтисодий зонани ривожлантириш



дастурини молиявий таъминлаш зонанинг ўз ресурслари, хусусий манбалар, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг, халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади. Шунингдек, махсус иқтисодий зоналар бўли турган ва фаолият кўрсатмаётган давлат мулк объектлари, маъмурий-ҳудудий тузилмалар ҳудудлари негизда, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ерларда ташкил этилиши ҳам назарда тутилмоқда.

## Янги иқтисодий зоналар пайдо бўлади

Янги қонунда махсус иқтисодий зоналар бешта турга — эркин иқтисодий зоналар, махсус илмий-технологик зоналар, туристик-рекреацион зоналар, эркин савдо зоналари, махсус саноат зоналарига ажратилган. Хусусан, эркин иқтисодий зона (ЭИЗ) — янги ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш, замонавий рақобатбардош, импорт ўринини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга фаол жалб этиш, шунингдек, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилмани ва логистика хизматларини

ривожлантиришни таъминлаш мақсадларида ташкил этилади. Янги кўринишдаги иқтисодий ҳудуд — махсус илмий-технологик зона эса инновация инфратузилмасини ривожлантириш мақсадларида илмий ташкилотлар ва илмий фаолият соҳасидаги бошқа ташкилотлар (технологик парклар, технологиялари тарқатиш (технологиялар трансфери) марказлари, инновацион кластерлар, венчур фондлари, бизнес-инкубаторлар ва бошқалар) тўпланган ҳудуд ҳисобланади. Шунингдек, туристик-рекреацион зона ҳам янгилик бўлиб, унда замонавий туристик инфратузилма объектлари (меҳмонхона комплекслари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва бошқа туристик аҳамиятдаги объектлар), махсус фаолият кўрсатувчи ва мавсумий рекреацион дам олиш зоналарини туристларга хизмат кўрсатиш мақсадида зарур шарт-шароитларни таъминлаган ҳолда барпо этишга доир инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ташкил этилиши қўзда тутилган.

Бундан ташқари, эркин савдо зоналари — консигнация оморлари, махсус божхона ва солиқ режимлари бўлган ҳудудлар, шунингдек, товарларга ишлов бериш, уларни ўраб-жойлаш, саралаш, сақлаш учун майдончалар, чегара пунктларида, аэропортларда, темир йўл боғланмаларида ёки бошқа божхона ҳудудларида ташкил этилса, махсус саноат зонаси эса бошқарув, ҳўжалик ва молиявий фаолиятнинг алоҳида режими жорий этиладиган ҳудуд, зарур маъмурий, илмий-технологик, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани барпо этиш учун ер

участкаларини ажратиш орқали шакллантириладиган хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш зоналарини ўз ичига олади.

## Зона ўттиз йил муддатга ташкил этилади


Қонунда махсус иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун тақлиф этиладиган инвестиция лойиҳаларига доир умумий талаблар, шунингдек, махсус иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун тақлиф этиладиган инвестиция лойиҳаларига доир алоҳида талаблар белгиланган. Махсус иқтисодий зона Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан, 30 йил муддатга ташкил этилиши ҳам қонунда акс эттирилган. Махсус иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш, чегараларини ўзгартириш ва уни тугатиш ҳам Президент қарорига асосан амалга оширилади.

**Қонунда махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми, махсус божхона режими ҳам белгиланган. Шунингдек, инвесторлар амалдаги Солиқ кодексига мувофиқ солиқ ва божхона имтиёзларидан фойдаланиши ҳам мумкинлиги белгилаб қўйилган.**

Янги тартибга кўра, давлат бошқаруви органлари, Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига махсус иқтисодий зонани ташкил этиш, унинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш, чегараларини ўзгартириш ва уни муддатидан илгари тугатиш тўғрисида ташаббус билан тақлиф киритиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қонун ҳужжати махсус иқтисодий зоналарнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаши билан бирга, уларнинг фаолияти ташкил этилиши ва амалга оширилиши тартиб-қоидаларини изчил белгилаб берди.

Луғубек ИБОДИНОВ  
«Mahalla»



Туркиялик мутахассис Соғлиқни сақлаш вазири маслаҳатчиси этиб тайинланади.

Ю

ртимизда барча соҳада жадал ривожланиш кузатиляпти. Аммо тараққиёт энергия — қувват талаб қилади. Ишлаб чиқариш тармоқлари билан бир қаторда аҳоли томонидан истъеъмол қилинаётган энергия, жумладан, электр энергияси миқдори йилдан-йилга кўпаяётир. Аммо мамлакатимизда мавжуд энергия тизимларининг қуввати йилига 14-15 ГВт.ни ташкил этади, холос. Бу рақамлар эҳтиёжни тўла қондириш учун етарли эмас. Усуналарнинг асосий қисми (қарийб 81 фоизи) эскирган энергоблоклар бўлиб, улар 1939 йилдан 1995 йилгача бўлган даврда ишга туширилган. Жойларда юзага келган электр таъминоти масалаларида жиддий камчиликларга барҳам бериш борасида давлатимиз томонидан муҳим чора-тадбирлар амалга ошириляётгани сир эмас.



# Зилзила

## рўй берадиган ҳудудда АЭС қуриб бўладими?

Ўзбекистонда «Росатом» корпорацияси томонидан ишлаб чиқилган ССЭР-1200 атом реакторлари негизда умумий қуввати 2,4 ГВт. бўлган икки блокдан иборат илк атом электр станцияси қуришга киришилгани айти йўналишдаги оқилона қадамлардан бўлди. Шунга қарамай, атом энергетикасининг самарадорлигига шубҳа билдириш, ушбу лойиҳага хавотир билан қараш, у билан боғлиқ юзага келиш эҳтимоли бўлган хавфдан чўчиш ҳолатлари ҳам бор. Хўш, атом электр станциясининг афзаллиги нимادا ва бундай шубҳа-гумонлар қанчалик ўринли? Айти пайтда АЭС қурилиши қайси босқичга етди?

### АЭС — вазиятга муҳим ечим

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти директорининг ўринбосари, техника фанлар доктори Илҳом Содиковнинг таъкидлашича, атом электр станцияларида электр ишлаб чиқариш таннархи бошқа манбалар ҳисобидан ишлаб чиқарилган токниқидан анча арзонга тушади. Жаҳон бозоринда нархлари тез-тез ўзгариб турувчи нефть, газ, кўмир каби углеводородларга нисбатан нархи муқим бўлган

ёқилғига асосланади. Атом асосида электр ҳосил қилишда уран таннархининг улуши 4-5 фойз бўлиб, бу уран нархининг ўзгариб туриши ишлаб чиқариладиган электр энергиясига деярли таъсир қилмаслигини билдиради. Натижада биз «атом» киловати таннархини ҳам бир неча йил олдинга башорат қилишимиз мумкин ва бу энергия тарифида барқарорлиқни аниқлатади. АЭСга киритиладиган инвестициялар кейинги бир неча ўн йилда энергия арзон ва хавфсиз бўлишига кафолат беради.

### Экологияга фақат фойда келтиради

2017 йил апрель ойида Ўзбекистон Иқлим бўйича Париж битимига қўшилди. Битимга аъзо мамлакатлар атмосферага карбонат ангидрид газини чиқаришни камайтириши лозим. Бу ҳозирги кунда Ўзбекистонда улуши 87 фоизни ташкил этган иссиқлик электр станцияларидан фойдаланишни қисқартиришни назарда тутлади.

Бундай қувватдаги АЭСдан фойдаланганда эса 50 тоннагача радиоактив чиқинди пайдо бўлади, улар тўлиқ назорат остига олинади. Кўмилиб, қуриқланади. Ишлатиб бўлинган ядро ёқилғиси қолдиқлари, дунёда шакланган амалиётга кўра, уни тайёрлаган мамлакатга жўнатилади.

**ИЭСдан чиқадиган радиоактив моддалар АЭСдан чиқадиган радиоактив моддаларга нисбатан 10-11 баравар кўп. АЭСдаги мазкур чиқиндилар, асосан, кам яшайдиган радиоактив инерт газлар ҳисобидан бўлса, ИЭСдан ажралиб чиқадиган чиқиндилар узоқ яшовчи радиоактив, юқори даражада захарли оғир металллардан ташкил топади.**

### Хавфсизлик даражаси баланд

Экспертларнинг фикрига кўра, бугун дунёда мавжуд бўлган энг хавфсиз ядро энергетика қурилмаси ҳисобланган «3+» авлодига мансуб ССЭР-1200 атом реактори ишлаб чиқарувчиларининг асосий тамойили — хавфсизлик, экология, иктисодий самара ва ижтимоий омилга асосланган. Ташқи қобғи самолётнинг тўғридан-тўғри кулашига дош бера оладиган станция реактори қарийб 30 та фаол ва пасив химия қатламлари ага.

Тўғри, Чернобиль ва Фукусимадаги ҳалокатлар инсониятнинг сергак бўлишга ундайди. Ўтган асрнинг 60-йилларида

барпо этилган Чернобиль АЭС ҳалокатининг асосий сабаби инсон омили бўлган, Фукусима АЭСда эса табиий офат ва уни лойиҳалаштиришдаги хатолар ҳалокатни юзага келтирган.

Айтиш жоизки, замонавий ядро технологиялари ўтган асрнинг 50-60 йилларидагига нисбатан кескин илгарилаб кетди. Жумладан, «3+» авлоддаги ССЭР-1200 реакторларининг мутлақо автоматлашган химия қатламлари авариялар содир бўлишига йўл қўймайди.

### Кучли зилзила кузатилмаган ҳудуд танланди

Жорий йилда Халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ) Ўзбекистонда иккита экспертлик миссияси ўтказиб, АЭС қурилиши учун танланган ҳудудни баҳолашни режалаштирган. Агентлик меъёрларига кўра, агар танланган ҳудудда 9 балдан юқори сейсмик фаоллик кузатилса ва объект майдонида фаол тектоник ёрик борлиги аниқланса, у ҳолда АЭС қурилишига рухсат берилмайди.

— АЭС қурилиши учун муносиб жой танлаш зарурати туғилганда, республикамиз мутахассислари томонидан 10 та жойлашув пункти танланган эди (ҳар бир пункт ўрганиш учун бир неча майдонлардан иборат), кейинроқ эса фақатгина иккитаси қолди, — дейди ЎзР ФА Сейсмология институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, геология-минерология фанлари доктори Воҳитхон Исмоилов. — Изчил давом этган муҳандислик тадқиқотларидан сўнг «Тузқон» объектидаги уч ҳудуддан бири танлаб олинди ва қурилиш учун устувор майдон сифатида баҳоланди. Бугунги кунда олимлар уни янада чуқурроқ тадқиқ қилиш устида бош қотириш-

моқда: ҳозирда ҳудудда майда ёриқларнинг мавжудлиги ва уларнинг фаоллик даражаси аниқланмоқда. Махсус асбоблар ҳамда архив материаллари ёрдамида олинган маълумотлар шуни тасдиқлайдики, АЭС қурилиши учун энг мақбул майдон танланган бўлиб, сўнгги икки минг йил ичида ҳудуддан 50 км. радиус узоқликдаги масофада кучли ер силкинишлари кузатилмаган.

— Айти пайтда АЭС қурилиши учун танланган устувор майдонга ЎзР ФА Сейсмология институти томонидан 8 та махсус сейсмик станциялар ўрнатилган бўлиб, улар ҳар қандай ер силкинишининг ушбу ҳудудга бўлган таъсирини кун давомида мунтазам ўрганиб боради, — дейди ЎзР ФА Сейсмология институти «Минтақавий сейсмиқлик ва сейсмик районлаштириш» лабораторияси етакчи илмий ходими, физика-математика фанлари доктори Роман Ибрагимов. — Ўз навбатида, Россия томонидан ҳам сейсмик широтини кузатиб борувчи 8 та станция ўрнатилган. Уларнинг фаолияти якунида тўпланган барча маълумотлар Халқаро Атом энергияси агентлигига ҳисобот тартиқасида тақдим этилади.

### Хулоса ўрнида

Мамлакатимиз энергетика соҳасининг келажакга қуриладиган атом электр станцияси билан боғлиқ. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши юртимизда энергияга бўлган эҳтиёж мустаҳкам таъминланишини кафолатлайди, юзага келадиган муаммоларга ечим бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими, хавфсиз, арзон ва қулай манбага эга бўлиш билан бирга, энергия мустақиллигига эришамиз.

Тўлқин ШЕРНАЕВ  
«Mahalla»

### ДАРВОҚЕ...

Юқори сейсмик фаолликка эга бўлган кўпбал давлатларда атом электр станциялари фаол ишлаётгани ва қуриляётганига гувоҳ бўламиз. Ҳаттоки, Япония, Покистон, Ҳиндистон каби зилзилалар тез-тез рўй берадиган мамлакатларда ҳам атом электр станциялари мавжуд. АЭС сони бўйича бугун биринчи ўринни АҚШ эгаллаб турибди: бу ерда жами 96 реактор мавжуд бўлиб, уларнинг бир қисми юқори сейсмик фаол ҳудудларда жойлашган. Хитойда ҳозирги кунда 48 та ядро реакторлари ишлайди, яна 10 та янги блок қурилиш босқичида. Жанубий Кореяда 24 та реакторга эга 4 та АЭС фаолият юритмоқда. Эрондаги «Бушер» АЭС ҳудудида мунтазам равишда кучли зилзилалар рўй бериб туради, лекин улар станция ишига мутлақо таъсир қилмайди, АЭС одатдагидек ишлашда давом этмоқда.

Ўзбекистон электр энергияси ишлаб чиқаришни 1,2 фойзга оширди.

**С**ир эмас, узоқ йиллар давомида Қуролли Кучларимизни ҳарбий ва икки мақсадда фойдаланиладиган маҳсулотлар билан таъминлаш, асосан, импорт ҳисобидан амалга ошириб келинди. Ачинарлиси, бу ҳолат нафақат миллий армиямизни ҳарбий ва маҳсус техника, қурол-аслаҳа ва бошқа зарур жиҳозлар билан ўз вақтида таъминлаш, балки мамлакат ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш каби стратегик йўналишда хорижий давлатларга боғланиб қолишдек ноқулай аҳволга олиб келди. Қолаверса, республикамызда мавжуд мудофаа аҳамиятига эга бўлган бир қатор корхоналар оғир иқтисодий аҳволга келиб қолган эди.



# Ўзбекистон ўзининг мудофаа саноатига эга бўлади

Мамлакатимиз ривожланишининг янги босқичида бу соҳа ҳам эътибордан четда қолмади. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг ташаббусига кўра, 2017 йил 20 ноябрда давлат мудофаа буюртмаларини шакллантириш ҳамда мудофаа аҳамиятига эга бўлган ишлаб чиқариш соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб боришга маъсул бўлган давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати бўйича давлат кўмитаси тузилди. Хўш, ўтган икки йилдан ошқин вақт ичида мазкур соҳада қандай ўзгаришлар амалга оширилди?

## Халқаро ҳарбий-техник ҳамкорлик кенгаймоқда

— Таъкидлаш жоизки, кўмита зиммасига давлат мудофаа буюртмаларини шакллантириш ва бажаришнинг таъминлаш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ташиқлотларнинг мудофаа саноати соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, қурол-аслаҳа, ҳарбий ва маҳсус техникалар ҳамда бошқа мулкни ишлаб чиқариш, таъмирлаш, модернизация қилиш, халқаро ҳарбий ҳамкорликни йўлга қўйиш каби долзарб вазифалар юклатилган. — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси аъзоси Фахриддин Саматов. — Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз саноатининг ҳарбий ва икки мақсадда фойдаланиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантиришнинг таъминлаш ҳамда миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ, жанговар техника, маҳсус воситалар ва айрим турдаги озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича мақсадли ишлар бажариб келинмоқда.



Бу борада хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, дунёнинг 20 дан ортиқ ривожланган давлатлари билан ҳарбий-техник ҳамкорлик ўрнатилди, 6 та хорижий давлат билан ҳукуматлараро комиссия фаолияти йўлга қўйилди, 10 дан зиёд давлатлар билан ҳарбий-техник ҳамкорлик йўналишида халқаро битим ва келишувлар имзоланди. Тизимли равишда замонавий қурол-аслаҳа ва жанговар техникаларни харид қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий ва икки мақсадда фойдаланиладиган маҳсулотларга бўлган талабларини ўз вақтида ва сифатли бажариш ҳам устувор аҳамият касб этди. Шу мақсадда 2018-2019 йилларда «КамАЗ» автомобили шассисидан юк ва маҳсус автомобиль техникаларини, ҳарбий мақсадда фойдаланиладиган радиоалоқа воситалари, нафас олиш органлари ҳамда воситаларини, озик-овқат паёқлари ҳамда бошқа турдаги ҳарбий ва икки мақсадда фойдаланиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича бир қанча тармоқлараро лойиҳалар амалга оширилди.

## Эскирган қурол-аслаҳалар модернизация қилинмоқда

Мудофаа вазирлиги куч ва воситаларини жалб қилган ҳолда мавжуд, моддий ва маъ-

навий жиҳатдан эскирган қурол-аслаҳаларни модернизация қилиш бўйича изчил равишда амалга оширилаётган ишларни муҳим ўзгариш сифатида тилга олиш мумкин.

Жумладан, БМ-21 «Град» русумли яши ўт очиб реактив тизими янги замонавий шассисга ўрнатилгани ва бу тизим амалий синовлардан муваффақиятли ўтгани, БТР-70 русумли транспортёрга янги замонавий дизель двигатели, узатиш қутиси ўрнатилиб мобил имкониятлари оширилгани, шахсий таркиб ҳимоясини ошириш мақсадида қўшимча зирх ва кумулятив панжара билан жиҳозлангани фикримиз тасдиғидир.

Бундан ташқари, Т-64 русумли танкнинг куч бўлими тўлиқ реконструкция қилиниб, замонавий, катта қувватга эга двигатель ва трансмиссия агрегатлари қўйилди, рақамли алоқа воситалари билан жиҳозланди. Газ-66 русумли автомобилларни эса уларга «ISUZU» двигателлари ва узатиш қутиларини ўрнатган ҳолда модернизация қилиш йўлга қўйилди. Бу, ўз навбатида, уларнинг ҳаракатчанлик ва мобил имкониятларини оширди. Шунингдек, «КамАЗ» автомобиллари шассисидан барча шариот ва худудларда қўшиллар бошқарувини таъминлай оладиган мобил кўмондонлик бошқарув пунктлари ҳамда замонавий асбоб ва ускуналар билан жиҳозланган, ҳар қандай мураккаб тибий амалиётларни амалга оширишга кодир тиббиёт пункти яратилди.

## Корхоналарнинг янги умри

Навбатдаги ишлар — «Чирчик авиация таъмирлаш заводи» давлат корхонаси ва «Восток» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат унитар корхонаси фаолиятини қайта жонлантириш вазифасини ўз ичига олди. Хусусан, «Чирчик авиация таъмирлаш заводи» ДК реконструкция қилиниб, тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди ва технология жиҳатдан қайта жиҳозланди. Бунинг натижасида корхона томонидан кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш имкони яратилди. Жумладан, Мирусумидаги вертолётларнинг таъмирланаётган жиҳозлари номенклатураси орди, Су-25 русумли самолётларни таъмирлаш ўзлаштирилмоқда.

«Восток» ИИБ ДУКда эса бугунги кунда ўқотар қуроллар учун ўқ-дорилар ишлаб чиқаришмоқда. Амалга оширилган тадбирлар натижасида 2020 йилнинг биринчи ярмида янги турдаги патронлар ишлаб чиқарувчи линиянинг ишга туширилиши режалаштирилмоқда.

Улар қаторидан яна бир янги корхона жой олгани эътиборга сазовор. Ҳарбий кийим-анжомларни ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон–Туркия қўшма корхонаси тузилди, 2019 йилда дастлабки цех фаолияти йўлга қўйилди. Жорий йилнинг II чорагида корхонанинг тўлиқ қувватда ишга туширилиши мўлжалланган бўлиб, бу ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли ошишини билдиради.

## Соҳадаги истиқболли режалар

Алоҳида таъкидлаш кераки, 2020 йилда Мудофаа саноати бўйича давлат кўмитаси томонидан кўмита тасарруфидagi («Восток» ИИБ ДУК, «Чирчик авиация таъмирлаш заводи») ДК, «Инновацион технологиялар маркази», «MS TexMash» ва «MS RemTex» МЧЖлар) ва маҳаллий корхоналар («KRANTAS», «ISUZU»

ва бошқалар)да ишлаб чиқарилаётган ҳарбий ва икки мақсадда қўлланадиган маҳсулотлар ҳамда хизматлар кўрсатиш кўрсаткичларини икки баробарга ошириш режалаштирилган.

Аммо юқорида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар миллий армиямизни замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар билан таъминлашга кодир бўлган тўлақонли мудофаа саноати секторини барпо этиш учун етарли эмаслигини қайд этиш жоиз. Шу боис белгиланган пировард натижаларга эришиш ҳамда мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустақамлаш мақсадида 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси мудофаа саноатини янада ривожлантиришга қаратилган амалий ҳаракатлар режаси («Йўл харитаси») ишлаб чиқилмоқда.


Ушбу режада Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиққан ҳолда 2020 ва кейинги йилларда асосий эътибор Қуролли Кучларимизни замонавий қурол-аслаҳа, ҳарбий ва маҳсус техника ҳамда бошқа маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ таъминлашга, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини тақомиллаштиришга, ишлаб чиқарилаётган ҳарбий ва икки мақсадли маҳсулот турлари ва номенклатурасини кўпайтиришга, корхоналарга турли имтиёзлар яратган ҳолда маҳсулотлар таннархини тушириш ва уларнинг экспортбонлигини оширишга қаратилади. Шубҳасиз, мазкур йўналишда олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар мамлакатимиз мудофаа саноатини ривожлантириш, ҳарбий қудратимизни янада мустақамлашда амалий аҳамият касб этади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ  
«Mahalla»

«Бизким, ўзбеклар» китоби бешинчи марта нашр этилди.

# М

амлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлатнинг иқтисодийдаги иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг устуворлигини янада кучайтириш, бизнес ташаббуслар, стартапларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Соҳадаги ижобий ўзгаришларда Президентимизнинг 2018 йил 11 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.



## ДАРВОҚЕ...

Юртимизда лицензияларнинг 79 фоизи, рухсат берувчи ҳужжатларнинг 80 фоизи ҳанузгача қоғоз шаклида берилмоқда. «Лицензия» ахборот тизимлари комплекси 2014 йилда ташкил этилганига қарамай, бугунги кунда бу портал деярли фаолият юритмаяпти. Ҳаттоки 4 мингдан ортиқ лицензия «бир дарча» тамойилига риоя қилинмасдан берилган. Айни пайтда Қурилиш вазирлиги 35 тадан ортиқ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги – 34 та, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси – 438 та, Давлат солиқ қўмитаси – 80 га яқин лицензиялар берган.

# Лицензиялаш ва рухсатномалар олиш тартиби ўзгарадими?

Шунга қарамай, ишбилармонлар учун замонавий талабларга жавоб бермайдиган лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-тамомиллари сакланиб қолаётгани, шунингдек, ҳанузгача айрим ваколатли органлар томонидан лицензия ва рухсатнома бериш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштиришда орта суриш ҳолатлари кузатилаётгани сир эмас. Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 17 февраль кунги тадбиркорлик фаолиятида лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди. Хўш, бундан кейин лицензия ва рухсатномалар бериш тартибларида қандай ўзгаришлар бўлади?

*тартибини соддалаштириш ва тегишли талаблар бажарилишини мониторинг қилишнинг ошқора механизмларини ишлаб чиқиш ҳозирги давр талабидир. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Бизнес-омбудсман таркибида махсус Ишчи гуруҳ тuzилган.*

### Ҳужжатлар уч баробарга қисқартирилади

Бугунги кунда юртимизда 52 гуниг нафар тадбиркор лицензия ва рухсатнома олган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Лицензиялаш ва рухсатнома бериш бу тадбиркорнинг ўз фаолиятини илк

хати қайта кўриб чиқилгандан сўнг, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига, шунингдек, жамоат хавфсизлигига путур етказадиган соҳаларгагина лицензия берилди. Ушбу фаолиятни тартибга солувчи қонун бундан 20 йил олдин қабул қилинган. Шунинг учун ягона ҳужжат — лицензиялаш ва рухсат бериш тизимини комплекс тартибга солиш бўйича алоҳида кодекси ишлаб чиқилди. Бунинг учун, биринчи навбатда, лицензия фаолияти йўналиши бўйича рухсат бериш ҳужжатлари қайта кўриб чиқилиб, уч баробаргача камайтирилиши керак. Ҳозирда бу жараён кетяпти. Бугунги кунгача тегишли ишчи гуруҳ ушбу фаолият

### Айрим шартлар рақобатни чекламоқда

— Бундан кейин, аввало, инсон соғлиғига ва жамиятга зиён етказмайдиган фаолият турлари лицензиялашдан чиқариб ташланиши белгиланди. — дейди Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Фаризноҳ Усмонов. — Мисол учун, ўқув марказларидаги ўқитиш жараёни фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён етказмасан-да, лицензияланади.

Шунингдек, айни пайтда айрим лицензия шартлари соҳада рақобатни ҳам чекламоқда. Хусусан, кредит тарихи тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш билан ягона кредит бюроси шуғулланиб, бозорга бошқа тадбиркорлар киришига деярли имкон йўқ. Кредит бюросини очиш учун камида 10 та тижорат банкининг розилигини олиш талаб этилади. Мавжуд 30 та банкдан 26 таси ушбу ягона кредит бюросининг муассиси ҳисобланиб, қолган 4 та банк янги бюро ташкил этишга розилик берган тақдирда ҳам ташаббускор лицензия ололмайдди. Бундан ташқари, баъзи ҳолатларда тадбиркор лицензия олиш учун узоқ вақт давомида сарсон бўлиб, керакли ҳужжатларни тўплаб топиради, бироқ арзиманган сабаблар билан унинг аризаси кайтарилди.

Шу билан бир каторда, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг муқобил усулларини кенг жорий этиш лозим. Хорижий тажрибада лицензиялаш ўрнига хабардор қилиш, мажбуриятни суғурталаш, ўзини ўзи бошқариш, техник тартибга солиш каби муқобил усуллар мавжуд. Мисол учун, тураржой объект-

ларини нотураржой сифатида қайд этиш учун тадбиркор алоҳида рухсатнома олиши керак. Ваҳоланки, бунинг учун давлат идоралари хабардор қилинса кифоя. Худди шундай, риэлторлик, аудиторлик, суд бошқарувчилиги каби фаолият турлари билан шуғулланувчиларнинг жавобгарлигини суғурталаш ёки ўз-ўзини бошқариш тизимларига ўтказиш мумкин.

Шу муносабат билан, Адлия ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигига икки ой муддатда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг муқобил усулларини жорий қилиш вазифаси юклатилган.

### Хулоса ўрнида

Бундан кейин лицензия талабларига риоя этишини (пост-лицензион) мониторинг қилиш, яъни янги ошқора тизими жорий қилинади. Лицензия талаб қилувчи фаолият турларининг барчасида автоматлаштирилган риск-анализ тизими ва масофавий назорат йўлга қўйилади. Яъни янги электрон тизим яратилади. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш ҳамда Адлия вазирликлари ҳамкорликда жорий йилнинг 1 августига қадар лицензия бериш билан боғлиқ барча жараёнлар тўлиқ автоматлашган ягона электрон тизимни ишга туширади. Ягона платформада эса жараёни ҳамма кузатиши мумкин бўлади. Бу эса ўз ўрнида коррупциянинг олдини олади. Муҳими, юртимизда тадбиркорларнинг қўллаб-қувватланишида яна бир қадам ташланади.

Нилуфар ЮНУСОВА  
«Mahalla»

### Янги кодекс ишлаб чиқилади

— Шу пайтга қадар одамларни қийнаб келаётган лицензия бериш тизими қайта кўриб чиқилиши ҳамда қисқартирилиши, экспертлар таъбири билан айтганда, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда яна бир муҳим тарихий қадамлардан бўлди, — дейди Адлия вазирлиги масъул ходими Фаррух Жўраев. — Юртимизда илгирликда тадбиркорлик фаолиятида лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш бўйича устувор вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Чунки лицензия ва рухсатномалар бериш тартиби ва муддатлари бўйича камчиликлар, коррупцион ҳолатлар кўза ташланмоқда. Шу боис илгор хорижий тажриба асосида лицензия ва рухсатномалар турларини қисқартириш, уларни бериш

**ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН, АДЛИЯ ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ҲАМДА ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИГА ИККИ ОЙ МУДДАТДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ МУҚОБИЛ УСУЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ВАЗИФАСИ ЮКЛАТИЛГАН.**

бошлаган пайтидаги давлат билан дуч келинадиган қадимидир. Айни пайтда Ўзбекистонда лицензияланиши керак бўлган 266 турдаги фаолият ва 138 турдаги рухсат бериш тартиб-таомиллари мавжуд. Бундан кейин уларнинг руй-

бўйича таҳлил 50 фоизга бажарди. Таҳлиллар тугагач, узил-кесил аниқ алгоритмларга асосланиб ишлайдиган тизим яратилади. Яъни лицензия ва рухсатномалар бериш тартиби ва муддатлари қайта кўриб чиқилади.

Давлат корхоналарини бошқариш учун менежерлар захираси шакллантирилади.

# ДУНЁ ҲАЛОКАТ ЁҚАСИДАМИ?

**Ўзбек олимлари глобал исишга қарши курашишда қандай тадқиқотлар олиб бормоқда?**



**Иброҳим АБДУРАҲМОВ,**  
Инновацион ривожланиш  
вазирининг вазири, академик.

## Ўтказиб эмас, ғалаба билан чиқиш керак

Юртимизда таълим ва илм-фанни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Фан ва таълимга улкан молиявий ресурслар йўналтирилиб, ишланмаларни иктисодийнинг турли соҳаларига жорий этиш учун янги имкониятлар очилмоқда. Жорий йил 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга қилган Мурожаатига «Илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили»да устувор фан йўналишларини белгилаб берди. 31 январь куни илм-фан вакиллари билан учрашувда давлатимиз раҳбари томонидан биология ва кимё фанини ривожлантириш ҳамда муаммоларнинг илмий ҳал қилиниши топиш вазифаси қўйилди.

Биология ва кимё инсониятнинг глобал муаммоларга қарши курашишда катта аҳамият касб этади. Ушбу фанлар йўналишлари дунё олимлари тадқиқотлари



марказида глобал исишнинг салбий оқибатларини бартараф этиш тургани ва бу Ўзбекистон биология ва кимё фанлари учун устувор эканини таъкидлаш лозим.

БМТ бош котиби Антониу Гутерриш сентябрь ойида бўлиб ўтган климат ўзгариши чоралари бўйича саммитда: «Климат ўзгариши билан боғлиқ давлатларнинг вазиятида биз ҳозирча ютказаетганимиз аниқ, аммо ундан ғалаба билан чиқишимиз эҳтимоли ҳам йўқ эмас», деди.

Инсон фаолиятининг атропоген таъсири туфайли табиғатда ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёси тобора камайиб бормоқда, бу эса инсонларнинг кўрра заминимиздаги ҳаётини хавфга солмоқда. Атропоген таъсири туфайли чийиндилар билан ифлосланишдан ташқари, карбонат ангидрид ва бошқа иссиқхона газлари об-ҳаво

хароратини аста-секин ошираётир. Олимлар 2015 йилдаги об-ҳаво ҳарорати ўн тўққизинчи асрга нисбатан 1°C юқори эканини қайд этишди. Об-ҳавонинг 2°C га ошиши шундай салбий экологик жараёнларга олиб келадики, уларнинг оқибатларини тўғридан-тўғри илжо қилмайди. Ҳозирда атмосферада иссиқхона газининг ошгани боис Арктика музлари эриб кетмоқда, йўл зоналари қўлайиб, об-ҳаво пароводлари кескинлашаётир, ўрмон ёнғинлари ортиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, озик-овқат ва сув ресурслари хавфсизлигига таҳдид солади, иктисодий бўҳронга олиб келади.

## Иссиқхона газлари аслида нима?

Сайёрамиздаги иссиқхона газлари, асосан, сув буғлари, карбонат ангидрид, метан ва озондан иборат. Қуёш радиацияси атмосфера орқали даярли тўсиқсиз ўтиб, ер юзасини иситиши. Ўз навбатида, энергия инфракрасил нурулини шифатида қайта тарқалади, унинг катта қисmini атмосферадаги карбонат ангидрид ва сув буғлари ўзига синдириб, Ерни кўра каби ўраб турувчи ташқи қобилини ҳосил қилади. Мана шу табиий иссиқхонага эриш қисми ҳарорат -21°C га яқин бўлиб кетган бўлади.

Қазилма ёқилғиларини ёққанимиз сари атмосферадаги карбонат ангидрид концентрацияси ошиб бораверади, бу эса табиий иссиқхона эффектини кучайтириб, сайёранинг иссиқлигига олиб келади. Суперкомпьютерларда яратилган мураккаб моделлар шоянча чоралар қўрилишини тақозо этмоқда. «Аниқ илмий маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, карбонат ангидрид ва бошқа иссиқхона газлари камаймас, климат ўзгариши Ер юзиде ҳалокатга олиб келади», дейди Жаҳон метеорология ташкилоти (WMO) Бош котиби Петтери Таалас.

рология ташкилоти (WMO) Бош котиби Петтери Таалас.

## Қишлоқ ҳўжалигидан барака учмасин

Глобал исиш қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлигига, айниқса, гўзага тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатмоқда. Биринчи муаммо бу — кечқурунги ҳароратнинг юқори ва нотўғрунлиги оқибатида гулчанги ҳўжайраларининг абнормал ривожланиши туфайли гўзадаги шоналарнинг бирварақайига тўқил кетиши кузатишмоқда. Сабаби, глобал исиш туфайли тоғлардаги музликлар торайиб бораётди ва илгартидек кечқурунги ҳаво ҳарорати бирдек пасаймангга, ҳарорат амплитудаси 20-38°C оралиғида кузатишмоқда.

Демак, юқори ҳароратга чидамли чанг ҳўжайраларини етиштириладиган янги навлар устида ишлаш, иссиққа чидамли навларни яратиш бугунги Ўзбекистон биологлари ва генетикларининг устувор йўналишларидан бири бўлиши керак. Шу ўринда илмий яхши ривожланган гўза навлари ҳам шона ташлашга анча чидамли бўлишини айтиш лозим. Қолаверса, юқори ва нотўғрун кечқурунги ҳарорат шароитларида чанг ҳўжайраларининг етилишини таъминлайдиган янги авлод биостимуляторларини яратиш энг устувор вазифа бўлади.

Иккинчи муаммо эса, глобал исиш ўсимликлар физиологиясига катта таъсир қилиши ва уларнинг минерал ўғитларга талабини ўзгартиргани билан боғлиқ. Бу эса гўза ҳосилдорлигига катта салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирда ушбу муаммонинг ечимини — глобал исиш шароитида янги ўғитлаш нисбатларини зудлик билан ишлаб чиқиш бўлиб, бу Ўзбекистон агрокимёгарлари ва

Айни пайтда олимлар глобал исиш хавфини тез-тез эслатиб туришади. Ер ҳароратининг аста-секин кўтарилиши туфайли ичимлик суви камайиб, айрим ҳайвонларнинг йўқ бўлиб кетиши ва бошқа даҳшатли оқибатлардан огоҳлантиришмоқда.

«Дунё — ҳалокат ёқасида турибди. Глобал исиш сабаби сайёрамизда жиддий ўзгаришлар кузатишмоқда. Антарктида музлари эришининг йиллик кўрсаткичлари 40 йил аввалги рақамлардан олти бараварга ошган, 2015 йилдан бери дунё бошқа даврларда йўқотмаган музликлар массасини бой берди», дейилади БМТнинг атропоген таъсирининг дастури (UNEP) ва Бутунжаҳон метеорологик ташкилотининг ҳисоботида. Табиийки, бу ҳолат Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмайди. Ҳўш, бугунги кунда глобал исиш ҳолати бўйича олимларимиз қандай чораларни қўллашмоқда?

ўсимликлар физиологияси соҳасидаги илмий мақбалаларнинг устувор вазифасидир. Бу борада тематик тадқиқот лойиҳаларига танловлар эълон қилиниб, янги йўналишда тадқиқотлар шакллантирилмоқда.

## Ўзбекистон олимлари изланишда

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Геномика ва биоинформатика маркази олимлари томонидан ген-нокаут технологияси асосида «Порлоқ» сериясининг янги пахта навлари яратилган бўлиб, улар юқори даражада ривожланган, узун илди тизими туфайли бошқа пахта навларига нисбатан сув танқислиги ва туپроқ шўрланишига чидамлилиги билан ажралаб туради. Ундан ташқари, сўнгги тадқиқотлар «Порлоқ» навларида фотосинтез жараёни ағъанавий пахта навларидагидан бир неча марта тезроқ юз беришини тасдиқлади.

Шунингдек, олимларимиз озик-овқат сифатида салбий таъсир қилмайдиган, фақат ўсимликларнинг илди тизими ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган янги генларни ўрганмоқдалар. Бундан ташқари, ўсимлик суберинларининг ривожланишига таъсир кўрсатадиган генларни топиш ва ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Геномика ва биоинформатика маркази жамоаси бўғдой, картошка ва қанд давлагининг янги навларини яратиш устида ҳам тадқиқотлар олиб бормоқда. Демак, Ўзбекистон биотехнологияси катта илмий салоҳиятга эга. У нафақат қишлоқ ҳўжалигини такомиллаштириш ва озик-овқат хавфсизлигини яхшилашга, балки глобал климатга ижобий таъсир кўрсатишга-да қодир мақсадлар сари илдамлаб бормоқда.

Бундай тадқиқотларнинг дастлабки босқичларида донорлик қўмағи талаб этилади, ушбу тапшабусларни қўллаб-қувватлаш ва амалиётга жорий этиш учун сиёсатчилар, иктисодчилар, ҳукумат ва ҳууссий сектор вакилларини жалб этиш муҳим саналади. Бун юртимиз раҳбари олдиндан кўриб, бarchа мутасадди ташкилоти ва тадқиқот марказларини бир-бирига боғлаб берди, илм-фаннинг тўғри йўналиши каторида биология ва кимё фанларини мамлакат учун ривожланиш йўли сифатида белгилаб берди. Демак, хали кўп ангилик бўлади ва келажакка умид катта. Эндиги вазифа — шу йўлдан оғинмай ишлаш ва тез натижадорликка эришишдир.

## ДАРВОҚЕ...

Америкалик геолог ва климатолог Уоллес Смит Брокер Колумбия университетининг профессори бўлиб, бутун ҳаёти давомида Геология ва атропоген таъсир кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаган. Олим — 500 дан ортиқ мақола ва 14 та китоб, жумладан, бир нечта дарсликлар муаллифи. Унинг асосий илмий қизиқиши дунёдаги океанларнинг Ер климинини шакллантиришдаги ўрнига қаратилган.

Геолог «Глобал исиш» атамаси муаллифи дея эътироф этилади. У илк бор атамани «Климат ўзгариши: биз глобал климатнинг кескин ўзгариши ёқасида турибмизми?» мақоласида 1975 йилда қўллаган.

Унда олим одамларнинг климатга таъсири оқибатида келиб чиқадиган углевод диоксид даражасининг ошиши натижасида глобал ҳароратнинг кўтарилишини олдиндан айтиб берган. Мақоладан сўнг атама илмий тилда мустаҳкам ўрнашган.



# Ипотека кредити янги тартибда бериладими?



резидентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, республикамизда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби жорий қилинди. Фармон ижроси доирасида татбиқ этилаётган ипотека кредити беришнинг янги тизими ҳақида тахририятимизга келиб тушаётган саволларга атрофича жавоб топиш мақсадида Молия вазирлиги ахборот хизматига мурожаат қилдик.



## Қанча уй-жой қурилади?



— Янги тартиб бўйича республика миқёсида қанча уй-жой қурилиши режалаштирилган?

**Нозима ИКРОМОВА,**  
Тошкент шаҳри

— Режага кўра, 2020 йилда республика бўйича жами 17 минг 750 та квартира қурилиши белгиланган. Қишлоқ жойларида барпо этиладиган 4 мингта квартира Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари шаҳарларига ва туман маъмурий марказларига туташ ҳудудларда, шаҳарларда 13 минг 750 та уй эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар шаҳарлари ва Тошкент шаҳрида қурилади.

Ипотека бозорини узоқ муддатли ресурслар билан таъминлаш мақсадида Молия вазирлиги пул маблағларини тижорат банкларига 15 йил муддатга бозор

шартлари асосида жойлаштиради. Тижорат банклари томонидан аҳолига ипотека кредитлари 15 йил муддатга бозор ставкаси бўйича аннуитет (ойлик тўлов асосий қарз қолдиғига ҳисобланган фоизлар бўйича тўлик тўловни ҳамда кредитнинг бир қисmini ўз ичига олади, бу шундай ҳисоблашни назарда тутадик, ҳар ойлик барча тўловлар кредит тўлашнинг бутун даврида бир хил бўлади) шартида ажратилади. Эътиборли жиҳат — Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайган тақдирда ипотека кредитлари ва Молия вазирлиги ресурслари фоиз ставкалари пасаяди, кўтарилганда ўзгармасдан қолади.

## Уй-жойлар майдони ва қиймати қандай?



— Бугунгача фақат давлат дастурлари асосида ажратилган жойида қурилган уйлари олишга мажбур эдик. Бу тартиб ўзгарадими?


**Илҳомжон АЛИЕВ,**  
Қашқадарё вилояти.

— Қайд этиш керак, уй-жойларнинг чегараланган майдони ва қиймати ўрнатилмайди. Қарз олувчига уй-жойнинг жойлашган жойи ва майдонини мустақил танлаш ҳуқуқи берилди. Яъни аҳоли аввал фақатгина давлат дастури доирасида бир хил типда қурилган уй-жойлардан сотиб олган бўлса, энди ўзига маъқул бўлган жойдан тураржой танлаши мумкин.

Янги тартибда кредитнинг энг юқори миқдори ўрнатилди. Бу кўрсаткич ҳар

йили ўзгартириб борилади. Ипотека кредитининг энг кўп миқдорини аниқлашда ҳар йили квартира бир квадрат метрининг тегишли ҳудуддаги ўртача бозор қиймати ҳамда икки ва уч хонали квартиралар майдонининг энг кам меъёрлари инобатга олинган ҳолда, уй-жойларнинг ҳисобланган қиймати белгиланади. Квартира қийматининг ҳисобланган қийматдан ошган ва кредит билан қопланмаган қисми қарздорнинг ўз маблағларидан қопланади.

## Кредит учун ойлик етмаса...



— Айтинг-чи, пудрат ташкилоти ўзи қурган уйлари мустақил равишда ипотека кредити асосида сота оладими? Квартира учун тўловлар қайси манбадан ажратилади?

**Нозимжон УЛУҒОВ,**  
Бухоро вилояти.

— Пудрат ташкилотлари ўз маблағлари ва банк кредитлари ҳисобига тайёр ҳолда топириш шarti билан кўп квартираларни уйлари куриб битказди. Молия вазирлиги мувофиқлик мезонларига мос келган банклар билан битим имзолайди. Уларнинг рўйхати оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Шу асосда банкларга уларнинг буюртмаси бўйича ипотека кредити учун узоқ муддатли молиявий маблағ ажратилади.

Пудрат ташкилоти куриб битказилган уйларида квартираларни банклар билан бирга аҳолига ипотека кредити орқали сотиш ишларини амалга оширади. Қарз олувчи ипотека кредити олиш учун банкка тегишли ҳужжатлар

(шу жумладан, ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар ажратилган ҳолларда — комиссия қарори нусхаси) билан аризани тақдим этади ва бошланғич бадални тўлайди.

Банклар фуқароларнинг бошланғич бадаллари, шу жумладан, ажратилган субсидия маблағлари ҳамда ипотека кредитлари ҳисобидан пудрат ташкилотига сотиб олинган квартира учун тўловларни амалга оширади. Ипотека кредити олаётган фуқаронинг ойлик даромади етмаган ҳолларда қўшимча тўловчи сифатида унинг оила аъзолари ва бошқа жисмоний шахслар қабул қилинади.

## Ер участкалари қандай тартибда ажратилади?



— Тадбиркорман, янги тартиб бўйича уй-жой қурмоқчи бўлсам, ерни қандай оламан?

**Носиржон ҲОСИЛОВ,**  
Наманган вилояти.

— Қишлоқ жойларда ер участкалари Ўзлавегедезкадастр қўмитаси, Қурилиш вазирлиги ва Урбанизация агентлигининг ҳудудаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг розилигини олган ҳолда маҳаллий ҳокимликлар томонидан тадбиркорларга ажратилади. Режага кўра, макромассив шаклида камида 200 та квартиралар кўп квартиралар уйлар қурилади. Қурувчи тадбиркорлик субъектлари танлов асосида аниқланади. Ер участкалари танлов савдоларида ғолиб бўлган тадбиркорлик субъектларига электрон аукцион савдоларисиз бепул берилди.

Шаҳарларда эса юқоридаги ташкилотлар билан келинган ҳолда, маҳаллий ҳокимликлар томонидан «Е-ИЖРО-АУКЦИОН» орқали тадбиркорларга сотилади.

## Уй-жойлар қандай тартибда қурилади?



— Уй-жойлар аввалгидек бир хил кўринишда қуриладими? Уларнинг муҳандислик-коммуникациялари қандай таъминланади?

**Аслбек НИЗОМОВ,**  
Жиззах вилояти.

— Тадбиркорлик субъектлари кўп квартиралар уй-жойлар лойиҳаларини буюртмачи аралашувисиз ўзлари мустақил равишда тайёрлайдилар. Шунингдек, қурилиши молиялаштириш тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, банк кредити ва бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Қишлоқ жойларда сув, канализация тармоқлари, автомобиль йўллари қуриш вилоят ҳокимликлари томонидан марказлаштирилган манбалар, халқаро молия институтлари ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан, газ ва электр тармоқларини қуриш «Худудий электр тармоқлари» ва «Худудга таъминот» АЖ маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Шаҳарларда муҳандислик-транспорт коммуникацияларини қуриш тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари ва қонун ҳужжатларида таъкиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан бажарилади.

## Кимларга субсидия ажратилади?



— Ўзим II гуруҳ ногирониман, уй-жойга эҳтиёжимиз бор. Янги тартибда бизга қандайдир имтиёзлар яратилганми?

**Тўғрўн ХОЛИҚОВ,**  
Тошкент шаҳри.

— Албатта, кам даромадли ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган фуқаролар учун субсидиялар ажратилади. Бунда қишлоқ жойларда 2 минг 400 та оилага биринчи беш йил давомида ипотека кредити бўйича фоиз тўловларининг бир қисми учун 10 фоизлик пунктдан ошган қисмига бюджетдан субсидиялар ажратилади.

Шаҳарларда эса 10 минг 800 та оилага ипотека кредити бўйича бошланғич бадал ва фоиз тўловларининг бир қисми учун бюджетдан субсидиялар ажратилади. Шундан:

► ипотека кредити бошланғич бадалининг бир қисми учун уй-жой ҳисобланган қийматининг 10 фоизи миқдориди;

► биринчи беш йил давомида ипотека кредити бўйича фоиз тўловларининг бир қисmini қоплаш учун 10 фоизлик (Тошкент шаҳрида 12 фоизлик) пунктдан ошган қисмига субсидия ажратилади.

Субсидияга аризалар 2020 йил 1 мартдан Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали берилди.

**Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ**  
«Mahalla»

Бухоронинг 2040 йилгача бўлган Бош режаси тасдиқланади.

# Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш — эътиборимиз марказида



амиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, айниқса, хотин-қизлар ҳуқуқлари муҳофазаси бугун ҳар қачонгидан долзарб аҳамиятга эга. Зеро, айни йўналишдаги ислоҳотлар, амалга оширилаётган аниқ чора-тадбирлар халқимиз манфаатларини қафолатлашга хизмат қилмоқда.

Ҳўш, бу жараёнда Бош прокуратура органлари қандай ишларни амалга оширмоқда? Прокуратура назорати жараёнида хотин-қизлар ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ қандай ҳолатлар кўпроқ кузатилаётган? Ушбу саволлар билан **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори Аҳдам Одинаевга** мурожаат қилдик.

## Оқибат эмас, сабабларни бартараф этиш муҳим

— *Ислоҳотларни ҳаётга изчил татбиқ этишида Президентимиз томонидан прокуратура органларига қўйлаб долзарб ва масъулиятли вазифалар топширилган, — дейди А.Одинаев.* — Шундан келиб чиқиб, яқунланган йилда прокурату-

турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва салоҳиятларини рўёбга чиқаришлари учун шарт-шароит яратилаётган, оналик ва болалик ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда давлат структураси яна бир тузилма — Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан бойгани ҳам аслида хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг бахтли ва фаровон яшашлари йўлидаги муҳим қадамдир.

Прокуратура органлари томонидан хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоялашга доир қонун ҳужжатлари ижроси устидан мунтазам прокурор назорати ўрнатилиб, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижро-



ра органлари ўз фаолиятида янгилаб ёндашуви ва замонавий талаблар асосида иш тутиб, асосий эътиборни қонун бузилиши оқибатларига эмас, балки тизимли муаммо ҳамда камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этишга қаратади. Хотин-қизлар ҳуқуқларини муносиб ҳимоялаш ҳаракатлари ишлар жумласидан.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда хотин-қизларнинг нафақат ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, балки меҳнат ҳуқуқини қафолатлаш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини оширишга ҳам давлат миқёсида қатъи эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, хотин-қизларнинг

си таъминланиб келинмоқда. 2019 йил давомида ўтказилган текшириш ва мониторинглар натижасида қонуний ҳужжатларни бекор қилиш ёки қонунга мувофиқлаштириш бўйича 74 та протест келтирилган, аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида жойларга 272 та тақдимнома киритилган. Бу борада 24 нафар шахс маъмурий, 461 нафар шахс интимиқ жавобгарликка тортилиб, фуқаролик судига 27 та даъво ариза, қўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 1 та жиноят иши қўзғатилган ҳамда 398 нафар аёлнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилган.



## Прокуратурага мурожаатлар мазмунини қандай?

Мурожаатлар билан ишлашда муҳтарам Президентимиз томонидан мутлақо янгича тизим йўлга қўйилди, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдир тургани, халқни қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш, ҳис қилиш барча раҳбар ходимлар, жумладан, прокуратура органлари ходимларининг ҳам қалб амрига айланди. Шу нуқтаи назардан, прокуратура органлари томонидан хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоясига оид 916 та мурожаат ҳал этилиб, 273 таси қаноатлантирилди, 248 нафар аёлнинг ҳуқуқлари тикланди.

Аёл бахтли бўлса, унинг кайфияти нафақат онласи, балки у яшаётган маҳалладаги муҳитга ҳам таъсир кўрсатади. Маҳалладаги барқарорлик эса бевосита жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳитга дахл қилади. Шу боис оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ҳар томонлама кўмак кўрсатишнинг аҳамияти қатта.

Термиз шаҳрида яшовчи оғир ижтимоий ҳолатдаги Т.Ж.нинг уй-жой қуриш учун ер ажратиш ва моддий ёрдам берилишида амалий ёрдам сўраб йўллаган мурожаати ҳам эътиборсиз қолмади. Сурхондарё вилояти прокуратураси томонидан бу ариза ўрганиб чиқилиб, Термиз шаҳар ҳокимининг фармойишига асосан даволашни учун Т.Ж.нинг пластик картчасига 1,5 млн. сўм ҳомийлик ёрдам пули ўтказилди. Бундан ташқари, онаси С.Ж.га яққа тартибда уй-жой қуриши учун 0,04 гектар ер майдони ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Фарғона вилояти прокуратураси томонидан Бағдод туманида яшовчи фуқаро З.У.нинг моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда уй-жойини таъмирлашда ёрдам сўраб қилган мурожаати ҳам ҳар томонлама ўрганилди.

Натижада вилоят прокуратурасининг амалий ёрдами билан З.У.нинг уч хонадан иборат яшаш хонадонидан қурилиш-таъмирлаш ишлари ташкиллаштирилди.

Баъзида айни ишлайдиган, юртига ва оиласига фойдаси тегадиган ёшдаги навиқрон аёллар ишсизликдан қийналишади.

Прокуратура органлари томонидан аёллар бандлигини таъминлаш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, фуқаро З.У. ва кизи М.У. туман ободонлаштириш бошқармасига ишга қабул қилиниб, ариза муаллифининг воёга етмаган фарзанди Д.У.га эса бепул ўқув қуроли ва кийим-кечаклар тақдим қилинди.

## «Тушунтириш берилди» билан иш битмайди

Ижтимоий соҳадаги қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган ўрганишларда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланмоқда. Жумладан, Фарғона вилоятида Ўзбекистон Республикасининг «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги қонуни ижроси ўрганилиб, рухий-асаб касалликлари мавжуд жами 54 нафар ногиронлиги бўлган фуқароларга гуруҳ ногиронлиги белгиланмаганлиги оқибатида уларга ногиронлик нафақалари тўланмасдан келинаётгани аниқланди. Мисол учун, Риштон туманида яшовчи Х.Т.нинг II гуруҳ ногиронлиги муддати тугаган бўлса-да, унга ногиронлик белгиланмасдан қолган. Фарғона вилояти прокуратурасининг амалий ёрдами билан фуқаро Х.Т.га ногиронлик белгиланиб, нафақа тайинланди. Ўрганиш натижасига кўра, вилоятда жами 54 нафар фуқарога гуруҳ ногиронлиги белгиланиб, уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Сурхондарё вилояти прокуратураси томонидан ўтказил-

ган ўрганишда Термиз шаҳар тиббиёт бирлашмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.12.2017 йилдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси бажарилмасдан келаётгани аниқланди. Хусусан, Термиз шаҳрида яшовчи 2011 йилдан муддатсиз I гуруҳ ногирони У.Суванова 3 йилдан буён ногиронлик аравачаси билан таъминлаш юзасидан мурожаат қилиб келган бўлса-да, Термиз шаҳар туманлараро ТМЭК(тиббий-меҳнат эжеперт комиссиялари)дан муаллифининг ўриндикли аравачага зарурати борлиги ҳақида ҳуқуқсасини олиб, қаноатлантириш ўрнига, муаллифга «керакли ҳужжатлар рўйхати тақдим этилиши тушунтирилиб, ушбу ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг ногиронлик аравачаси берилиши» ҳақида юзакли жавоб хатлари бериш билан чекланилган. Бундай ўзибўларчилик, табиийки, фуқаронинг ортиқча овра бўлишига, давлат идораларига ишончи сусайишига, ҳаёдан розилиги сўнишига сабаб бўлади. Прокуратура органларининг ўрганишлари давомида фуқаро У.Сувановага ўриндикли аравача ажратилиши таъминланиб, унинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлари тикланган.

Жорий йилда ҳам хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларни иш билан таъминлаш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш, уй-жой ажратиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан доимий назорат ўрнатилиб, аёлларга берилган имтиёзларнинг амалда қўлланилиши ҳамда уларга ижтимоий-психологик ёрдамлар кўрсатилишига алоҳида эътибор қаратилади.

**Юлдуз ХОЖИЕВА**  
тайёрлади.

**Лимон — соғлиқ учун фойдали цитрус мевалардан бири. Мамлакатимизнинг қулай табиий иқлим шароитлари, унумдор тупроғи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан мўл ҳосил олиш, ҳатто бизнинг шароитларга мослашмаган ўсимликларни ҳам парваришлаш имконини беради. Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан бугун ана шу имкониятлардан унумли фойдаланилмоқда. Жумладан, республикада охирги йилларда лимончилик тармоғини ислоҳ қилиш, маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмини кўпайтиришга жиддий эътибор қаратилаётир.**

# ЛИМОН ЭКИБ, ҲАР ГЕКТАРДАН 300 МЛН. СЎМ ФОЙДА ОЛИШ МУМКИНИ?



Жорий йилнинг 19 февраль куни лимончилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада илмий-тадқиқотлар қўламини кенгайтириш, илғор ва замонавий ресурс тежовчи технологияларни қўллаш асосида юқори сифатли саноатбоп ва экспортбоп лимон етиштириш ҳажмини ошириш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш мақсадида Президентимизнинг «Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда қандай вазифалар белгиланган? Энди лимончилик тармоғини ривожлантиришда қандай имтиёзлар жорий этилади? Қарорда белгиланган чора-тадбирлар қандай натижаларни тўхфа этади? Ушбу саволлар билан мамлакатимиз Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутасаддиларига мурожаат қилдик.

## Соф даромад кескин ошади

— Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик мевалари шифобахи ва тетиқлаштирувчи мева ҳисобланади, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Фахриддин Қирғизбоев**. — Юртимизда лимон етиштириладиган иссиқхоналарнинг умумий майдони 1 минг 221 гектарни ташкил этади, шундан 730 гектар замонавий лимонзор ва 30 гектар кўчатзорлар сўнги икки йилда барпо этилди. Бунинг учун 46 млн. АҚШ доллари миқдоридagi хорижий кредит линиялари жалб қилинди.

Таъкидлаш жойки, мамлакат шароитида 1 гектар майдонда лимон етиштириш учун 217 млн. сўм маблағ сарфланиб, 516 млн. сўм даромад олиш мумкин. Демак, соф фойда ҳар гектар

дан 300 млн. сўмга тенг. Шунингдек, лимонзорнинг ўзига қўшимча қўлланма экиб (217 млн. сўм харажат қилинади), 2 млрд. сўмгача даромад топиш мумкин. Бунда соф фойда 1 млрд. 800 млн. сўмга тенг бўлади.

Лимон меваси инсон саломатлиги учун муҳим аҳамиятга эга. Мутахассисларнинг таъкидлашича, лимон истеъмоли бўйича аҳоли жон бошига йиллик меъёр 2 кг. ҳисобланади. Яъни ушбу эҳтиёжни қоплаш учун Ўзбекистонда йилига 67 минг тонна лимон ишлаб чиқарилиши лозим. Аммо 2019 йилда 28 минг тонна, яъни талабга нисбатан 42 фоиз маҳсулот етиштирилган, холос. Шундан 5,3 минг тонна ёки 12,2 млн. АҚШ доллари кийматидаги лимон Қозоғистон, Қирғизистон ва Россияга экспорт қилинди. Муҳтарам Президентимизнинг мазкур қарори ана шундай талаб ва эҳтиёжларни қондириш, соҳани кенг ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлади.

## Фақат лимон эмас, цитрус, субтропик ва тропик мевалар ҳам зарур

Президентимизнинг мазкур қарори билан шу пайтгача Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси деб аталган уюшма фақат лимон етиштириш билан эмас, балки цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар етиштирилиши нуктаи назардан соҳа фаолиятини кенгайтириш мақсадида **Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар** уюшмаси деб ўзгартирилди.

— Уюшманинг асосий вазифалари экиб вилоятларда лимонзор майдонларини кенгайтириш, маҳсулот миқдорини ошириш, аҳолининг лимон меваларига эҳтиёжини қондириш, экспортбоп лимон маҳсулотини етиштириш қўламини кенгайтириш орқали экспорт салоҳиятини ошириш, импортни қисқартириш, валюта туғйимини кучайтириш ва янги иш ўринларини яра-

тиш белгилаб берилди, — дейди **Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси раиси, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Нуриддин Фахриддинов**. — Академик **М. Мирзаев** номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий таъшириш институти ҳузурида уюшмамиз иштирокида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида масъуляти чекланган жамияти шаклидаги **Цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар илмий-амалий маркази** ташкил этилди.

Энди жойларда тропик, субтропик ва цитрус мева ўсимликлари етиштириш, кўчатларини кўпайтириш, маҳсулот ҳажмини ошириш, соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлаш ва хориж технология ва тажрибаларини соҳага жалб этиш тадбирлари тизимли ва аниқ манзилли амалга ошади.

## Имтиёз — соҳа ривожига қанот

Президент қарориди, шунингдек, соҳага тегишли вазирлик, идора, агентликлар ҳамда вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи корхоналар, маҳсулот етиштирувчи субъектларнинг вазифалари аниқ белгилаб берилди. Энди лимонзорлар пахта ва галладан бўшаган ҳамда фойдаланишига киритилмаган ер майдонларида ресурс тежовчи технологияларни қўллаган ҳолда барпо этилади. Янги лимонзорлар «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида ажратилмаган, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан

барпо этилади.

Қарорда қўллаб имтиёзлар ҳам ўз аксини топди. Жумладан, янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларнинг ҳар гектари учун 30 миллион сўмдан ошмайдиган миқдори Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ҳамда лимон меваларининг экспорти билан боғлиқ транспорт (темир йўл ва авиация транспорти) харажатларининг 25 фоизгача бўлган миқдори Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан субсидия сифатида қўллаб берилади.

Лимончилик соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг камида 100 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маблағлари жалб этилади. Лимончилик бўйича 2020-2024 йилларга мўлжалланган фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион илмий-техник лойиҳалар шакллантирилиб, грант танловлари асосида амалга оширилади.

## Янги лимонзорлар миллион-миллион даромадга замин яратади

Халқаро даражада тан олинган стандартлар талабларига мос маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар, жумладан, лимон маҳсулотларини ушбу стандартлар талаблари асосида сертификатлаш ишлари жаддалаштирилади.

Қарор билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятларда 2020 йилда қўшимча 2,5 минг гектар ер майдонида лимонзорлар ташкил этиш кўрсаткичлари белгилаб олинган республикада лимончилик тармоғини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, лимонзорлар майдонини кенгайтиришни таъминлаб, аввало, ички истеъмоли бозорини тўлиқ қоплашга замин яратади. Шу билан бирга, экспорт ҳажмини бир неча баравар кўпайтириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг даромадларини оширишга хизмат қилади.

Юлдуз ХОЖИЕВА  
«Mahalla»

## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Республикада куйидаги тропик, субтропик ва цитрус мева турлари етиштирилади: тропик — банан, ананас, киви, қариқа папая; субтропик — анор, анжир, хурмо, унаби; цитрус — лимон, апельсин, мандарин, грейпфрут, лайм.



Тошкентда 150 тоннага яқин ноқонуний олма импорти тўхтатиб қолинди.





арғона вилояти Тошлоқ туманидаги «Хонақа» маҳалласига «Баҳор эрта келган қишлоқ» дея таъриф берилади. Сабаби, томорқачилик ҳадисини олган йиғин аҳли қиш қаҳратонини писанд қилмай, баҳорги юмушларни бошлаб юборишади. Қишнинг сўнги ойи бўлса-да, маҳалладаги иссиқхоналарда булғор қалампири, кўкатлар, карам сингари сабзавот экинлари баравж ривожланмоқда. Томорқачиларнинг айтишига қараганда, яна ўттиз, ўттиз беш кундан сўнг илк ҳосил нишонлари эл дастурхонини безайди.



# Имтиёз ва имкониятдан аксарият томорқа эгалари беҳабар. Нега?

ЧУНКИ ЖОЙЛАРДА ҚОНУН ИЖРОСИ ДОИРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРМАЙДИ

Янги хўжаликка кўчиб ўтган Моҳинур Қорабоева турмуш ўртоғидан айрилиб, норасида болалари билан ёлғиз қолди. Лекин боқимандалик, ўзгалар кўлига қараб иш тутшини ор деб билди. Ҳатто маҳалладан ижтимоий ёрдам сўрашга-да бетламади. Томорқачилик ҳадисини олган аёл фарзандларига бош бўлиб, сабзавот экинлари етиштириб, рўзгорини бутлади. Айни кунда хонадон томорқасидаги икки сотихли иссиқхонада 2 минг дона булғор қалампири кўчатлари кун сайин ривожланмоқда. Иссиқхонага ёндош кафтдек майдон эса эртаки навли жўжорни уруғи экиш учун ҳозирлаб қўйилган.

— *Ўтган йили помидорнинг ўзидан 30 миллион, эртаки жўжори ҳосилдан уч миллион сўмдан зиёд даромад олдик, — дейди М.Қорабоева. — Бу йил булғор қалампирдан етти тоннага яқин ҳосил олишни кўзлаб турибмиз. Эҳтиёжимиздан ортган ҳосилнинг бир килосини 10 минг сўмдан (ўтган йили бу кўрсаткич 15 минг сўм бўлган) сотганимизда ҳам 70 миллион сўм даромад оламиз. Бундан ташқари, такрорий экин сифатида кузги бодринг, турли кўкатлар етиштирамиз. Ерга меҳр бериб, меҳнат қилган, изланган одам, албатта, унинг роҳати, самарасини кўради.*

## Томорқа даромадига «Captiva»...

Орифжон Курбонов маҳалладаги уста томорқачилардан. У мана чорак асрдирки, шу машғулот ортидан оила тебратди. Хонадон томорқасида бўлган киши омилкорлик билан иш тутаетган томорқачи меҳнати, изланишлари маҳсулоти гувоҳ бўлади.

Хусусан, нари борса ярим сотих келадиган иссиқхонада яшиллик либосини кийган эртаки карам кўчатларининг бозори чаккон. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, карам кўчатчилигининг ўзидан 25 миллион

сўм даромад олинибди. Томорқадаги ҳар қарич ер ҳисоб-китобли. Икки сотих плёнка остига 2 минг туп карам кўчатлари қадалибди, 3 сотих иссиқхона эса эртаки помидор ниҳолларини экишга ҳозирлаб қўйилган. Бундан уч йил аввал иссиқхонага экилган лимонлар ривожли авжида. Айни кунда мандарин етиштириш таралдуида ишлар бошлаб юборилган.

— *Ўтган куз фаслида лимон дарахтлари оралмида булғор қалампир етиштиришни синаб кўрдик, — дейди Орифжон ака мамунлик билан. — Ҳосил кутилганидан ҳам яхши бўлди. Янги йил байрами кунларида ҳар килосини 40 минг сўмдан сотдик.*

Бу хонадондаги ҳамжихатлик, тўқин-сочинлик, тинчлик-тотувликка кўннинг ҳаваси келади. Тўрт ўғилни камолга етказиш, уйли-жойли қилишда томорқадан келаетган даромад анча асқатди.

Оила узоғини яқин, оғирини енгил қилаётган «Captiva», «Lacetti», «Cobalt», «Damas» русумли автомашиналар ҳам ана шу меҳнат ва изланишлар маҳсули.

## Боқиманда оилалар йўқ

— *Маҳалламизда боқимандалик кайфиятидаги оилалар йўқ, — дейди «Хонақа» йиғини раиси Турсунбой Султонова. — Фақат ногиронлиги бўлган, яққа-ёлғиз 7 нафар фуқарога ижтимоий нафақа тайинланган. Чунки ҳар бир оила томорқадан самарали фойдаланиб келади. Асосан сабзавот экинлари етиштиришда яхши таърибга эришган. Айни кунда 290 та хонадонда иссиқхона ташкил этилган. Бу томорқадан уч-тўрт марта ҳосил олиш имконини беради. Хотин-қизлар, айниқса, ёшлар бандлигида томорқанинг алоҳида ўрни бор. Кун давомида фойдали меҳнат билан андармон бўлган одам кўчага чиқиб, бемақсад юрмайди, вақтини бекор ўтказмайди. Шу сабабли ёшлар ўртасида жиноятчилик, оилавий ажрим сингари салбий ҳолатлар барҳам топмоқда.*

Маҳаллада ҳар бир оила, кўчалар кесимида томорқадан самарали фойдаланиш борасида тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Ўйлаб кўринг, бир сотих томорқага экилган тўрт минг дона терак қаламчалари камида уч йилда буй кўрсатиб, навнихол бўлади. Бир туп кўчат 5 минг сўмдан сотилган тақдирда умумий даромад ҳажми уч йилда бор-йўғи йигирма миллион сўмга боради. Агар шунча майдонда хонаки шариотда сабзавот етиштирилса, бир йилнинг ўзидан 30 миллион сўмдан ортиқ даромад олиш мумкин.

## Томорқа эгалари учун имтиёзлар бор... (ми?)

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, дехкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини

такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан «Томорқа хизмати» МЧЖ ёки фермер хўжаликлари билан тузилган касаначилик шартномаси асосида фаолият юритаётган томорқа эгалари — жисмоний шахслар уларнинг касаначилик фаолияти доирасида жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ҳамда Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалардан озод қилингани белгилаб қўйилган.

**Ажабланарли жиҳати, соҳа ривожли йўлида яратилган бу имтиёз ва имкониятлардан томорқа эгалари беҳабар. Чунки жойларда қонун ижроси доирасида олиб борилаетган тарғибот ишлари бугунги кун талабларига жавоб бермайди.**

— *Томорқадан самарали фойдаланиб келаетганлар учун солиқ соҳасида берилган имтиёз ва имкониятлар ҳақида эшитмаганмиз, — дейди маҳалла фаоли Мўътабар Маҳмудова. — Чунки шу кунга қадар бу борада бирор мартаба тарғибот ишлари олиб борилмади. Ўзим ҳам томорқадан самарали фойдаланиб, йилда 3-4 мартагача ҳосил оламан. Лекин шу кунга қадар солиқ тўловларидан ҳеч қандай имтиёз олганимиз йўқ. Агар томорқа ер эгалари учун берилган солиқ имтиёзлари ва рағбатлантириш хусусида тарғибот ишлари тўғрисида олиб борилса, миришкор томорқачилар сафи янада ортади.*

## Хулоса ўрнида

Давлатимиз раҳбари ўз чиқишларида ердан, хусусан, томорқадан оқилона фойдаланиш ҳақида куйиниб гапирди. Бойси бунда юртимиз фаровонлигини таъминлаш, аҳолининг шахсий даромадларини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда фуқаролар бандлигини таъминлашдек эзгу мақсадлар мужассам. Шундай экан, аҳолининг шахсий томорқадан самарали фойдаланиши учун қарақли шариотларни яратиш, уларда бу бўйича зарур қўникмаларни шакллантириш керак. Зотан, томорқа — тўқин-сочинлик ва катта даромад манбаидир.

Расул КАМОЛ  
«Mahalla»

## ДАРВОҚЕ...

Фарғона вилоятидаги 584,3 минг хонадонда 41 минг гектар томорқа майдони бор. Бу йил эрта баҳорда уларнинг 23 минг гектарига сабзавот, картошка, дуккакли экинлар, полиз ва бошқа маҳсулотлар экилади. Бундан ташқари, 26 минг гектар такрорий майдонга сабзавот жойлаштирилиши ҳисобига 990,9 минг тонна қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилиб, уларнинг 757,7 минг тоннаси ички истеъмол бозорига, 233 минг тоннадан ортиғи экспортга йўналтирилиши режалаштирилган. Бу мақсадлар учун сара уруғ, ёқилғи, минерал ўғитлар етказиб бериш чоралари белгиланган.

Ерни шартнома асосида ижарага беришга руҳсат этилади.

# Чиқиндини тўғри келган жойга ташлаб кетасизми?..

Ўз уйини, йўлагини тоза тутмаган кишилардан нимани ҳам кутиш мумкин? Аслида улар фарзандларига чиқиндини тўғри келган жойга ташлаб кетмасликни тушунтирилари керак эмасми?



Дунё микёсида инсониятга таҳдид солаётган муаммолардан бири — чиқинди хусусида нимадир ёзмаган ва айтмаган одам деярли қолмади. Айни муаммо юзасидан жаҳон оммавий ахборот воситалари жар солмоқда, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича халқаро битимлар тузилган, қанчадан-қанча назорат ташкилотлари бор. Чиқинди муаммоси билан кураш энг ривожланган давлатларнинг ҳам бош мақсадларидан бирига айланган. Мазкур муаммо бизнинг жамиятни ҳам ташвишга солаётгани бор гап.



қандай жавобгарликка сабаб бўлади? Қайд этиш керак, айни масала юзасидан экология соҳасидаги назорат инспекцияси ходимлари туманларда, жойларда профилактика ишларини олиб бормоқда. Лекин шунга қарамай, доимий равишда ушбу ҳолатлар такрорланмоқда.

Масалан, биргина Дехқонobod ва Китоб туманларида назорат инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган тadbирлар давомида кўплаб фуқаролар, жумладан, О.Болтаева «Дехқонobod» маҳалласи Чорғузар кўчасида жойлашган уйининг олд қисмига, О.Тошпўлатов эса Китоб туманидаги «Гулистон» маҳалласи Буюк Ипак йўли кўчасига, яъни белгиланмаган жойга чиқинди ташлагани аниқланиб, уларга тегишли тартибда маъмурий баённома расмийлаштирилган. Шунга кўра, уларнинг ҳар бирига 111 миң 500 сўмдан жарима белгиланди.

— Вилоят ҳокимининг тегишли қарорига кўра, кўчалар, марказий майдонлар, йўлақлар, тибдалар йўлақлари, очик сув ҳавзалари қирғоқлари, маданий объектларда санитар тозалаш ишларини амалга ошириш тўғрисида ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурдаги ободонлаштириш бошқармаларида бириктирилган бўлса-да, бу борада жойларда етарли даражада иш ташкил этилмаган, — дейди экология ва атроф-муҳитни муҳофаз қилиш соҳасидаги назорат бўйича вилоят инспекцияси етакчи мутахассиси Шерзод Саломов. — Натижада чиқиндилар вилоят «Тоза ҳудуд» ДУК филиали томонидан марказий чиқинди полигонига ташиб чиқилмоқда. Бу, ўз навбатида, филиал харажатларининг орттишига сабаб бўлиб, техникаларни таъмирлаш ва бошқа бир қатор муаммоларни юзга келишига сабаб бўлмоқда.

\*\*\*

Нима бўлганда ҳам чиқинди муаммосини канчалик тез, қулай усул ва технологиялардан самарали фойдаланиб бартавраф этсак, келажак учун шунча экологик соф, тоза ва бой табиғатни асраб қолган бўлаемиз. Бу эса ҳар биримиздан юксак масъулиятни талаб қилади.

Шоҳиста БОЗОРОВА  
«Mahalla»

Сўнгги йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ қатор фармон ва қарорлар қабул қилинганга қарамай, ханузгача соҳага бир томонлама ёндашилмоқда. Натижада аҳоли ва айрим тadbиркорлик субъектлари томонидан белгиланмаган жойлар, очик сув ҳавзалари ва қирғоқ бўйи минтақалари ҳудудига маиший чиқиндиларни кўр-кўрона ташлаб кетиш ҳолатлари кузатишмоқда. Бу эса, ўз навбатида, атроф-муҳитнинг ифлосланишига ҳамда турли касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлаётир.

Маълумотларга кўра, Қашқадарё виллоятда бир кунда 1 миңг 700 тоннадан ортиқ, бир йилда эса ўртача 605 миңг 109 тоннадан ортиқ маиший чиқинди ҳосил бўлади. Айни пайтда ҳудудда чиқиндиларни ўз вақтида ташиб чиқариш, зарарсизлантириш ва улардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш асосий муаммо бўлиб турибди. Айни масалала давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 21 апрелдаги «2017-2021

йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига асосан, виллоятда чиқиндиларни йиғиш, олиб кетиш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш лойиҳасини амалга оширувчи ташаббускор сифатида «Қашқадарё Эко Транс» МЧЖ белгиланди.

Виллоят ҳокимининг тегишли қарорига мувофиқ, чиқиндини қайта ишлаш ва махсус полигон майдони сифатида фойдаланиш учун қорхонага Гузор туманидаги Бўстон массивидан 30 гектар ер майдони ажратилди. Айни пайтда жамиятда 30 та янги иш ўрни яратилиб, 44 та замонавий махсус техникалар ёрдамида Қарши шаҳридаги 62 та маҳалла ҳамда 78 та уй-жой мулкдорлари ширкатларига санитар тозалаш хизмати йўлга қўйилди.

## Чиққан чиқинди уйдан наримиз?

Қарши шаҳрининг кок мар-

казида жойлашган 5-митти-туман бўйлаб кириб борар экансиз, ҳар 100-200 қадамда, симёғоч ёки дарахт тағида маиший чиқиндилар уюмига кўзингиз тушади. Кимдир бу ерга чиқинди тўла елим пакетни, яна кимдир челақдаги чиқиндисини ағдариб кетаверган. Бу хунук манзарани нафақат 5-, балки 4-, 6-миттигуманларда ҳам учратиш мумкин. Биз мазкур салбий ҳолатларнинг сабабини аниқлаш мақсадида бевосита ҳамшаҳарларимизнинг ўзларига юзландик.

— Тозалиқни қўнғидаёқ йўлга қўйиш учун аҳоли ўрта-сизда тарғибот ишларини қўчайтиришимиз зарур, — дейди «Шодлик» маҳалласи раиси Аббос Шаронов. — Афсуски, баъзи хонадон бекалари чиқиндини йўлаққа сунуриб уюб қўйишади. Баъзилари чиқиндиларни йўл-йўлақай ташлаб кетишади. Ўз уйини, йўлагини тоза тутмаган кишилардан нимани ҳам кутиш мумкин? Аслида улар фарзандларига йўлақни, уй-ҳовиларини тоза тутишни, чиқиндини тўғри келган жойга ташлаб кетмасликни тушунтиришлари керак эмасми?

Ачинарлиси, барчамиз бу хунук манзараларга қўнғиб боряпмиз. Ҳагто айримларда «Бундан бошқа ишим йўқми, кимга керак бўлса, ўша қай-ғурсин» деган кайфият ҳукрон. Ахир, бу чиқиндиларни ташлаб кетаётганлар кимлар? Аввало, ўзимиз эмасми? Қўш-нилар, болалар, ён-атрофимиздаги савдо дўконлари, маиший хизматлар билан шуғулланувчилар... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

— Мен кўпроқ ота-оналарнинг масъулиятсизлигидан қўноман, — дейди қаршилик

Дилафрўз Қурбонова. — Негаки, айрим ота-оналар чиқиндилардан қутулишнинг осон йўлига ўтиб олишган, яъни уларни кечаси деразалардан улоқтиришади. Энг ачинарлиси, аксарият хонадон катталари чиқинди элтишни ҳамон ёши болалар зиммасига юклаб қўйишган. Бола эса болалигини қилиб чиқиндини йўл чеккаларига ташлаб кетаверди. Аслида болаларимизда экологик маданиятнинг шаклланишига катталар айбдор, уларнинг ўзларини тарбиялаш керак.

— Чиқиндилар махсус ажратилган майдончалар қолиб, йўлларга, кўп қаватли тураржойларнинг йўлақларига ташлаб кетилаётгани ачинарли ва хавфлидир, — дейди виллоят санитария оқошичи Шохдор Номзов. — Чунки уларнинг таркибида касаллик қақирувчи патоген микроблар жуда кўп. Улар, асосан, нафас йўллари касалликларини келтириб чиқариши, мавжуд касалликларни кўзгаатиши мумкин. Масалан, болалар чиқиндиҳоналар атрофида ўйнаб, кўлини ювмасдан овқатланиши натижасида гепатит касаллиги келиб чиқади. Яна бир оғриқли масала — аҳоли томонидан аксарият ҳолатларда чиқинди сифатида ташланган елим идишлар териб олиниб, улар сўт ва бошқа маҳсулотлар учун қайта ишлатилаётганидир. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун тарғибот ишларини янада қўчайтириш лозим.

## 111 миңг 500 сўмдан жарима белгиланди

Ҳўш, чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш


## МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:

Айни пайтда виллоятда «Тоза ҳудуд» давлат унитар қорхонаси ва унинг таркибида 13 та туман филиаллари фаолият юритмоқда. Улар таркибида 218 та махсус чиқинди ташувчи транспорт мавжуд бўлиб, шундан 144 таси аҳолига, 14 таси юридик қорхона-ташкилотларга хизмат кўрсатмоқда. Қолгани полигон санитар ҳолатини яхшилаш учун ишлатиладиган оғир техникалар ҳисобланади.

Шундай бўлса-да, виллоят бўйича ҳануз техникалар етишмовчилиги мавжуд. Буни қорхона томонидан хизмат кўрсатиш кўрсаткичи 63,1 фоизни қамраб олганидан ҳам билиш мумкин. Виллоятда барча туманларни тўлиқ қамровга олиш учун яна 94 та махсус чиқинди ташувчи техника зарур бўлади.


Иқтисодиётда давлатнинг иштроки янада қисқартирилади.

# 68 минг талаба ётоқхонага муҳтож



ЎРГАНИШЛАРИМИЗДАН ШУ НАРСА МАЪЛУМ БЎЛДИКИ, БУГУНГИ КУНДА ПОЙТАХТИМИЗДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН ВА ТУРАРЖОЙГА ЭҲТИЁЖИ БЎЛА ТУРИБ, ИЖАРАДА ЯШАЁТГАН ТАЛАБАЛАР ИЖАРА ҲАҚИ УЧУН ЙИЛИГА ЎРТАЧА 3,5-4 МИЛЛИОН СЎМ МАБЛАҒ САРФЛАЙДИ

— Вилоятдан пойтахтга келиб, институтга ўқишга кирган аксарият талабалар тураржойга эҳтиёж сезади, — дейди Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси Шерзод Умрзоқов (исм-фамилиялар ўзгартирилган). — Бироқ бу муаммога кўпинча ижобий ечим топилмайди. Бойси аксарият олий таълим муассасаларининг ётоқхоналарида талабалар учун жой етарли эмас. Мана, икки йилдирки, мен ҳам ўзим таҳсил олаётган олийгоҳ ётоқхонасига жойлаша олмадим. Бу масалада ёрдан сўраб, бир неча бор олий ўқув юрти маъмуриятига мурожаат қилдим, ammo фойдаси бўлмади.



Чунки у ерда маълум тартиб-интизом, назорат ўрнатилган бўлиб, ёшларнинг ўз ҳолича иш тутишига йўл қўйилмайди. Қолаверса, бу ота-оналар учун ҳам анча ишончли ва хавотирсиз. Бойси улар фарзанди ўқишдалигида юрак ҳовучлаб, хавотир олиб юришига асло ҳожат қолмайди. Шу нуқтани назардан, талабалар тураржойига муҳтож ҳамма талабани камраб олиш — кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

## Жанубий Корея ва Япония тажрибаси ўрганилмоқда

Айни кунда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Жанубий Корея ва Япония тажрибасини ўрганиб, вилоят марказларида янги турдаги ётоқхоналарни ташкил этиш тақлифлари илгари сурган. Шу мақсадда вазирлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан озод қилиш, имтиёзли кредитлар ва қурилиш учун бепул ерлар ажратилиш орқали тадбиркорларни қурилиш ишларига жалб этишни тақлиф қилган. Қолаверса, тегишли топшириққа биноан, Тошкентда давлат-хусусий шериклик асосида ётоқхона қурилиши тўғрисида эълон қилинди. Ammo ҳозирга қадар бирор-бир тадбиркор фойла йўқлиги сабабли бу эълонга жавоб қайтармади.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси талабаларни ётоқхоналар билан таъминлаш бўйича олиб борилган ишлар натижалари тўғрисида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига парламент сўровини юборди.

**Режага кўра, 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чоғида 4610 ўринли 13 та ётоқхона қуриш ва 35 тасини реконструкция қилиш тақлиф қилинган. Айни пайтда қўмита аъзолари ушбу йўналишдаги ишларнинг бажарилиши устидан парламент назоратини ўрнатган.**

## Хулоса ўрнида

Талабаларнинг яшashi, таълим олиши учун етарли шарт-шароит яратиш долзарб вазифа. Чунки бу масала мамлакат келажаги, унинг эртаси билан бевосита боғлиқ. Шундай экан, яқин йилларда бу масалага ижобий ечим топилишидан умидвормиз.

Савдудло ТУРСУНОВ  
«Mahalla»

## 103 минг нафардан ортиқ талаба ижарада яшайди

Сўнгги йилларда мамлакатимиз олий таълим тизимини ривожлантириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, талабаларнинг билим олиши, яшashi учун зарур шароитлар яратиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, мана, неча йилдирки, пойтахтимиздаги олий ўқув юртиларига ўқишга кирган аксарият вилоятлик талабалар қатта шахарда биринчи навбатда ётоқхона муаммосига дуч келади.

Тўғри, бу ташвиш Тошкентдаги барча олийгоҳ талабаларини қийнайди, деб айтолмаймиз, бироқ Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети каби бир неча олий ўқув юртилари толиблари учун ётоқхонага жойлашиш ҳали ҳам энг оғирлиги муаммодир. Имконияти борлар учун бу арзимас синов — истаган вақт ижарага уй олиб тураверадим, ammo «қўли қалтга» талабалар учун тураржой топиш ҳар доим қийинчилик туғдиран.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги берган маълумотларга кўра, айни пайтда мамлакатимиздаги 115 та университетда 356 минг нафардан зиёд талаба таҳсил олмақда. Ўқиш вақтида талабалар яшashi учун 208 та ётоқхона фаолият кўрсатаётган бўлиб, ҳозирда уларда 53 мингга яқин йигит-қиз истиқомат қилаётган. 103 минг нафардан ортиғи ижарага квартира олган, 200 минг нафарга яқини эса ўз уйларида истиқомат қилмоқда. 68 минг нафардан ортиқ талаба ётоқхонага муҳтож.

## Талабанинг билим олишига салбий таъсир қилади

Ўрганишларимиздан шу нарсга маълум бўлдики, бугунги кунда пойтахтимизда таҳсил олаётган ва тураржойга эҳтиёжи бўла туриб, ижарада яшаётган талабалар ижара учун йилига ўртача 3,5-4 миллион сўм агрофида маблағ сарфлайди. Оқибатда талаба дарсдан ташқари ҳолларда, баъзан ўқиш вақтида ҳам пул топиш билан кун ўтказишга мажбур. Агар талаба шартнома асосида тахсил олса, муаммо янада катталашади. Бу эса ўз-ўзидан билим олиш иккинчи даражали вазифага айланиб қолишига сабаб бўлади.

— Ўзбекистон Миллий университети 4-босқичида тахсил оламан, — дейди Бухоро вилояти Қорақўл туманидан келган талаба Жаҳонгир Ширинов. — Аввалги босқичларда ётоқхонада турганман, ammo бу йил менга юқори босқичда ўқиётганимни айтиб, жой ажратилмади. Шу боис ҳозир талаба дўстларим билан ижарада турибмиз. Баъзан ижара ҳақини топишга қийналганим учун ўқиш қилиб, мавсумий ишларни қилишга тўғри келади.

## Муаммолар қачон ечим топади?

Биз ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Миллий университети масъул ходимининг фикрларини ҳам тингладик.

— Бугунги кунда олийгоҳимизнинг 10 та ётоқхонасида 3000 нафардан ортиқ талаба истиқомат қилади, — дейди Ўзбекистон Миллий университети ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Ботир Маллабоев. — Вилоятлардан келган яна 1846 нафар талабанинг тураржойига эҳтиёжи бор. Университетда ётоқхонага жойлашиш учун алоҳида Низом ишлаб чиқилган бўлиб, энг биринчи навбатда ногиронлиги бор, боқувчисини йўқотган, хорижлик ва узоқ вилоятлар-

## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотларига кўра, 2016-2019 йилларда олий таълим тизимини ҳар томонлама ривожлантириш дастури доирасида ҳар бири 1600 ўринли тўртта ётоқхона қурилган.

дан келган, кам таъминланган талабалар жойлаштирилади. Тўғри, ҳозирда ётоқхона масаласида муаммоларимиз бор. Шу боис бу бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига мурожаат қилганмиз.

Вазирлик маълумотларига кўра, 2016-2019 йилларда олий таълим тизимини ҳар томонлама ривожлантириш дастури доирасида 28 та ётоқхона реконструкция қилинган, 185 тасида таъмирлаш ишлари олиб борилиб, жиҳозлар билан таъминланган. Хусусан, Урганч давлат университетиде бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан жорий йил сентябрь ойида янги ўқув йили бошланиши билан фойдаланишга тошириладиган 500 ўринли янги ётоқхона қурилмоқда.

Олиб борилаётган ишларга қарамай, талабаларнинг маълум қисми квартирани ижарага олишга мажбур. Вазирлик маълумотларига кўра, 68 354 нафар талабани камраб олиш учун ҳар бири 400 ўринли 170 та ётоқхона қурилиши керак. Бунинг учун деярли 3 триллион сўм (314,8 миллион доллар) маблағ зарур бўлади.

## Талаба назоратсиз қолади

Шу ўринда бир мулоҳаза. Ўсмир ёшидаги йигит-қизларнинг ота-она ва устозлар назоратидан узоқда қолиши кўпинча турли муаммоларни пайдо қилади. Айниқса, бугунгидек ёшлар онгига ёт гоълар хавф солиб турган бир пайтда талабалар ётоқхонаси ёшлар, айниқса, қиз болалар учун айни муддао.

**2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чоғида 4610 ўринли 13 та ётоқхона қуриш ва 35 тасини реконструкция қилиш тақлиф қилинган.**

Йирик кимё заводларининг давлат улуши инвесторларга сотилади.

Қорақалпоғистонлик ҳайдовчилар автомобилларга газ қуйиш шохобчалари (АГҚШ) фаолиятдан норози экани ҳақидаги гаплар кенг жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлди. Бунда кимдир АГҚШларда газга ҳаво аралаштириб сотилётгани, бунинг оқибатида машина кўзланган масофани босиб ўтмасдан ёқилғиси тугаб қолаётганини айтса, бошқаси нархнинг қимматлигидан нолийди. Бундай ҳолат фақат саноклигига ҳайдовчилар учунгина ноқулайлик келтириб чиқармайди. Зеро, ёқилғининг қимматлиги, кўпсарфлиги бевосита йўл ҳақининг ошишига ва оқибатда оддий аҳолига ҳам таъсир қилмасдан қолмайди. Шу боис вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида масъулларга юзландик.



## ГАЗГА ҲАВО ҚЎШИБ СОТИШНИНГ УМУМАН ИМКОНИ ЙЎҚ

ҲОЗИРГАЧА ТЎРТТА ШОХОБЧА ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗИЛИБ, ИККИТАСИДА НОРМАНИНГ БУЗИЛИШИ КУЗАТИЛГАН. ҚИЗИҚ, БОШҚА АГҚШДАГИ АСЛ ҲОЛАТ ҚАНДАЙ ЭКАН? БУ САВОЛ МАСЪУЛЛАРНИ ҲАМ ЎЙЛАНТИРАДИМИ ЁКИ УЛАР МУРОЖААТ БЎЛИШНИНИ КУТИШНИ МАЪҚУЛ КЎРАДИМИ?

### «Етарли маълумотга эга эмасмиз»

— Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 62 та метан, 100 та пропан газ ва 137 та бензин қуйиш шохобчалари фаолият юритмоқда, — дейди «Ўзбекнефтегазинспекция» Давлат инспекцияси ҳудудий бўлими етакчи муҳандис-технологи Искандар Қурбонов. — Айни пайтда Қорақалпоғистоннинг девари барча ҳудудларида АГҚШлар қурилган. Энг чекка Бозатов ва Тахтақўнлар туманларида шохобчалар қурилиши олов этмоқда. Шунга қарамай, айрим фуқароларимиз уларнинг фаолият

тидан норози эканини айтиш-моқда. Бундай тушунмовчиликлар АГҚШ фаолияти, газ босими бўйича етарли маълумотларга эга эмаслигимиздан келиб чиқаяпти.

Қиш фаслида газга талаб юкори бўлади. Марказий трассадаги газ оқими ёз мавсумига нисбатан оз. Газ баллонларига ҳаво совуқ бўлгани боис талаб бўйича 200 кгдан зиёд босимда газ қуйиб бўлмайди. Чунки машина ҳаво илик жойга борганида, у 250 кг босимга кўтарилиб кетиши ва ёрилиши мумкин. Айни сабаб туфайли қишда машиналарга бошқа фасллардагига қараганда камроқ босимда газ қуйилади.

Шунингдек, газга ҳаво қўшиб

сотилганининг умуман имкони йўқ. Физика фанидан хабардор инсон яхши билади, газга ҳаво қўшилса, портлаш содир бўлади. Бу ерда истеъмолчиларимиз фақат қиш мавсумида марказий трассадаги газ босимининг паст бўлишини билишлари керак. Бундан ташқари, шохобчаларда каторасига 3-4 машинага бир пайтнинг ўзиде газ юборилса, табиий равишда газ босими жуда кучли бўлмайди. Бу эса шубҳанинг кучайишига сабаб бўлади, холос. Лекин истеъмолчи фақат қуйилган газ учун пул тўлайди ва, албатта, шохобчалардаги газ ўлчаш ускуналари тегишли тартибда стандарт кўригидан ўтказилган.

талаби бўйича нисбий хатолик плюс-минус 1 фоиз деб белгиланган. Биз текширган АГҚШдан иккитасида ишлар кўнгилдагидек. Лекин «Гулайым» МЧЖга қарашли шохобчада нисбий хатолик 1,20 фоизни, «Қорақалпоғавтосервис» МЧЖга қарашли шохобчада бу кўрсаткич 1,9 фоизни кўрсатди. Бу бўйича тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, АГҚШларда таъмирлаш ишлари олиб борилиши шартлиги бўйича топириқ берилди.

Масъулларнинг айтишича, АГҚШда ўлчов воситалари фақат йилда бир марта ёки қандайдир муурожаат асосида кўрлашдан ўтказилар экан. Юртимизда тадбиркорларга катта эътибор қаратилиб, уларнинг тўлақонли иш юритишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Хусусан, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашинга, ортиқча текширишларга йўл қўйилмапти. Афсуски, бундай имкониятни барча ишбилармонлар ҳам тўғри тушуниб етаётгани йўқ. Биргина АГҚШдаги нисбий хатолик туфайли анчагина фойда кўраётган «ишбилармон»ларнинг борлиги ачинарли ҳолатдир.

Аҳоли муурожаатлари асосида ҳозиргача 4 та АГҚШ текширувдан ўтказилган. Шундан ҳам иккитасида норманинг бузилиши кузатилган. Қорақалпоғистон Республикасида эса 62 та метан газ қуйиш шохобчаси фаолият юритмоқда. Қизик, бошқа АГҚШлардаги асл ҳолат қандай экан? Бу савол масъулларни ҳам ўйлантирадими ёки улар муурожаат бўлишини кутишни маъқул кўради?

Сиз бунга нима дейсиз, азиз маҳалладош?!

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ  
«Mahalla»

### ДАРВОҚЕ:

Маиший секторда ва улгуржи истеъмолчилар орасида табиий газ назоратининг автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизими (АСКУП) кенг жорий этилади.

Ушбу лойиҳа «Худудгазтаъминот» АЖ томонидан амалга оширилади. Айни пайтда пойтахт ва Тошкент вилоятининг бир қатор ҳудудларида тажриба-синов ишлари ўтказилмоқда. Хусусан, лойиҳа доирасида Мирзо Улуғбек, Бектемир, Қибрай туманларида яшовчи айрим аҳоли хонадонларига газ ўлчаш мосламалари ўрнатилди.

Бундан ташқари, маҳаллалар ўрамадаги кўчаларни газ билан таъминлаш тизими техник жиҳатдан соддалаштирилди. Бу табиий газнинг sanoat, kommunal ва maishiy iste'molchilar ўртасида уларнинг талабларига мувофиқ тақсимланишини таъминлайди. Энг муҳими, газ истеъмоли ва фавқулодда вазиятлар ҳақидаги маълумотларни тезкорлик билан телеметрия тизимининг каналлари орқали диспетчерлик пунктига юборилишига эришилди.

Пойтахт ва Тошкент вилоятида АСКУП лойиҳасининг бешинчи босқичи бўйича амалга оширилган тажриба лойиҳасининг дастлабки натижалари табиий газ таъминоти сифати яхшилангани ва истеъмолчиларга газни етказиб бериш жараёнидаги технологик йўқошларнинг ҳажми камайганини кўрсатди.

### МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

#### АЁҚШларда санитария-гигиена шохобчалари бўлиши шарт

2020 йил 1 мартдан бошлаб жамоат мақсадларига мўлжалланган ва кеча-қундуз ишлайдиган, санитария ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига жавоб берадиган санитария-гигиена шохобчалари билан жиҳозланмаган АГҚС, АГҚС ва АЁҚСларнинг фаолият кўрсатишига йўл қўйилмайди.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг «Йўлбўйи ва туристик инфратузилмани янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориде белгиланган.

Қарор билан автомобилларга газ тўлдириш компрессор станциялари (АГТКС), автомобилларга газ қуйиш станциялари (АГҚС) ва автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари (АЁҚС) эгаларига ҳудудда қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ савдо шохобчалари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тез оқватланиш шохобчалари ва бепул Wi-Fi зоналари ташкил қилиш тавсия этилди.

Санитария-гигиена шохобчаларини ободонлаштириш тўғрисидаги талабларни бажармаган ва камчиликларни бартараф этмаган станцияларга газ ва нефть маҳсулотларини етказиб бериш тўхтатилади, лицензияси ҳам бекор қилиниши мумкин.

2020 йилнинг 1 сентябрга қадар ҳудудларда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, тез оқватланиш шохобчалари, Wi-Fi зоналари ва санитария-гигиена узеллари билан таъминланган биттадан намунавий АЁҚС, АГҚС ва АГТКСлар ташкил этилиши лозим.

Ўзбекистонда «Аллергик паспорт» жорий этилади.

**Самарқанд шаҳрининг қоқ марказида жойлашган «Беклар» маҳалласидаги Хадича Сулаймонова номли кўчада истиқомат қилаётган 100 га яқин хонадон айна пайтда ичимлик суви таъминотидан узилиб қолган. Одамлар суви қўшни маҳалладан ташиб келтиришяпти.**

# Бир ҳудудда сув ва газ муаммо, бошқасида одамлар боқибегам...

ОДАМЛАРДАГИ БОҚИБЕГАМЛИК, ДАНГАСАЛИКНИ ҚАРОРУ БУЙРУҚЛАР, ЧОРА-ТАДБИРЛАР БИЛАН ЙЎҚОТИБ БЎЛАРМИКИН?!

Кўча чеккасига бундан ярим аср муқаддам кўмилган сув тармоғи қувурлари эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолгани туфайли уни алмаштириш борасида турли ташкилотларга мурожаат қилвериб чарчаган одамлар яқинда ўзлари хашар уюштириб, тармоқни таъмирлашга киришди. Аммо сўнгги кунлардаги ёгингарчилик натижасида казиб олинган қувурларнинг жойи сув билан тўлиб кетди. Бундан ташқари, тармоқдаги авария туфайли кўчани ҳам сув босди. Оқибатда ўйдим-чуқурлардан иборат кўчада нафақат автомашиналар, хатто пидедаларнинг ҳам юриши амримахол бўлиб қолди.

— 10 йилдан буён ҳар йили қишда шу муаммога дуч келамиз, бу масаланинг ечими кимга боғлиқ эканини ҳанузга таъинлашганимиз, — дейди маҳалла фаоли Муҳиддин Жаоводбеков. — Шу боис тармоқни ўз кучимиз билан таъмирлашга киришдик. Хайриятки, «Сувоқова» ДУК Самарқанд шаҳар бўлими томонидан ер қовлайдиган махсус техника ажратилди. Аммо қувурларни қавлаб олишимиз билан нимагадир ҳаммаёқни сув босиб кетди. Тармоқда юз берган фавқуллоҳда ҳолатни бартараф этиш юзасидан юқоридаги ташкилотга мурожаат қилдик, аммо ҳозиргача натижага йўқ. Қўтинлар, махсус зурӯҳ этиб боради» дейишганига ҳам 2 кун бўлди. Энди нима қилишга ҳам ҳайронмиз.

Отаҳоннинг куйиниб гапирганича бор экан. Қавлаб олинган қувурлар илма-тешиқ бўлиб, чирйи бошлаган. Натижада авария оқибатида улар ёрилиб кетган. Аҳолини ташвишга солаётган мазкур муаммога ечим излаб отаҳон юқориди айтган ташкилотга мурожаат қилдик.

— Маҳаллалардаги сув тармоқлари аҳолининг ҳисобидан таъмирланади, чунки бизнинг ташкилот фақатгина магистраль тармоқларнинг таъмири билан шуғулланади, — дейди «Сувоқова» ДУК Самарқанд шаҳар бўлими раҳбари Жаовоҳир Шуқуров. — Шунга қарамадан, аҳолининг мурожаатини ҳисоба олиб, улара ер қавлайдиган махсус техника ажратиб бердик. Тармоқдаги авария масаласига келсак, бу борада агарда диспетчерлик



хизматига қўнғироқ қилинган бўлса, қоидага кўра, қақриув қайд этилган дақиқадан бошлаб 3 кун давомида бу ҳолат бартараф этилади.

Шундан сўнг, мазкур авария ҳақида диспетчерлик хизматида қақриув қайд этилганми-йўқми, деган савол билан қизиқдик. Маълум бўлишича, 19 февраль куни шундай қақриув бўлган ва ўша пайтдаги навбатчи Абдумажид Иброҳимов бу ҳақда махсус таъмирлаш гуруҳига хабар етказган.

Мазкур йнғин аҳолиси нафақат ичимлик суви, балки табиий газ таъминотидаги узилишлар ҳамда ички йўлларнинг яроқсиз ҳолга келиб қолганидан ҳам жуда қийналишяпти. Уйлаймизки, масъуллар ҳудуддаги муаммоларга тез фурсатларда эътибор қаратишяпти.

## «Қувур ёрилган жойга ёғоч қозик қоқиб кетишди...»

Қадим кентда сув тармоқлари билан боғлиқ муаммо, афсуски, ягона эмас. Жуладан, «Давлатшоҳ Самарқандий» маҳалласи ҳудудида ҳам қатта магистраль қувур ёрилиб, йиллар давомида ичимлик суви беҳудуга исроф бўлаётганидан аҳоли шижоат қилди. Ёриқлардан чиқаётган обихаёт натижасида қаттагина ҳовуз ва ботқоқлик ҳосил бўлган. Ҳовуз суви эскириши оқибатида, айниқса, ёз ойларида атрофга қўланса хид тарқалади. Шунингдек, кўчага туташ 3 та хонадон ҳовлисини ва маҳалла ҳудудидаги қабристоннинг бир қисmini сув босган.

Йнғин раиси Баҳодир Раҳматовнинг таъкидлашича, мазкур ҳолат юзасидан маҳалла фаоллари бир неча бор «Сувоқова» корхонасига мурожаат қилишган. Мурожаатдан сўнг

мутасадди ташкилот вакиллари келиб ёрилган жойга пона (ёғоч қозик) қоқиб кетишди. Бирок тармоқдаги босим оқибатида тез орада яна ёрик пайдо бўлиб, сув оқини давом этмоқда.

— Мазкур қувурдан ҳудуддаги 3 та маҳалланинг 6 мингдан ортиқ аҳолиси сув истеъмол қилади, — дейди Б.Раҳमतов. — Ичимлик сувида инфекция тулиса, ишнча одамнинг саломатлигига салбий таъсир қўрсатиши тайин. Афсуски, буни масъуллар англаб етмаяпти.

## Одамлар қачон киши уйқусидан уйғонади?

Оқдарё туманидаги «Пўлатдархон» маҳалласидаги Ўлғзор кўчасида яшовчи аҳоли ҳам ичимлик суви муаммосидан ташвишга тушяпти. — Шу пайтгача қўлбола кран (қачалка) ёрдамида сув ичардик, ҳозирга келиб қарийб 10 метр чуқурликдан олинаётган сув тарқабиди қум, шакал микродир жуда қўнайиб кетди, — дейди 2-йида яшовчи Норматм Уролов. — Шундоқ ёнганмида қад ростлаган намунали уйлар учун водопровод минораси ўрнатилган, улар тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлишяпти. Бизлар эса ифлос суви қайнатиб ичишга мажбурмиз.

— Тўри, аҳолининг эътирозларида экан бўлиб, — дейди маҳалла раиси Абдурафиқ Ҳақбердиев. — Мазкур муаммо бўйича туман мутасаддиларига мурожаат қилганимиз. Аниқланишича, яқинда «Сувоқова» ДУК туман бўлими масъулари ишдаги хатолари учун ишдан бўшатилди. Зора, эндиликда аҳвол ўзгарса...

Аслида мақолага шу ерда нукта қўймоқчи эдик. Аммо кўчадаги вазиятни кузатар эканмиз, бир ҳолат эътиборимизни тортди. Аксарият уйларнинг

орқаси, айниқса, кўча ёнидаги бетон ариқча турли маншйй чикиндилар билан тўлиб кетган. Ахир бу ариқчадан обихаёт окмайди? Бундан ташқари, кишининг қорли-қировли қунлари орта қолиб, аллақачон юртимизда баҳор нафаси эса бошладди-ку! Наҳотки бу ердагилар ҳалиям киши уйқусида бўлсалар?

## «Боқимандаларни кўрсам, қоним қайнаб кетади...»

Пайарик туманидаги «Чоштепа» маҳалласидаги Уклон кишлоғи аҳолиси, асосан, дехқончилик билан шуғулланади. Аммо дангасалик, боқибегамлик бобида улар оқдарёликларни ҳам орта қолдиришяпти. Негаки, февраль ойи якунланиб, остонада март бошланаётган бўлса-да, ҳали бирорта ҳовлида баҳор нафаси сезилмайди.

— Тупроқ ҳали етилмаган, анчагина лой, чунки бизнинг ҳудудда намгарчилик юқори, — дейди шу ерда яшовчи Тухтамурод Жўраев. — Аммо этини топанлар экса бўлади.

Қарийб 400 хонадондан иборат мазкур кишлоқдаги ҳовлиларда бирорта ҳам иссиқхонани кўрмадик. Кўчани кесиб ўтувчи анҳор устига қурилган кўприк ёнида турган одамлар эса бири олиб, бири қўйиб шу кўприкни тезда таъмирлаш кераклиги, аммо мутасаддилар эътибор бермаётганидан нолиб кетишди. Уларнинг айтишича, ҳеч ким негадир бу масалада ёрдам беришни истамаяпти. Бундай ҳолатда кўприк узокка бормади, анҳор устига қулаб тушади. Натижада сув тошиб, атрофини босади.

Тўри, кўприк масаласи эхтимол муҳимдир. Буни масъуллар тез орада бартараф этиши мумкин. Ёнинг одамлардаги боқибегамлик, дангасаликни қарору

буйруқлар, чора-тадбирлар билан йўқотиб бўлармикин?! Ҳовлилардан бири ўтган йили ўсиб чиққан ёввойи ўтлар, бурганлар билан тўла. Ўзини таништиришни истамаган хонадон соҳиби эса бу жойни яқинда кимгадир сотиб юрганганини айтиб, жуфт-такни ростлаб қолди.


Буни қарангки, шу уйнинг девор-дармиён қўшниси Жамол Нуриев асаларичилик билан шуғулланар экан. Ҳозирда бу ерда қарийб 100 қути асалари парвариш қилинмоқда.

— Осмондан чалпақ ёғишни қутиб ётсан, моддий ёрдам сўраб қайсидир идораларга қатнаб юрганларни кўрсам, қоним қайнаб кетади, — дейди Жамол ака. — Тўрт мучаси соғ одам, албатта, ҳаракат қилиши, нимагадир интилиши лозим. Ахир амад, даромадининг ўзи келмайди. Ҳаммасининг заминида тинимсиз меҳнат, машаққат ётади. Дастлаб 2 қути асалари билан фаолиятимни бошлаган эдим. 5 йилда уларнинг сони 100 дан ошди. Рўзгоримизга борака кирди. Шу ишнинг орқасидан машина олдим, уй қуряпман, оилани боқяпман. Асалари боққан одам асаларидек ишлайди. Йилнинг тўрт фаслида ҳам тиним билмайди. Гузрга йиғилиб олиб, гийбат қилиши, соатлаб гап сотишдан чарчамайди деган баъзи одамларга қараб ҳайрон қоламан. Ер ҳали етилмаган бўлса, ариқ қазиви, қўчат экиши, иссиқхона қуриши мумкин-ку! Бунинг учун ҳавонинг иссиқ бўлиши шарт эмас. Фақатгина озроқ ҳафсала, эътибор, иштиёқ керак ҳолос.

Сухбатдошимизнинг бу гапларига бирор нарса қўшимча қилишни лозим топмадик. Аммо шу жараёнда юқориди тилга олинган Самарқанд шаҳридаги «Беклар» маҳалласи оқсоқоли Муҳиддин Жаоводбеков, пайариклик асаларичи Жамол Нуриевларни боғлаб турувчи кўринмас риштани топандек, Оқдарёнинг «Пўлатдархон» ва Пайарикнинг «Чоштепа» маҳалласидаги боқибегамлик сабабларини англагандек бўлдик.

Ҳўш, сиз-чи, азиз маҳалладош, бу ҳолатни қандай баҳолайсиз?

Ёрнамат РҮСТАМОВ  
«Mahalla»



# УМРА ЗИЁРАТИ:

## нарх ва хизмат сифати аҳолини қониқтиряптими?

### Умра нархи арзонлашмади

Мамлакатимизда муқаддас динимиз софлигини сақлаш, ислом маданияти ривожига ҳисса қўшган улуғ алломуларнинг илмий меросини ўрганиш, қадамжоларини обод этиш, янги масжид-мадрасалар қуришга қатъа эътибор берилмоқда. Диний амалларни эмин-эркин бажариш учун барча шароит яратилган. Жумладан, Ҳаж ва Умра зиёратига йўл олган ҳожиларимизни кузатиш, кутиб олиш тadbирлари, зиёрат чоғида кўнгилдагидек яшашлари юксак даражада йўлга қўйилган.

Ҳаж ва Умра зиёратига

бориш тартиб-тамойлари доимо аҳолини қизиқтириб келган. Жумладан, 2020 йил 16 февраль кuni ижтимоий тармоқда ясама ва сохта хабар тарқатилди.

Ушбу хабарда Саудия Арабистони зиёратчиларнинг лицензияси нархини етти баравар арзонлаштирганини эълон қилгани, мазкур мамлакат Ҳаж ва Умра вазирининг ўринбосари Абдулфаттох Машат Саудия

Арабистони расмийларининг умра лицензиясининг нархини 2000 риалдан (535 доллар) 300 риалгача (80 доллар) камайтириш ҳақидаги қарорни эълон қилгани ёзилган.

### Мақсад — шахсий манфаат

— Ушбу хабар сохтадир. Хабардан кўзланган мақсад ўз фаолиятини текин реклама қилиш ва каналдаги одамлар сонини кўпайтириш бўлган. Аслида Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳукумати Ҳаж ва Умра учун давлат виза божларини қуйидаги тартибда жорий этган.

2016 йил сентябрь ойдан эътиборан, Ҳаж ва Умрага қайта борганлик учун 2000 саудия риали (535 АҚШ доллари) давлат бож жорий этилган. 2019 йил 1 октябрдан ушбу бож бекор қилинган.

2019 йил 1 октябрдан ҳар бир зиёратчи учун «Ҳаж ва Умра визаси» давлат бож 300 саудия риали (80 АҚШ доллари), 2019 йил 4 сентябрдан Ҳаж ва Умра вазирилик электрон порталида хизмат учун 99,18 саудия риали (26,18 АҚШ доллари), 2020 йил 1 январдан тиббий суғурта учун 189 саудия риали (50,4 АҚШ доллари) жорий этилди.

Эътибор беринг, саудия давлат божлари (Ҳаж, Умра виза учун — 80, тиббий суғурта учун — 50,4 ва электрон портал учун — 26,18 доллар) барча мамлакатлар зиёратчилари учун мажбурий тўловдир. Ушбу тўлов амалга оширилгандан сўнг Саудия Ҳаж ва Умра визалари расмийлаштирилади.

Умра хизматлари республикамизда фақат Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан тақдим этилади.

Маълумот учун, 1 январдан бошлаб Ўзбекистонда Умра

зиёрати нархи тахминан 13 миллион 20 минг сўмни ташкил этмоқда.

Шунингдек, амалга оширилган чоралар натижасида, бугунги кунда республикамизнинг 8 худудида Умра навбатлари тугатилган. Энди муқаддас сафарга бориш (Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сирдарё, Хоразм, Жиззах, Навоий ва Қорақалпоғистон Республикаси) вилоятларда навбатсиз амалга оширилмоқда.

Ушбу вилоятларда доимий яшовчи фуқаролар тўғридан тўғри Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг вилоят вакилликларига мурожаат қилиши мумкин.

### Тур фирмаларга нега имконият берилмаяпти?

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 мартдаги 154-Фсонли фармойишига асосан тузилган ишчи гуруҳи ҳулосасига асосан, Умра ва Ҳаж тadbирларининг Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деб топилган. Унда туристик фирмаларга ибодат тadbирларини ташкил этиш ҳуқуқини бериш масаласи киритилмаган.

Тadbирнинг туристик фирмалар томонидан ташкил этилишини йўлга қўйиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда Саудия Арабистонида фаолият олиб бораётган фирмаларни ўрганиш мақсадида ишчи гуруҳи тузилиб, 2019 йилнинг 8-15 март кунлари Саудия Арабистонига хизмат сафари билан борди. У ердаги ширкатлар имконияти ўрганилди. Ҳаж ва Умра тadbирлари соф диний амаллар бўлгани сабабли, ушбу зиёратларнинг Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан амалга

оширилиши мақсадга мувофиқ, деб топилди.

### Ўзбекистонликлар учун Умра зиёрати нархи ўзгарадими?


Умра дастури нархи — авиачипта, Саудия Арабистони визаси божлари ва Саудия Арабистонидаги харажатлар нархининг йиғиндисидан келиб чиқиб ҳисобланади. Ҳозирда Ўзбекистон авиация бозорида ишлаш мақсадида бир неча компания миллий авиаташувчи сифатида рўйхатдан ўтиш ишларини бошлаб юборган. Жумладан, «Hidaya Airlines» авиакомпанияси «Умра+» дастурида Индонезиядан Ўзбекистон орқали зиёратчиларни Умра сафарига ташини мақсадида ўз авиакомпаниясини Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказмоқда. Режа бўйича индонезиялик зиёратчилар 2-3 кун Ўзбекистондаги зиёратларидан сўнг Умра сафарига жўнаб кетишади. Бу, албатта, юртимиз иқтисодиётига қўшимча инвестициянинг жалб қилади. Ўзбекистондаги зиёрат дастурлари маҳаллий туристик операторлар томонидан амалга оширилади.

Маълумки, Саудия Арабистонида Рамазон мавсумида бошқа Умра мавсумларига қараганда мехмонхона ва хизмат кўрсатиш нархлари 3-4 баробарга қимматлашиб кетади. Ўзбекистон фуқаролари учун «Умра» дастури эса йил давомида, ҳатто Рамазон мавсумида ҳам бир хил ўзгармаслиги таъминланган.

### Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ «Mahalla».

Мақола Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмитанинг ахборот хизмати билан ҳамкорликда тайёрланди.

### МЕНДА САВОЛ БОР...



### Энди зиёратга онлайн навбатга туриш мумкинми?

— Ҳаж ва Умра тadbирларига энди онлайн навбатга туриш имконияти яратилибди. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Илёс ТЎРАЕВ,  
Тошкент шаҳри.

Илхом МАЪРУПОВ,  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита мутахассиси:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 июндаги 364-сонли қарорига асосан, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг расмий веб-сайтида Умра са-

фарига борадиган зиёратчиларнинг ягона онлайн навбат тизими лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳа Ҳаж ва Умра тadbирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича Жамоатчилик кенгаши йиғилишида кўриб чиқилди ҳамда Кенгаш қарорига асосан, ҳозирги кунда синов тарикасида ишга туширилди. Синов натижаларига кўра, 2020 йилнинг III-чорағида ягона онлайн навбат тизимининг тўлиқ фаолияти йўлга қўйилади.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон IT соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга оширади.

# АЙБДОРНИ ЖАЗОЛАШ ЭМАС, ҚАЙТА ТАРБИЯЛАШ КЕРАК



**БИРГИНА ШАХС ТУЗАЛИШ ЙЎЛИГА ЎТСА, БИР НЕЧА ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ, ИШГА ЖОЙЛАШИБ, ЖАМИЯТДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПИШГА ИНТИЛСА, У ЯШАЁТГАН ОИЛАНING ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ ТАЪМИНЛанади**

Инсон ёмон бўлиб дунёга келмайди, унинг қилган хатти-ҳаракатлари нотўғри бўлиши мумкин, холос. Ҳеч бир инсон атайлаб бошқа бир кишига зиён етказиши истамайди. Қотиллик, ўғирлик ва муштумзўрлик каби иллатларни эса билиб-билмай жаҳл устида, ё бўлмаса, зориққани, мажбур бўлгани учун бажариши мумкин. Ўз қилмишидан пушаймон бўлган, тузалиш йўлига ўтган инсонларни қўллаб-қувватлаш эса савобли амаллардандир.

Шу боис мамлакатимиздаги жазони ижро этиш муассасалари фақатгина озодликдан маҳрум этилган шахсларни сақлаш билан шугулланмайди, аксинча уларни соғлом турмуш тарзига қайтариш, жамиятга мослаштириш ишларини ҳам бажаради. Айниқса, бунда оғир жиноятларга қўл урмаган, ахлоқ тузатиш ишлари, мажбурий жамоат ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, озодликни ва шартли ҳукм қилиш каби таъсир чоралари қўлланган шахсларни жамиятга мослаштириш нисбатан осонроқ кечади. Аммо уларни жамиятда ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳам ярамайди. Бундай шахслар билан алоҳида ишлаш, ахлоқий чоралар, психологик мулоқот ва суҳбатлар ўтказиш, бандлигини таъминлаб, ҳаётини изга туширишига қўмаклашиш талаб этилади.

Айни пайтда юртимизда назорат остидаги шахсларнинг ҳулқ-атвори устидан таъсирчан вазифаларни бажариш мақсадида Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси хузурида Пробация хизмати фаолияти йўлга қўйилган. Тузилма Президентимизнинг 2018 йил 7 ноябрдаги «Жиноят ижроия конунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган.

## Шахс жамиятдан ажралмаган ҳолда тарбияланади

Пробация хизмати илк бор 1887 йилда Англияда жорий этилган. Бугунги кунда қўллаб-қувватланган мамлакатларда бундай хизмат фаолият юритади. Пробация — «синов» деган маънони



англиятби, халқаро амалиётда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг ижро этилишини таъминлаш ва назоратини олиб бориш билан шугулланади. Яъни суд ҳукми ёки ажрими билан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар томонидан жазонинг ижро этилишини таъминлайди. Бу эса шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш имконини беради. Илгари жазоларни ижро этиш инспекциялари ахлоқ тузатиш ишлари, мажбурий жамоат ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, озодликни ва шартли ҳукм қилиш таъсир чораларини қўллаган ҳолда фаолият юритган. Эндиликда Пробация бўлинмаларининг ваколат доираси кенгайтирилиб, ишлаш механизми халқаро стандартларга мос тарзда ташкил этилди. Хусусан, бўлинмаларга қўшимча 2 тоифадаги — жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинганлар ва ЖИЭМлардан озод этилган вояга етмаганлар киритилган.

Айни пайтда тизим томонидан шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг ҳулқ-атвори устидан таъсирчан назорат амалга оширилмоқда. Назорат остидагиларнинг қайта жиноят содир этиш хавфи анкиланиб, бунга йўл қўймайлик бўйича профилактик чора-тадбирлар бажарилмоқда. Уларнинг шахси ижтимоий-психологик портрети тизимда ҳаётга ўрганиляпти. — *Ўтган вақт давомида 53 минг 303 нафар тузалиш йўлига ўтган шахслар ҳисобдан чиқарилишига эришилди. — дейди ИИВ Жазони ижро этиш бош*

*бошқармаси хузуридаги Пробация хизмати мутахассиси, майор Бахтиёр Раҳматов. — Шунингдек, 25 минг 431 нафар киши жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинди ҳамда жазодан бўйин товлаган 565 нафар қидирувда бўлган шахс ушланди. Назоратдагиларни ижтимоий мослаштириш, ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш мақсадида давлат ташкилотлари билан бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилиб, 30 минг 209 нафар киши ишга жойлаштирилди. Касб-ҳунар ўрганишига талабдор бўлганлар тўғрисида эълан қилиниб, 200 нафардан ортиқ шахсага уй-жой берилди. Бир сўз билан айтганда, назорат остидаги шахслар ҳам моддий, ҳам маънавий томондан қўллаб-қувватланмоқда.*

## Тизим янада такомиллаштирилади

Жорий йилнинг 14 февраль куни «Ички ишлар органлари пробация хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2020 йил 1 мартдан бошлаб назорат остидагиларга ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш бўйича вазирлик ва идоралар ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилади. — *Қарордан кўзланган асосий мақсад — назорат остидаги шахсларда қонунга итоаткор ҳулқ-атворни, инсонга, жамиятга, меҳнатга, мавжуд турмуши қоидаларига ва аъёналарига ҳурмат муносабатини шакллантиришдан иборат, — дейди Б.Раҳматов. — Бунда тегишли ташкилотлар билан*

*амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди. Хусусан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги назорат остидагилар ва уларнинг оила аъзоларини иш билан таъминлаш, касбга йўналтириш, улар учун бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш билан шугулланади. Уларни ҳақ тўланадиган жамоат ва мавсумий ишларга жалб қилади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги эса назорат остидаги шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш, уларга тиббий масалаларда ёрдам кўрсатиш, ичкиликка ружу қўйган шахсларни реабилитация қилиш, энг асосийси, назорат остидагилар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган вазифаларни бажаради.*

Шунингдек, ҳужжатга кўра, юридик йўналишдаги ОТМлар таълим дастурларига назорат остидагиларнинг психологик портретини ўрганиш бўйича махсус мавзулар киритилади ҳамда тегишли ОТМларда психология йўналишида таълим олаётган талабаларнинг пробация бўлинмаларида амалиёт ўташлари йўлга қўйилади. Бундан ташқари, қарорда тизим ходимларининг стажировка ўташи, чет эл конунчилигини ўрганиши учун ривожланган мамлакатларга хизмат сафарларини ташкил этиш ҳамда пробация фаолиятига оид илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш ҳам кўзда тутилган.

\*\*\*

Тизимнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қилинаётган ишлар натижасида биргина шахс тузалиш йўлига ўтса, бир неча жиноятларнинг олди олинади, ишга жойлашиб, жамиятда ўз ўрнини топишга интилса, у яшаётган оиланинг турмуш фаровонлиги таъминланади. Назорат остидагиларнинг бир бўлаги. Жамиятнинг юқалишида барчасининг алоҳида ўрни бор. Шундай экан, жамиятимизда шахсни тарбиялаш орқали соғлом муҳит яратиш вазифаси нафақат давлат ва мутасадди ташкилотлар, балки кенг жамоатчилик, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг бурчи эканини унутмаслик лозим.

**Рўзиқул ОЧИЛОВ,**  
журналист.

## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

- Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси хузуридаги Пробация хизмати ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтган бир йил давомида назорат остидаги шахсларни ахлоқий жиҳатдан қайта тарбиялаш, уларни жамиятга мослаштириш йўлида қуйидаги ишларни амалга оширди:
  - ➔ 1008 маротаба «Ишга марҳамат» тадбирлари ташкил этилди;
  - ➔ 30 209 нафар назорат остидаги шахслар ишга жойлаштирилди;
  - ➔ муайян касбга эга бўлмаган 4 416 нафар киши касб-ҳунарга ўқитилди;
  - ➔ 22 190 та очик мулоқот, учрашув ва давра суҳбати ўтказилди;
  - ➔ 303 005 маротаба ижтимоий-ҳуқуқий масалалар бўйича ёрдам кўрсатилди;
  - ➔ назоратдагиларнинг муаммоларини ҳал қилиш борасида мутасадди идора ва ташкилотларга 10 124 тақдимнома киритилди;
  - ➔ 20 370 нафар шахснинг ижтимоий-психологик портрети тузилди.
- Натижада: қайта жиноятлар сони ўтган йилга нисбатан 134 тага, яъни 59 фоизга (326-192) камайди. 61 053 нафар шахснинг 85 фоизи, яъни 51 790 нафари тузалиш йўлига ўтди.

Қишлоқ хўжалигида барча турдаги хўжаликлар ялпи хатловдан ўтказилади.

Яқинда кекса отасига қўпол муносабатда бўлиб, ҳатто унга қўл кўтаришгача борган ноқобил фарзанд ҳақидаги видеоларга кенг жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлди. Бу муҳокама охирига етмасдан туриб яна битта шундай ҳолат кузатилди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бундай кимсалар қаердан пайдо бўляпти? Келажақда бундай шахсларга дуч келмаслигимиз учун қандай йўл тутмоқ керак?

## Қачондан ўз отасига

# Қўл кўтарадиган бўлди?

ЎЗИНИ БИЛГАН ОДАМ УЧУН ОЧИҚ СУДДА ИШИ КўРИЛИШИ  
ВА АЙНАН ОИЛАСИ, ОТАСИГА БЕХУРМАТЛИГИ УЧУН  
ЖАЗОЛАНИШИДАН КўРА ОҒИРИ БўЛМАЙДИ. ЧУНКИ ВИЖДОН  
АЗОБИ — ЭНГ ОҒИР ЖАЗОДИР

### Қадриятлар қадрини йўқотмасин

— Улуғ мутафаккир Алишер Навоий: «Ақл ила олам юзин обод қил, Хулқ ила олам элини шод қил», деб ёзади. — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи Феруза Азимова. — Мана шу мисрадан ҳам ақл ва руҳ тарбияси бир-биридан фарқ қилишини билиб олиш мумкин. Агар инсон руҳий камолот сари интилса, унинг хулқи гўзаллашиб боради. Халқимиз қадимдан маҳаллани миллий қадриятлар, эзгу амаллар маскани сифатида ардоқлаб келган. Фарзанд тарбияси, меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик каби эзгу фазилатлар айнан маҳалла муҳитида шаклланган. Афсуски, кейинги вақтларда бироз бўлса-да, ана шу қадриятларимиз қадрини йўқотди. Жамоатчилик «Бир болага етти маҳалла ота-она» деган сўзни унутма бошладим. Ота-онасига қўл кўтаришдан тоймайди бундай кимсаларни маҳалла аҳли яхшиликка чақириб турганида бундай кўнгилсиз ҳолат кузатилаётгани.

Бугун бундай оғриқли масалаларни битта оиланинг ўзига юклаб қўйишимиз керак эмас. Афсуски, маълум муддат биз ана шундай кайфиятда яшадик. Билмак, маҳалладаги муҳитни яхшилаш билан бевосита шуғулланиши шарт бўлган инсонларни бошқа юмушлар билан банд қилиб қўйдик. Маҳалла раиси куну тун меҳнат фаолиятига қирмайдиган ишларни бажариш билан банд бўлган пайтда оилавий ажралашлар, жиноятчилик каби салбий иллатлар илди

отди. Шу ўринда янги тузилма — Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилиши ҳам бежиз эмас. Чунки бу борадаги ишлар кўнгилдагидек эмасди.

### Энг оғир жазо — виждон азобидир

Кенг жамоатчилик мазкур ҳолатга муносабат билдирар экан, аксар юртдошларимиз отасига қўл кўтарган кимсага берилган жазодан кўнгли тўлмаганини айтишди. Албатта, отаси ўтирган томга чиқишни айб ҳисоблайдиган халқ бундай ҳолатда кескин жазо кутиши табиий. Бунга судьяларимиз нима дейди?

— Қувалик Хамид Абдулатипов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 23 февраль куни, кечки пайт маст ҳолда ўйга келган, оила аъзолари билан жанжаллашди. — дейди Қува тумани маъмурий суди раиси Азизбек Жумаев. — Бу тортиқув шу даражага борадики, ўғил яшаси хонадонни дераза ойналарини чил-чил синдириб, ҳовли ўртасида бақаришни бошлади. Бундан безовта бўлган кўни-кўнчилар дарҳол маҳалла фуқаролар йиғинига ва профилактика инспекторига хабар беришди. Улар етиб келганида Х.Абдулатипов ўзига танбех берган отасига ташланиб, кийимларини йиртиб ташлаган, камига уриш учун ҳамла қилаётганди.

Х.Абдулатиповнинг иши очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқилди. Нобакор ўғилга 10 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди. Шуни айтишим керакки, судья учун ҳукм ўқиш осон эмас. Айниқса, мана бундай ҳолатда. Сиз унга кескинрок

### БИЛАСИЗМИ?

Республика Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан «Ўзлуksиз маънавий тарбия концепцияси» ишлаб чиқилди. Ушбу концепциядан кўзланган мақсад: замонавий талабларга мос, мафкуравий тажовузлардан ҳимояланган, ҳар қандай ахборот хуружларига қарши тура оладиган, ўз қатъий ҳаётий позициясига, тафаккур салоҳиятига эга шахсиятни шакллантиришдир. Бунинг учун миллий, диний қадриятлар, буюк аждодларимиз ва ҳорижий тажрибалар чуқур ўрганилиб, қиёсий таҳлил қилинди ва шулар асосида тегишли хулоса ва тавсиялар берилиб, чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

жазо беришни, ақлини киритиб қўйишни истайсиз. Лекин конун доирасидан чиқиб кетиб бўлмайди. Ўзини билган одам учун очик судда иши кўрилиши ва айнан оиласи, отасига беҳурмамлиги учун жазоланишидан кўра оғири бўлмайди. Чунки виждон азоби — энг оғир жазодир.

Тўғри, инсон учун виждон азобидан кўра оғир жазо йўқ. Қачонки ўша виждон ростдан ҳам қийналса! Шундай экан, бу каби кимсаларга оғиррок жазо бериш ҳақида ўйлаб кўриш фурсати етмади? Балки конунчилигимизни кўриб чиқиб, унга қўшимча ўзгартиришлар киритиш керакдир?

### Жазо эмас, тарбия бериш керак

— Тўғри, қонунчилигимизда кўрсатилган жазо бироз энгил. — дейди ҳуқуқшунос Хурийд Рашиданов. — Қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб, кучлироқ жазо белгилашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ҳам мушкул эмас. Бунинг учун қонун ижодкорлари ташаббус кўрсатса бўлди. Лекин бу борадаги фикрларим бироз бошқача. Яъни бундай нозик масалаларда инсон психологсияси билан ҳазиллашиб бўлмайди. Чунки бизнинг халқимиз оилавий муаммоларини имкони борича ўзи ҳал этишни ўрганган. Бу ерда гап отасига қўл кўтарган ноқобил ўғил ҳақида эмас, оиланинг

бошқа аъзолари ҳақида кетяпти. Чунки улар жазоланаётган кимсадан кўра кўпроқ азият чекади. Улар эртага оддий ўғри, товламачининг яқинларидан кўра кўпроқ қийналади. Шу боис уларни жазолаш эмас, тарбиялаш ҳақида ўйлашимиз керак. Тарбиянинг эса эрта-кечи бўлмайди.

### Маҳалла ҳақиқий оилага айланиши керак

— Азалдан маҳаллалар чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келган, — дейди Ф.Азимова. — Бу ҳақида фикр юритганда Шавкат Мирзиёевнинг: «Бузулган кўнага келиб маҳалла жамиятимиздаги адолат тамойилларининг кўзгусига айланиши керак. Бу ер одамлар келиб фикрини, тақлифини, дардини айтадиган, муаммосига ечим топадиган жой бўлиши керак. Маҳалла раиси ва профилактика инспектори ҳудуддаги ҳар бир оиланинг аҳволдан хабардор бўлиши, ким нима билан машғул — ҳаммасини билиши лозим. Ушбу тизимда амалга оширилаётган ишловотлардан кўзланган асосий мақсад — маҳаллани кечяо кундуз одамларнинг аҳволдан бохабар бўладиган масканга айлантиришдир», деган фикрини эслаш ўринли.

Бугун маҳаллаларнинг ўрни ва мавқеи тобора ошиб бормоқда. Шунга монанд унга бўлган

эътибор, ишонч ва вазифалар ҳам ортаётир. Маҳалланинг таъсир кучи бугун жамиятимизда ниҳоятда юқори. Сабаби, азалдан Ўзига хос қадимий урф-одаг ва анъаналар маҳалла муҳитида пайдо бўлган, шу муҳитда яшаб, сакланиб келган ва айнан шу муҳит таъсирида ривожланган. Балки шу сабаб бу гўша қадриятларни асраб-авайловчи, уни ёш авлодга етказувчи катта оилалар. Бугунги ўзгаришлар самараси ўларок, маҳаллаларимиз ҳақиқий оилага айланса, юқоридая айтилгани каби кўнглисизликлар учрамайди.

### Хулоса ўрнида

Болалигимда Говурган деган жой ҳақида катталардан кўн эшитардим. Эмишки, Боботог бағрида кимсасиз жой бор экан. Ота-онасидан безор бўлган болалар уларни ўша жойга олиб бориб ташлар экан. Аммо маҳалламиздан бирон кимса бундай иш қилганини билмайман. Яқин ўтмишимизда ҳам бунга далил бўладиган воқеалик йўқ эди. Аммо ота-оналар, кексалар одобсизлик қилган фарзандига қарата: «Ундан кўра Говурганга олиб бориб ташла», дерди. Бу энг оғир танбех ҳисобланар, шу боис бу гапни эшитган фарзанднинг кўзи намланарди. Бугун дунёнинг нариги бурчида нима-лар бўлаётганидан дарҳол хабардор бўла олиш имконига эга фарзандлар қайсидир маънода Боботогни ҳам, у билан боғлиқ қадриятлару хотираларни ҳам унутма бошлагандек. Ўзликни англамас, унга қайтмас эканмиз, бирон натижага эришиш мушкул.

Хўш, сиз бунга нима дейсиз, азиз маҳалладош?

Боборован  
ҒОЗИДДИНОВ  
«Mahalla»

Бухорода Мухтор Ашрафий номидаги ижод мактаби ташкил этилади.



Фильмнинг оммабоп бўлиши унинг кассабоплигини ҳам таъминлайди. Бу даражага эришиш учун кинолар қандай талабларга жавоб бериши керак? Унинг кинотеатрларда қанча кўп вақт намойиш этилгани, томошабинларга манзур бўлгани баҳолаш мезони бўла оладими? Аслида бу мезонлар ҳозир бироз эскирган. Негаки, кинотеатрлар аввалгидек гавжум эмас.

## КИНОПРАКАТ ТИЗИМИ:

# ҚАЧОНГАЧА ФИЛЬМЛАР ФАҚАТ РЕЖА УЧУН ЧИҚАРИЛАДИ?



Хўш, бугунги ўзбек киносининг ҳолати қандай? Жаҳонда фильмларимизга талаб бўляптими? Саволлар бисёр, жавобларга келганда эса «лаббай» топилмайди. Боз устига, соҳани ривожлантириш учун Президентнинг қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди, қилиниши лозим бўлган вазифалар белгиланди. Лекин негадир вазият ҳали-ҳануз ўша-ўша. Аслида йўналишнинг «ичида» нима гап-сўз? Вазифалар ижроси таъминланяптими? Жаҳон бозорига чиқиш масаласи қайси босқичга етиб келди? Шу каби саволларга «**Республика кинопрокат маркази**» давлат унитар корхонаси раҳбари **Иброҳим АХМЕДОВ**дан жавоб олдик:

— «Республика кинопрокат маркази» ДУК Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 апрелдаги «Республикада ягона репертуар сиёсати юриштирилиши таъминлашга йўналтирилган республика кинопрокат тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ташкил этилган. Марказ соҳага доир давлат сиёсатини амалга оширади.

Ўтган давр ичида марказ томонидан кинопрокат тизимига ихтиёрий бирлашган кинотеатр ва кинозаллар рўйхати шакллантирилди. Кинофильмлар афишаси ва стендларнинг ягона стандарти ишлаб чиқилди. Уларни марказий шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларидаги қулай жойларга ўрнатилиш чоралари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Шунингдек, кинотеатр ва кинозалларни электрон киночипталар тезкор ҳисобини юритиш ва сотишнинг автоматлаштирилган тизимига улаш учун зарурий ускуналар билан жиҳозлаш ва жорий қилишда ягона технологик талаблар ишлаб чиқилди.

Миллий фильмларни халқаро кинопрокатга олиб чиқиш борасида Россия, Жанубий Ко-

рея, Мўғулистон, Қирғизистон ва Қозғистон фильм ишлаб чиқарувчилари ва кинопрокат дистрибьюторлари билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилди. Шу асосда «Сабот», «Тинчлик ортида», «Ислохўжа», «Сарвқомад дилбарим» фильмлари халқаро кинопрокатда чиқарилиди.

### Кинотеатрлар талабга жавоб берадими?

Марказ фаолиятида ечимини кутаётган масалалар ҳам кам эмас. Жумладан, ҳозиргача корхона олдига қўйилган вазифа ва функцияларни тўлиқ амалга ошириш, ходимлар иш ҳақи, мажбурий тўловлар ва хўжалик фаолиятини таъминлаш учун зарур маблағларнинг молиявий манбаси мавжуд эмас. Фильмлар кинопрокатидан йиғиладиган маблағлар эса Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

Бугун республикада собиқ иттифок давридан қолган 73 та хусусий кинотеатр фаолият кўрсатмоқда. Улардан 61 тасининг биноси таъмирталаб, жиҳозлари ва киноускуналари эскирган. Ҳатто баъзилари моддий-техник базаси қониқарли бўлмагани учун фаолият кўрсатмайди. Бир нечаси эса фаолият турини ўзгартирган. Шунингдек, давлат тасарруфидаги 7 та ва хусусий мулкчилик шаклига эга 207 та кинотеатрнинг кинотехнологик ускуналари замонавий (DCP ва бошқа) талабларга жавоб берамайди. Шунинг учун бу масканларда ҳозирги технологиялар асосида яратилаётган миллий ва хорижий фильмларни намойиш этиш имконияти йўқ.

### Қоғоз ва амалиёт мутаносибми?

Афсуски, қайси фильмлар прокатга қўйилганию, чиққани бўйича амалдаги ҳолат тўғрисида ҳаққоний

ва тезкор ахборот билан таъминлаш ва ягона кинопрокат тармоғини яратишга имкон берувчи ягона ахборот тизими яратилмаган. Натижада кинотеатрларда реализация қилинган чипталар, кассабоп фильмлар, уларнинг рейтинг тўғрисидаги маълумотларни реал вақт режимида мониторинг қилиб бўлмайди. Бу эса «Жорий йил қайси фильмнинг рейтингини юқори бўлди?», «Энг кўп томошабин қайси кинотеатрга тушди?», «Чипталар нархи ошдимми ёки тушдимми?», «Кинотеатрга кириш нархи ҳамма жойда бир хилми?» каби ҳақли саволларга жавоб топиш имконини бермаяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг «2018-2019 йилларда замонавий кинотеатрлар тармоғини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, 2019 йилнинг якунига қадар барпо этилиб, республика кинопрокат тармоғини бирлаштириш керак бўлган 49 та кинотеатрнинг атиги 7 таси ишга туширилган. 12 тасининг қурилиши ер, 4 таси кредит маблағлари ажратилмагани учун бошланмаган, 6 тасини қуриш учун ҳатто ташаббускор тадбиркорлар аниқланмаган.

### «Давлат кинолари» нега оммабоп эмас?

Ишлаб чиқарилаётган фильмлар прокатидан даромад олишга қаратилган замонавий маркетинг таҳлиллари ва томошабинлар талаби ҳамда яхтимойи-сиёсий ҳолатни ўрганиш асосида аниқ мавзу ва жанрларда фильмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган. Бу, ўз навбатида, кинотеатрларда томошабинлар сийраклашишга, прокатга қўйилган фильмларнинг оммабоплигини таъминлашга ҳалал бермоқда.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги Бадий кенгаши томони-

дан кинолойиҳалар прокат нуктаи назаридан баҳоланмапти. Бу ишлаб чиқарилаётган фильмлар прокатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Фильмлар прокатидан тушумлар уларни ишлаб чиқаришга ажратилаётган маблағларга нисбатан ўртача 2,4 фоизни ташкил этмоқда.

Давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилган фильмларнинг пиар-кампанияси тизимли ташкил этилмаётгани, телеканаллар билан ҳамкорлик йўлга қўйилмагани, интернет тармоғи ва бошқа ОАВ имкониятларидан самарали фойдаланилмагани сабабли фильмлар томошабинларда қизиқиш уйғотмаяпти. Бунга яна бир сабаб — фильм прокатининг қатъий репертуар режа асосида ташкил этилмаётганидир. Картиналарнинг прокати учун етарли вақт берилмаяпти. Бир хил мавзу ва жанрдаги фильмлар бир вақтда кетма-кет прокатга чиқарилиши ёки фильмлар мавзу ва аудиторияси бўйича мавсумларга тақсимланмаётгани ачинарлидир.

### Ўзбек киноси нега жаҳон кинобозорига чиқа олмаяпти?

Яна бир оғриқли нукта — прокатга чиқариладиган фильмларнинг DVD форматдаги дискларда кўпайтирилиб, намойиш учун тарқатилишидир. Бу уларнинг контрафакт нусхаси чиқиб кетиш хавфини оширмоқда. «Барон» фильмнинг контрафакт нусхаси прокат вақтида чиққани бунга аяққол мисол. Бу эса томошабиннинг кинотеатрга ташрифи қамайишига сабаб бўлмоқда.

Миллий фильмларимизнинг Кани, Берлин, Гонконг, Пусан, Торонто, Санта-Моника ва бошқа жаҳоннинг йирик нусфуз кинобозорларида мунтазам тақдимот қилинмаётгани эса уларнинг халқаро кинопрокатини амалга ошириш имконини бермаяпти. Демак, давлат буюртмасига асосан фильмлар

ишлаб чиқаришда хорижий кинокомпаниялар билан ҳамкорликни амалга ошириш вақти келди. Фильмни суратта олиш жараёнига халқаро микёсда эътироф этилган чет эллик мутахассислар (режиссёр, оператор ва ҳк.) ва актёрлар тизимли жалб этилса, халқаро дистрибьютерларда миллий фильмларимиз прокатини бошқа мамлакатлар кинотеатрида амалга оширишга қизиқиш уйғониши тайин.

Яна бир жиҳат: фильмларни халқаро кинобозорга чиқариш ва халқаро кинопрокатини амалга ошириш учун уларнинг техник сифати (параметрлари) жаҳон стандартлари талабига жавоб бериши керак. Афсуски, бизда бу талаб даражасида эмас.

Соҳага оид бирон ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинмаётганда мавжуд муаммолар ўрганилади. Ҳужжатда эса уларни ҳал этиш учун вазифалар белгиланиб, ҳатто маблағ олиш манбалари ҳам кўрсатилади. Аммо негадир баъзиларнинг ихтисосига келганда яна сансалорлик бошланади. Натижада белгиланган вазифалар қозғоқдагина қолиб қетади. Вазият қачон ўнгланади? Қачонки, ижрога масъуллар ўзини ўнгу сўлга солмаса, қилиниши керак бўлган ишга «қор» ёғдирмаса.

Бўёғига ҳам бағримизни кенг қиламиз. Шояд, ўлкамизга кириб келган баҳор узоқ муддат уйқуда ётган майсаларни уйғотгани каби масъуллар қалбида ҳам масъулиятни ҳис этишга хоҳиш уйғотса. Шундагина суратга олинаётган фильмларимиз белгиланган режаларни бажариш учун ишлаб чиқарилмайди, сон ортидан қувилмайди. Нафакат кинотеатрларимизда, балки жаҳон бозори рақобатига ҳам дош бера оладиган ижод намуналари яратилади.

«Mahalla» муҳбири  
Садоқат МАХСУМОВА  
ёзиб олди.

Иккинчи жаҳон урушида 5 ўғлини йўқотган ўзбек аёли ҳақида фильм суратга олинмоқда.

**Ф**арзандни ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш осон эмас. Шу боис мутахассислар онанинг ҳомиладорлик даврида ноқола бола тарбияси ҳамда саломатлигига эътибор қаратиш зарурлигини билдиришади. Бола организми даставвал жуда нимжон бўлади. Нимадир етишмаслиги, қайсидир модданинг кўпайиб кетиши ҳам унда бирор хасталик аломатларини намоён қилиши мумкин. Шундай вазиятда ота-она шифокор билан маслаҳатлашиб, керакли чораларни кўрмаса, бу хасталик оғир оқибатларга олиб келиши, ё бўлмаса, бутун умрлик асоратларни қолдириши мумкин.



## РАХИТ ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК:

# у болалар ҳаёти учун қанчалик хавфли?

ФАРЗАНДИНГИЗГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛСАНГИЗ, ХАТТИ-ХАРАКАТЛАРИНИ МУНТАЗАМ КУЗАТИБ БОРСАНГИЗ, УНИНГ СОҒ-САЛОМАТ, БАРКАМОЛ ЎСИШИГА ЭРИШГАН БЎЛАСИЗ. ЗЕРО, ҲАР ҚАНДАЙ КАСАЛЛИКНИ ДАВОЛАГАНДАН КЎРА, УНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛДИР

### Рахит қандай касаллик?

Рахит бир умрлик асоратларни қолдирувчи, фақат кичик ёшдаги болаларда учрайдиган касалликдир. У бола организмда Д витамини етишмаслиги натижасида келиб чиқади. Бола ривожланиши, хусусан, суякнинг ўсиши, мустаҳкам бўлиши учун организмга кальций ва фосфор элементлари зарур. Д витамини эса кальций ва фосфорнинг ичакдан сўрилиши, уларнинг суяк, мушак ва бошқа аъзо тўқималарига етиб боришини бошқаради.

Агар организмда Д витамини етишмовчилиги кузатилса, боланинг кальций ва фосфор элементларига бўлган эҳтиёжи қондирилмайди. Бу эса, ўз навбатида, рахит хасталигини келтириб чиқаради. Кўпинча ушбу касаллик кеч куз ва киши ойларда туғилган болаларда учрайди. Сабаби, бу фаслларда туғилган бола учун қуёш нури етарли бўлмайди.

### Қандай химояланиш мумкин?

Қуёшли кунларда ва эрталаб очик ҳавода сайр қилиш бола учун жуда фойдали. Бунинг учун куннинг энг қулай вақти эрталаб соат 8:00 дан 11:00 гачадир. Сайр давомида боланинг бошига ҳаво ўтказадиган, табиий толали, оқ қалпоқ ёки кичкина рўмол ўраб қўйиш керак, унинг кийимлари ҳам табиий толали бўлишига эътибор қаратиш тавсия этилади. Очик ҳаводаги сайр болани чинқириши билан бирга, организмда Д витамини ишлаб чиқарилишини кучайтиради.

Шунингдек, болага Д витаминига бой озиқ-овқатлар: мол гўшти, айниқса, балик, тухум ҳамда жигар маҳсулотларини бериш унинг рахит касаллигига чалинмаслигини таъминлайди. Гўдакка қўшимча маҳсулотлар берилмайдиган даврда она Д витаминига бой маҳсулотлар, кальцийга тўйинган озиқ-овқатлар: сут ва сут маҳсулотлари, туршак, ловия, хурмо, кўк пиёзни мунтазам истеъмол қилса, ушбу моддалар она сутини билан

бирга фарзандига ўтади ва унинг соғлом бўлишига замин яратлади.

### Қандай белгилари бор?

Рахит касаллигининг белгиларини аниқлаш учун кўп ҳолатларда кузатувчанликнинг ўзи кифоя қилади. Масалан, бундай хасталикка чалинган болалар кўп безовта бўлади, бот-бот қайсарлик ва инжиклик қилади. Шунингдек, уйқусизлик, боланинг кўп терлаши, ҳолат ўзгаришлари, масалан, чирок ёқилиши, қулоқка чалинган қутилмаган товущдан доим чўчиб тушиши кузатилиши мумкин.

Аммо бундай ҳолатлар бошқа касалликларда ҳам учрайди. Бошни ёстикка ишқалаш, бошнинг энса қисмида сочнинг йўлакча тарзида тўқилиши, баданга тошма тошиши айнан шу касаллик белгиларидир. Бундай ҳолатларда тезлик билан шифокорга мурожаат қилиш зарур. Шифокор касаллиқни боланинг гавда тузилишидаги номуносивибқидан ҳам аниқлай олади. Шунинг учун, аввало, болангизни тез-тез тиббий кўриқдан ўтказиб туринг. Бошланғич ҳолатда касалликни бартараф этиш осонроқ.

Тиббиётда қабул қилинган тамойилга асосан, рахитнинг кечиши бошланғич ва ривожланаётган даврга бўлинади. Даражасига кўра, енгил, ўрта ва оғир кўринишлари фарқланади. Касаллик қачон бошлангани ва қандай белгилар намоён бўлаётганига қараб, ўткир ва авж олаётган турларга ажратилиши мумкин.

### Рахит бир умрлик нуқсонга айланмасин

Бу касалликка чалинган болаларнинг иммунитетини тушиб кетади, оқибатда юқумли хасталиқларга таъсирчан бўлиб қолади. Шунингдек, рахит камқонлик, суяклар юмшаши, бўғимлар, мушаклар бўшашиши, тишлар кеч ва бир текис чикмаслигига олиб келади. Унинг оғир асоратларида бола анча вақтгача боши, гавдасини тутта олмайдиган, бошидаги лиқиддоғи

### ДАРВОҚЕ...

#### Д витаминининг кўпи ҳам зарарли... (ми?)



Рахит гўдақларда учрайдиган, Д витамини етишмовчилиги сабабли пайдо бўлувчи хасталик ҳисобланади. Ушбу касаллик ҳақида қадимги манбаларда ҳам маълумотлар берилган, аммо у XVII аср ўрталарида Буюк Британияда ҳақиқий хасталик сифатида баҳоланган. Уни «инглиз туман касаллиги» деб ҳам аташади. Бунинг сабаби у Англиянинг sano-ти ривожланган, осмонини тутун ва буг қоплаган, қуёш кўринмайдиган ҳудудларидаги болаларда кўп учраганидир.

Кейинчалик XX асрнинг 30-йилларида бу хасталикнинг асл сабаби — Д витамини етишмаслиги ва у қуёш нури билан танага сингиши аниқланган. Шу боис ўша даврда туғилган болаларга ёппасига Д витаминини кўпайтирувчи хапдорилар берилган. Бироқ унинг кўп миқдори ҳам бошқа хасталиқларни келтириб чиқариши ойдинланган. Демак, унинг меъёрида бўлиши саломатлик учун ҳар жиҳатдан фойдалидир.

юмшаб кетади ва жуда секин битади.

Бундан ташқари, вақтида даво чоралари кўрилмаса, бола вазнининг ортиб бориши натижасида суяклар қийшя-

ди. Бошнинг пешона қисми олдинга, энса қисми эса орқага туртиб чиқади. Умуртка поғонаси букчайиб, кўкрак қафаси пастга қараб кенгайиб кетади, оёқ «Х» ёки «О» шаклида қийшяда. Бир сўз билан айтганда, хасталикка жиддий эътибор қаратилмаса, у киши гавдасида бир умрлик асоратларни қолдириши мумкин. Хасталикни мунтазам парвариниш ва махсус тиббий муолажа билан тuzатса бўлади.

### Даволашдан кўра, олдини олиш осон

Агар фарзандингизда рахит касаллиги белгиларини сезсангиз, дарҳол шифокорга мурожаат қилинг. Чунки ушбу хасталикни даволаш шифокорнинг алоҳида муолажаларини талаб этади. Агар бошланғич ҳолати бўлса, Д витамини бор дорилар ва кальцийни кўпайтирувчи бошқа воситаларни истеъмол қилишнинг ўзи етарлидир.

Аммо касаллик зўрайишининг олдини олиш учун бир неча чораларни кўриш лозим. Хусусан, зарур бўлган ҳолларда шифокор тавсиясига мувофиқ, даво гимнастикаси, уқалаш, кварц лампаси билан нурлантириш амалиётлари ўтказилади. Эслатиб ўтамиз, даво чоралари ва махсус дори-дармонларни фақат мутахассис тавсияси билан амалга ошириш зарур.


Аслини олганда, ҳар қандай хасталикни даволаш учун алоҳида эътибор, парвариш талаб этилади. Бу жиҳат, айниқса, болалар билан боғлиқ касалликлар, жумладан, рахитда жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Демак, фарзандингизга эътиборли бўлсангиз, унинг ҳатти-ҳаракатларини мунтазам кузатиб борсангиз, доимий равишда шифокор назоратида бўлишини таъминласангиз, унинг соғ-саломат, баркамол ўсишига эришган бўласиз. Зеро, ҳар қандай касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзалдир.

**Фахриддин РЎЗИЕВ,**  
Тошкент тез тиббий ёрдам  
шифокори, педиатр.

Ўзбекистонда тиббиёт коллежлари ўрнида Ибн Сино мактаблари ташкил этилади.

# Баҳорда рўй берадиган гиповитаминоз ва иммунитетнинг пасайиши ҳолсизлини, чарчоқ, сержаҳдлик, бош оғриғи ва бош айланиш ҳолатлари билан намоён бўлади. Бу муаммони бартараф қилишда витаминлар, минераллар, озуқали моддалар ва ўсимлик толаларига бой озиқ-овқатлар ёрдам бера олади. Организмнинг табиий тазаланиши ва ичкаклар фаолияти яхшиланиши учун тоза сув ичиш ҳам катта аҳамиятга эга.

## Баҳорда қолсизлик нимадан далолат?



**БАҲОР КЕЛИШИ БИЛАН ПАЙДО БЎЛАДИГАН МУАММОЛАРДАН БИРИ — ГИПОВИТАМИНОЗДИР. ХЎШ, КЎКЛАМДА ВИТАМИН ЕТИШМАСЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИНМИ? ХАЛҚ ТИЛИДА «ИЛИК УЗИЛДИ», ДЕБ НОМЛАНГАН ПАЛЛАДА ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШНИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИШ МУМКИН? ҲОЛСИЗЛИКНИНГ АСОРАТЛАРИ БОРМИ?**

Баҳор яқинлашиши билан иммун тизими фаоллигини ушлаб туриш муаммоси туғилади ва бу тизим фаолияти сал пасайса, шамоллашнинг ривожланишига олиб келади. Бундай ҳолларда витаминлар ва минералларга бой овқатлар истеъмол қилиш жуда муҳимдир. Минг афсуски, кузда йиғиб олинган мева ва сабзавотларда бу моддалар камайиб кетади, иссиқхонада етиштирилган ўсимликлар таркибиде эса ундан ҳам камроқ бўлади. Лекин шунга қарамадан мева ва сабзавотлар истеъмол қилиб туриш фойдали. Донли, дуқакли, хатто баҳорда ҳам таркибиде фойдали моддаларни сақлаб қолувчи ёнғоқ ва қуруқ мева хилларини ейиш тавсия этилади.

**Умумий ҳолсизлик нималарни англатади?**

Умумий ҳолсизлик кўпчи-

ликини безовта қилса-да, одамлар бу ҳақда доим ҳам шифокорга мурожаат қилишмайди. Уни ўтиб кетувчи одатий ҳолат сифатида қабул қилишади. Инсондаги ҳолсизлик тез-тез чарчаш, кучсизлик, ланжлик, кўп ухлаш истагининг пайдо бўлиши кабилар билан кечади. Бу жараён тиббиёт тилида энг кўп тарқалган функционал, яъни хавфсиз сабаблар оқибатида келиб чиқиши мумкин.

Асабийлашиш ва жисмоний зўриқиш, сабабсиз хавотирланиш, нотўғри овқатланиш ва уйқунинг бузилиши ҳолсизликни келтириб чиқарувчи асосий омиллардир. Шифокорга умумий ҳолсизликдан шикоят қилганларнинг 60 фоизиде соматик (ички аъзолар) касалликлар кузатилмайдилар. Бундай вазиятларда психолог, невропатолог, психиатр ва диетологлар маслаҳатидан фойдаланишнинг ўзи кифоя қилади.


Бирок айрим ҳолатларда

умумий ҳолсизлик бир қатор инфекция ва ноинфекцион касалликларнинг ҳам илк белгиси бўлиши мумкин. Юқумсиз эндокрин (қандли диабетнинг иккинчи тури) ва хавфли ўсма касалликлари, коллагенозлар (ревматизм, ревматоид артрит, тизимли қизил бўрича), гирм-конлик, юрак қон-томир касалликлари шулар жумласидан.

**Сурункали чарчаш синдроми нима?**

Агар тиббий кўрик даврида санаб ўтилган касалликлар аниқланмаса, бундай ҳолат сурункали чарчаш синдроми ҳисобланади. Бундай беморларни камида 6 ой давомида сурункали чарчаш ва кучли умумий ҳолсизлик безовта қилади, доимий ёки вақти-вақти билан жисмоний фаоллиги пасаяди.

Бу касаллик ҳеч қандай хавф туғдирмайди, дегани эмас.



Сурункали чарчаш синдроми ёки умумий ҳолсизлик билан оғриган кишилар бир йилда бир марта шифокор кўригидан ўтиши лозим. Бойси бугун аҳоли орасида хавфли юқумсиз қандли диабетнинг иккинчи тури ва юқумли сурункали В ва С вирусели гепатитлар кенг тарқалмоқда. Натижада умумий ҳолсизлик органик (хавфли) белгиларидан бошланиб, йиллар давомида (тахминан 5-15 йил ва ундан кўп) яширин кечади. Бу эса ҳеч қандай белгиларсиз, сурункали кечиб, ички аъзоларнинг чуқур зарарланишига ва фаолиятининг бузилишига олиб келади. Унинг асоратлари эса ўнглаб бўлмас даражада ёмон бўлиши мумкин.

**Этиборсизликнинг оқибати асоратли яқун бўлмасин!**

Бемор ҳаётига хавф соладиган қандли диабетнинг иккинчи тури (қондаги қанд миқдорининг ошиб кетиши) кўпинча 40 ва ундан катта ёшдаги кишиларда учрайди. Касалликка бошқара олмайдиган (наслик мойиллик, ёши) ва бошқара оладиган (нотўғри овқатланиш, семизлик, камҳаракатлик, асабий зўриқиш) сабаблар олиб келади. У яширин кечади, лекин бош мия, кўз туби, юрак, буйрак, ҳамма йирик ва майда артериал қон-томирлар шикастланиб боради. Бу патологик жараён юрак қон-томир ва буйрак етишмовчилигига олиб келади.

Сурункали В ва С вирусели гепатитлар (жигар касалликлари) эса юқумли касаллик бўлиб, инъекция орқали, қон қуйишдан, хомилалор онадан болага юқиши мумкин. Хасталик яширин кечгани билан беморда кундан-кунга умумий ҳолсизлик ошиб боради.

Агар сизни умумий ҳолсизлик ёки сурункали чарчаш синдроми безовта қилса, дарҳол оилавий поликлиника ёки кишлоқ врачлик пунктига мурожаат қилинг. Тиббий кўрик жараёнида шифокорлар умумий ҳолсизлик функционал (хавфсиз) ёки органик (хавфли) сабабларини аниқлашда ёрдам беради. Бу билан сиз ўз саломатлигинизни мустақкамлаган бўласиз.

**Шаҳзода ҒУЛОМОВА,**  
Тошкент тиббиёт академияси ўқитувчиси, тиббиёт фанлари номзоди.

**ДАРВОҚЕ...**

**БАҲОРНИНГ ДАРМОНДОРИ НЕЪМАТЛАРИ**

Баҳор келиши билан кузатиладиган фаслий толиқиш, дармонсизланишнинг халқимиз «илик узилди» даври деб атайди. Бу бежиз эмас, албатта.

Баҳорда гўштни бироз четрокка суриб, эътиборни қўқакларга қаратмоғимиз лозим. Бу паллада ялпиз, исмалок, жағ-жағ каби ўсимликлардан тайёрланган таомларни истеъмол қилиш туриш танада моддалар алмашинуви, ошқозон-ичак тизими ишнинг яхшиланиши ва яна бошқа аъзолар функциясини тартибга солади.

Баҳорнинг ўзига хос таомлари борки, улар соғлиқ учун жуда фойдали. Боз устига гиповитаминознинг олдини олади, кишининг руҳиятига ўзгача тетиклик бағишлайди. Улардан энг фойдалиси миллий таомимиз сумалақдир.

Яна бир баҳорий таом, бу — ҳалимдир.

У бугдой ва гўштдан тайёрланиб, витаминга ниҳоятда бой. Ундаги оксилларнинг ўзига хослиги шундаки, узок вақт иссиқлик ишловидан сўнг жуда майда оксилларга бўлинади. Натижада таомнинг ошқозон-ичак тизимида сўрилиш даражасини оширади. Ҳалими тайёрлашдан мақсад — қишдан хориб-толиб чиққан киши танасида камайган озуқавий моддаларни тиклашдан иборат.

Шунингдек, исмалок, ялпиз, малор, равоч, отқулоқ, жағ-жағ каби қўқаклардан ҳам таомлар тайёрлаб, истеъмол қилиниши гиповитаминоз, ўзимизнинг тилда айтганда, «илик узилди» даврида жуда асқатади.

Бу борада, айниқса, қўқатли сомсага етадигани йўқ. Тандир оташида пилладиган ушбу таом инсон организми учун қувватбахш. У дармон бағишловчи, кабиятдан холи этувчи, кўзни равшанлантирувчи, хомиланинг соғлом ривож-



ланишига ёрдам берувчи, қонни маълум даражада суялтирувчи, хафаконлик исканжасидан қутулишга мойиллик яратувчи хусусиятларга эга.

**ЎзЖОКУ талабаси**  
**Рисолат МАХСУМОВА**  
тайёрлади.

# Барча эзгу амаллар эзгу-ниятга қараб бўлади

«АМАЛЛАР ФАҚАТ НИЯТЛАРГА КЎРАДИР. АЛБАТТА,  
ҲАР БИР КИШИГА НИЯТ ҚИЛГАН НАРСАСИ БЎЛАДИ»

**Исломи таълимотига сингдирилган барча эзгу амаллар мусулмон оламининг боқийлигидан далолат беради. Пайгамбаримиз Муҳаммад(с.а.в.)дан бизга қадар етиб келган ҳадиси шарифларда турмуш тарзимизга, руҳиятимизга нақадар мослик ва яқинликни кўраемиз. Хусусан, буюк муҳаддис Имом Бухорий битиб кетган «Барча амаллар ниятга қараб бўлади» ҳадиси ҳар қайси замонда ўз аҳамияти ва қадру қимматини сақлаб келмоқда.**

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиса йўллаган Муружаатномасида ана шу муҳаббат ҳадисини тилга олар экан: «Дарҳақиқат, пок ниятлар билан бошланган хайрли ишлар, албатта, ижобат бўлади. Бугун биз ҳам танти, сабр-қаноатли халқимиз билан бирга улуғ мақсадларни белгилаб, маррани баланд олмақдамиз», дея ана шу қадимий ҳикматнинг боқийлигини бизнинг давримиз, бунёдкор халқимиз саъй-ҳаракатлари билан боғлаши бежиз эмас.

Яхши ниятда бошланган ҳар қандай иш – қурилишми, таълимни ривожлантиришми, янги тиббиёт масканини очилиши, болага касб-ҳунар ўргатишми, ўз мевасини беради. Демак, ният орқали биз қутилган, мўлжалимиздаги амалнинг ижросига эришамиз. Зеро, неча асрлар ўтса ҳамки, умуминсоний, умумийлиги мафкура ҳаминча эъзозланади, кишилар онги, тафаккурида ўз изини қолдиради.

## Дилда ният, тилда зикр

Ният — динимиздаги энг муҳим амаллардан бири бўлиб, оддий ишлар ҳам ниятнинг яхшилиги сабабли савобли амалларга айланади ва ният ёмон бўлса, гуноҳ ишлар қаторига кирилади. Ният — қалб амалидир. Агар қалбдан ният қилиб, уни тилда ҳам зикр этса, янада яхши. Мусулмон киши ўз ҳаётида қилаётган ҳар бир ишини, олдига қўйган ният ва мақсадни ибодат даражасига кўтарса, унга икки дунё саодати насиб этилади. Зеро, Аллоҳ таоло Куръони каримда шундай марҳамат қилган: **«Мен жиплар ва инсонларни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим»** («Зориёт» сураси, 56-оят). Яна бир ояти-қаримада Аллоҳ таоло ўз бандларини фақат эзгу иш қилишга чорлаб, бундай дейди: **«Бас, қимки Парвардигори билан мулоқотда бўлишдан умидвор бўлса, у ҳолда эзгу амал қилсин ва Парвардигорига ибодат қилишда ҳеч қимни (Унга) шерик қилмасин!»** («Қаҳф» сураси, 110-оят).

Ҳар бир инсоннинг чинакам маърифатга, кенг дунёқарашга эришиши ислом динида ҳам, дунёвий оламда ҳам улуғланади. Биз қиладиган амалларимиз учун ниятимизга кўра ажр-савобга эришишимиз ҳаётини ҳақиқатдир. Расулulloх (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар:



ҲАДИС

## АЛЛОҲНИНГ РОЗИЛИГИНИ ИСТАБ...

Расулulloх (с.а.в.) Саъд ибн Аби Ваққос (р.а.)га шундай деганлар: «Билгинки, сен Аллоҳнинг розилигини истаб бирон бир нафақа-эҳсон қилсан, ҳаттоки бу хотинингни оғзига солганинг (ҳар қандай) озик-овқат бўлсин, албатта, унинг эвазига ажр-савоб оласан».

Ҳадисдаги «Аллоҳнинг розилигини истаб», деган сўз ниятга далолат қилади. Муҳими, унда ифода этилган маъно Куръони карим ва кўплаб ҳадисларда ўзининг мукаммал исботини топган. Ҳадис лафзини Умар (р.а.)нинг яққа ўзи ривоят қилган бўлса-да, уни бутун уммат бир овоздан қабул қилган. Ҳатто Бухорий роҳимахуллоҳ ўзининг «Саҳиҳ» асарини ушбу ҳадис билан бошлаган.

Солим ибн Абдуллоҳ раҳматуллоҳи алайҳнинг Умар ибн Абдулазиз раҳматуллоҳи алайҳга йўллаган мактубида бундай сатрлар бор эди: «Билгинки, Аллоҳнинг бандига ёрдами, албатта, унинг ниятига қараб бўлади. Кимнинг нияти-халис, мукаммал бўлса, унга Аллоҳнинг ёрдами ҳам тўла-тўқис бўлади. Ёрдамнинг ноҳис бўлиши банданинг нияти нуқсонлигидандир».

**«Амаллар фақат ниятларга кўради. Албатта, ҳар бир кишига ният қилган нарсаси бўлади»** (Муттафақун алайҳ).

Уламолардан бири Имом Аҳмад ибн Ханбал ушбу ҳадис ҳақида: «Илмининг учдан бири – шу ҳадисда», десалар, Имом Шофеъий: «Илмининг ярми – шу ҳадисда», деб айтганлар. Имом Абу Довуд эса: «Бу ҳадис – исломнинг мадори бўлган ҳадислардандир», деганлар. Улуғ зотларнинг ушбу ҳадисга берган таърифининг ўзинек динимизда ниятга қатъа аҳамият берилганини кўрсатиб турибди. Агар унинг мазмунини янада чуқурроқ шарҳлайдиган бўлсак, ҳар бир катта-кичик ишни яхши ният билан бажарсак, савоб олишга ишора борлиги аниқлашларди. Дейлик, ейиш, ичиш, завқланиш каби мувоҳ амаллар ибодат ва касбу корга қувват бағишланиш ниятида бажарилса, ибодатга айланиб, эвазига ажр олинади. Аммо фақат қоринни тўйдириб, нафсини қондириб учунгина еб-ичилса, бунинг ҳеч қандай савоби йўқдир.

## Аллоҳ ибодат (ният)ни кўргувчи ва билгувчи

Муқаддас китоб — Куръони каримда: **«Аллоҳ кўргувчи ва билгувчи»** деган ибодат

рага жуда кўп дуч келамиз. Парвардигор кўргувчи, билгувчи, эшитгувчи, рағбатлантирувчи, жазолагувчи зотдир! Унинг хислат ва сифатлари бекиёс, сон-саноксиз. Қилинган эзгу ният ва амалнинг мукофоти бўлса, қабоҳат ва жаҳолат билан йўғрилган ният ҳам, амал ҳам Аллоҳ таоло томонидан жазосиз қолмайди. Ҳар банд ризқ ахтариб кўчага чиқишдан олдин: «Ой, Яратган эгам, аҳли оилам нафақаси зиммамга фарз қилинган, шунга адо этиш учун Ўзингдан ёрдам сўраб, ишга чиқялман. Агар Аллоҳ муваффақ қилса, оилам олдидаги шарият юклаган ушбу вазифани бажараман, топган пулимдан мутоҳажарга ва хайрли ишларга эҳсон қиламан» деб яхши ният қилса, унинг ҳар бир қадми ва олган ҳар бир нафаси ибодатга айланиб, Парвардигорнинг назарига тушади.

Кишининг масжидда ўтиришидан мақсади намоз ўқини кутиш бўлса, ўтирганининг ўзига савоб олади. Дам олиш ниятида ўтирса, бу шунчаки чарчоғини чиқариш бўлиб, бунга савоб эзилмайди. Уйкуга ётиш олдида: «Ухлаб тетиклашиб олам, Аллоҳга янада кўпроқ ибодат қиламан», деб ният қилинса, унинг уйкуси ҳам ибодатга, ҳам савобли амалга айланади. Бу ҳақда Пайгамбар-

миз (с.а.в.) шундай деган: **«Ким тунда туриб намоз ўқимокчи ният қилиб, тўнасига ётса, аммо уйку зўрлик қилиб бамдодда уйғонса, у кишига ният қилган амалининг савоби ёзилади ва уйкуси унга Аллоҳ таолонинг садақаси ҳисобланади»** (Имом Насоий ривояти).

Бир киши оимларга айтди: «Менга бир йўл кўрсатинки, у орқали Аллоҳ таолога доимо мақбул амаллар қилай, бутун ҳаётим Аллоҳ учун ибодатга айлانسин». Унга айтишдики: «Яхшиликни ният қил, қўлингдан келганича яхши амаллар қилавер, агар ундан толиксанг ёки амалга ошира олмай қолсанг ҳам, уни давом эттиришда ҳиммат кўрсатавер. Албатта, яхши амал қилишга ҳимматли бўлиш — уни бажариш билан баробардир».

Демак, ўз ҳаётининг ҳар бир лаҳзасини, ҳар бир амалини Аллоҳга ибодат билан ўтказган, пок ният билан яшаган инсон у дунё, бу дунёда бахту саодатга эришади. Аслида эътиқоди мустаҳкам мусулмон инсоннинг ибодатга айланмайдиган амали йўқ. Унинг шахсий, оилавий, иجتимоий, иқтисодий, сиёсий фаолияти, умуман, барча эзгу, ибратли амалларининг ўзи ҳам Аллоҳга ибодат қилишнинг яққол исботидир. Очиғини айтганда, бунинг учун ундан кўп нарсалаб қилинмайди. Ўз дини кўрсатмаларини ўргансаю, ниятини шунга мосласа, кифоя. Шунинг орқасида бир инсоннинг ҳаёти Аллоҳга ибодат қилишдек эзгу амалга айланади.

## Яхши ниятга яхшилик, ёмон ниятга ёмонлик ёзилади

Ҳадиси қудсийда шундай марҳамат қилинган, яъни Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинади: **«Расулulloх (с.а.в.) Аллоҳ таолодан ривоят қилган ҳадиси қудсийда шундай деганлар: «Албатта, Аллоҳ таоло яхшилик ва ёмонликларни ёзиб, уни баён қилиб қўйди: «Ким бир яхшиликни қасд қилсаю, амалга ошира олмаса, Аллоҳ таоло Ўз ҳузурда унга қамил бир яхшилик қилди, деб ёзиб қўйди. Агар қасд қилиб, бажарса, Аллоҳ таоло унга яхши амали учун ўнтадан етти юз баробар ва ундан ҳам зиёдагача ажр берур. Агар бирор ёмонликни қасд қилсаю, уни амалга ошира олмаса, Аллоҳ таоло Ўз ҳузурда унга қамил бир яхшилик қилди, деб ёзди. Агар ёмонликни қасд қилсаю, бажарса, Аллоҳ таоло унга битта ёмонлик ёзди»** (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари).

Ушбу ривоятни таҳлил қилсак, бунинг замирида бевосита ниятлар амаллар билан боғлиқлигига ишора бор. Чунки яхшилик қилмоқчи дилига туккан кишининг ажру савоби қанчалик кўп бўлса, ёмон ният билан яшайдиган ва унга атайлабдан, қатъий қасд билан қўл урувчи қимса гуноҳкор бандига айланади. Бунга сиз билан биз яшаб турган жамиятда қанчадан-қанча инсонларни келтиришимиз мумкин.

**Раҳматуллоҳ САЙФУТДИНОВ,**  
Тошкент шаҳар Юнусовд тумани  
бош имом-хатиби.

# Профессионал таълимда янги босқич: у қандай хусусиятга эга?

КОЛЛЕЖЛАРНИНГ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДАН УЗОҚДАЛИГИ, «ЎТИШ» ДАВРИГА ҚАДАМ ҚЎЙГАН ЎСМИРЛАРНИНГ БОШҚА ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ҚИЙИНЧИЛИК БИЛАН МОСЛАШУВИ, ОТА-ОНАЛАРНИНГ ЎЗ ФАРЗАНДИНИ НАЗОРАТ ҚИЛА ОЛМАСЛИГИ БУ ТИПДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА НИСБАТАН МУНОСАБАТНИ КЕСКИН ЎЗГАРТИРИШ ЗАРУРАТИНИ КҮН ТАРТИБИГА ҚЎЙДИ

**М**амлакатимизда 2017/2018 ўқув йилида «9+3» моделидан воз кечилиб, умумий ўрта таълим жараёни 11 йиллик муддатга ўтиши билан жамоатчилик орасида нотўғри фикр пайдо бўлди: гўёки энди касб-хунар коллежларига эҳтиёж сезилмайди. Ҳаттоки, коллежлар тугатилиши ҳақидаги миш-мишлар ҳам тарқалди. Хўш, аслида бу қарашлар қанчалик ҳақиқатга яқин эди?



фармонига кўра, ўрта махсус, касб-хунар таълимини тубдан янгилаш, ўзини оқламаган тизим негизда иктисодийни ривожлантиришга хизмат қиладиган, меҳнат бозоридаги

нинг бошқа таълим тизимига қийинчилик билан мослашуви, ота-оналарнинг ўз фарзандини назорат қила олмаслиги, вояга етмаганлар ўртасида катта-кичик жиноятларнинг содир этилиши бу типдаги таълим муассасаларига нисбатан муносабатни кескин ўзгартириш заруратини кун тартибига қўйди. Шу боис 2017/2018 ўқув йилида Президентимиз ташаббуси билан умумий ўрта таълимнинг 11 йиллик муддатга ўтказилишини ота-оналар, педагоглар чин маънода қў-

## Коллежга қабул нима учун тўхтатилди?

Саволни бу тарзда қўядиган бўлсак, профессионал таълимда хозирлик жараёни кетаётган янги босқичнинг зарурати, аҳамияти яна бир қарра ойдинлашади. Ҳаттоки, ўтган ўқув йилида тиббиёт, юридик, педагогика каби «престиж» коллежларга қабул бўлмагани учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига бир талай мурожаатлар келиб тугди. Чунки бу коллежлар қабулига эҳтиёж хамиша катта бўлган. Ушбу тизимда ишлаётган ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида норозилик ҳам пайдо бўлди: коллежларни босқичма-босқич тугатиш режалаштирилганими? Нима учун ўтган ўқув йилида коллежларга хужжат қабули тўхтатилди? Буёғи нима бўлади? Мактаб битирувчилари олий ўқув юртига қира олмаса, тақдирини қандай кечадди?

Одатда, бир босқичдан янгисига ўтилаётганда, жамоатчилик ўртасида турли баҳс-мунозаралар пайдо бўлиши табиий ҳол.

**Ўрта махсус, касб-хунар таълимида юзага келган муаммолардан беҳабар юртдошларимизгина шундай фикр юритган бўлса, ажаб эмас. Аслида, бутун тизимни ўзгартириш ва янгилашга эҳтиёж аллақачон пайдо бўлган эди.**

— *Ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш жараёнида давлат буюртмасини бажаришга ҳалақит берадиган бир талай омилар бор эди, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бош бошқармаси бошлиги Азиз Мелибоев.* — Аввало, касб-хунар коллежларининг аҳоли пунктларидан 10-15 км. узоқдалиги, «ўтиш» даврига қадам қўйган ўсмирлар-

## МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:

**Республикаимизда 2020/2021 ўқув йилидан мўлжалланаётган профессионал таълимнинг янгича шакли Буюк Британия, Австрия, Корея, Саудия Арабистони, Германия каби давлатларда ҳам жорий қилинган бўлиб, муддати 1-2-3 йил ҳисобланади. Сарфланадиган харажат давлат ва иш берувчилар томонидан қопланади.**

лаб-қувватлади.

Қабулнинг бир йилга тўхтатилгани йўқотишларни ҳам келтириб чиқарди. Ўқитувчилар дарс соати қисқариб, бу уларда иш ўрнидан ажралиб қолиш хавотирини уйғотгани ҳам рост. Аммо хоҳлаймизми-йўқми, танаффус давридан ўтишимиз керак эди. Аслида эса давлат раҳбарининг кескин танқидларидан келиб чиқиб, ўтган 2 йил давомида коллежлар фаолиятини такомиллаштириш, ижобий ва салбий жиҳатларини ўрганиш максатида фундаментал тадқиқотлар ўтказилди. Собик тизимнинг камчиликлари билан бирга, илгор хорижий тажрибалар ҳам пухта ўрганилди.

50 дан ортик нуфузли халқаро экспертларни бу ишга жалб этиб, зарурий хулоса ва тавсияларини олдик. Юртбoshимизнинг 2019 йил 6 сентябрдаги «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги

эҳтиёждан келиб чиқиб, иш берувчи буюртмаси асосида мақсадли кадр тайёрладиган келажак коллежларини моделлаштириш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

## Профессионал таълимда қандай мақсад кўзда тутиляпти?

Профессионал таълим шахсининг мустақил ҳаётга тайёрлашида танлаш, қарор қабул этиш имконияти кенг яратилган тизим ҳисобланади. Муассаса қайси йўналиш ёки манзилда бўлмасин, белгиланган қабул квотаси бўйича давлат буюртмасини адо этади. Президент фармонига мувофиқ, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб республикаимизда 3 та йўналишдаги 340 та касб-хунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникумга ўқувчи қабул қилинади. Хўш, уларни бир-биридан қандай тафовутлаш ва тавсифлаш керак?

— *Биринчи йўналиш тартибига кирувчи касб-хунар мактаби 9-синф битирувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаши, уларнинг профессионал таълим олишини таъминлайдиган муассаса ҳисобланади, — дейди Азизбек Мелибоев.* — 2 йиллик таълим дастурларига жалб этилган ўқувчиларнинг оилавий ҳамда томорқа бизнеси, қурилиш, хизмат кўрсатиш, қишлоқ ҳўжалиғи соҳаларига оид мутахассисликлар бўйича меҳнат бозорига кириб келиши кўзда тутилмоқда. Ёшлар ўқиш давридаёқ ўз шахсий бизнесини бошлаши, битиргач, барқарор тадбиркорлик фаолиятига, аниқ иш ўрни ва даромадига эга бўлиши керак.

**Иккинчи йўналиш** стратегик муҳим аҳамиятга эга лойиҳалар асосида яратилувчи янги иш ўринларига малакали мутахассис тайёрлайди. Ҳар бир йирик корхона, кластер, вазирлик ва идора меҳнат бозори эҳтиёжини пухта ўрганган ҳолда, жорий ва истикболда яратиладиган иш ўринлари хусусида қайғуради. Ўрта бўғин мутахассисларига малака талаби берилиб, буюртма портфели шакллантирилади. Ўқув жараёни аввалгидай фақат синфда бўлмай, ҳафтанинг баъзи кунлари назарий билим эгаллашга бағишланса, айрим вақтда ёш кадрлар корхонада худди Германиянинг «дуал» таълим тизимидаги каби уста билан амалиёт ўтади.

**Учинчи тоифа** — таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи 5-даражасига мос келувчи дастурлари асосида ОТМ билан интеграцияланган вазирлик, идора, ташкилотлар тизимидаги касб-хунар коллежлари негизда фаолият кўрсатадиган техникум бўл-

моқда. Бакалаврият таълим йўналиши билан интеграцияланган кичик бакалавр (Associate degree) тайёрлашнинг кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклида ўқиш даври 2 йилдан кам бўлмайди.

Шу тариқа олий таълим муассасаларига қамровни кескин ошириб боришимиз мумкин. Бунинг учун касб-хунар коллежлари базасидан самарали фойдалансак, вақт ҳам, маблағ ҳам тежаллади.

## Қўлида дипломи бўлган кадр элга ҳам манфаат келтиради

Айни вақтда мамлакатимизнинг барча вилоятларида профессионал таълимнинг янгича тизимига ўтилиши муносабати билан ҳар томонлама тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, Наманган вилоятида аввалги ўқув йилларида 34 мингга яқин кичик мутахассис тамомлаган.

— *Мавжуд касб-хунар коллежлари негизига халқаро таснифлагичнинг учала даражасига мос келувчи муассасалар ташкил этилмоқда, — дейди вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармаси бошлиги Ҳафиз Тожиматов.* — 27 та касб-хунар мактаби, 21 та коллеж, 15 та техникум шулар жумласидан. Мавжуд касб-хунар коллежларидан 2 таси касба ўқитиш марказларини ташкил этиш учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида ўтказилди. 5 таси олий таълим муассасалари қувватини ошириш, истикболда хорижий олий таълим муассасалари ва улар филиалларини, 6 таси олий ўқув юртларида кўп тармоқли марказ ва амалиёт полигонларини ташкил этиш учун берилган бўлса, 27 та ишиоот умумий ўрта таълим муассасалари тасарруфига ўтказилди. Эндилкида 11 та таълим масканида овқатланиш шохобчасини қуришимиз лозим. 26 тўпلامдаги устахона жижхозлари ўрнатиш учун 4 та таълим муассасасига 60 ўринли устахона биносини қуриш масаласи кўндаланг турибди.

Касб-хунар эгалламаган шахс ҳаётда турли қийинчиликларга дуч келади. Аксинча, қўлида дипломи бўлган кадр жамиятдан ўз ўрнини топиб олади ва бундан нафакат ўзига, балки элга ҳам манфаат келтиради. Узлуксиз таълимнинг янгиланаётган бўғини — профессионал таълим ана шу жиҳати билан муҳим аҳамият касб этади.

Хулқар КУЗМЕТОВА  
«Mahalla»

# ШАХМАТДАГИ

## муаммолар қачон барҳам топади?



ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРИМИЗ ЖУДА КЎП. БИРОҚ УЛАРНИ ХОРИЖДАГИ МУСОБАҚАЛАРГА ЖЎНАТИШ МОЛИЯВИЙ МАСАЛАГА БОҒЛИҚ БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА. ОТА-ОНАЛАР МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАЙ ОЛИШМАЙДИ. ҲОМИЙЛАР ЭСА ЕТАРЛИ ЭМАС...

# 64

та оқ-қора катакдан иборат қадимий шахмат ўйини чин маънода «ақл гимнастикаси»дир. Тахта катаклари узра ҳаракатланувчи барча фигуралар ўйинчини баъзан соатлаб ўйлашга мажбур қилади. Мақсад — рақибни мот қилиш. Ақлий ўйиннинг бу тури қадим Хиндистонда келиб чиққани айтилади. Аслида шахматнинг ватани Ўзбекистон бўлгани ҳақида рад этиб бўлмас далиллар мавжуд.



### Шахматнинг ватани Ўзбекистон... (ми?)

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети профессори, археолог Юрий Буряков Самарканд қилинидаги Афросиёб ҳудудида фил сўягидан ясалган 7 донна шахмат ҳайкалини топган. Тарихчилар у шу давргача дунё миқёсида энг тўлиқ топилган тўлпак эканини таъкидлашади. Яна бир факт — 1996 йилда япониялик археологлар Сурхондарёнинг қадимий Далварзинтепа худудида Кушон империяси даврига оид 2 та ноёб шахмат ҳайкалчасини топган, бу ҳам милоддан аввалги II асрда қадимий Ўзбекистонда ушбу ўйинга асос солинганидан далолат бергандек бўлди.

— Шахматнинг Ўзбекистонда пайдо бўлганини унинг номланиши ҳам билдириб турибди, — дейди тарих фанлари номзоди Бекмурод Тилово. — Тарихдан маълумки, Хиндистонда II асрдан XVI асргача шох ва подшоҳлар бўлмаган. Буюк Бобурийлар сулоласига қадар Хиндистонда ражлар ҳукмдор саналарди. Эҳтимол Бобурийлар даврига келибгина бу дийрда шатранж, яъни шахмат оммалашган бўлиши мумкин. Шахматнинг ҳинд халқи тарихига тааллуқли бўлиши бироз шубҳали. Сўзнинг иккинчи бўлини — «мот» сўзи ўзбек тилида «чорасиз ҳолат» деган маънони англатиши кундек равшан. Археологлар

фирича, аجدодларимиз Буюк Ипак йўли бўйлаб туюлар карвонидида вақтичоғлик учун шахмат ўйнашган.

### Қанча ишқибоз шахмат билан мунтазам шугулланади?

Ўзбекистон шахмат федерацияси 1992 йил 11 майда ташкил этилган бўлиб, у халқаро ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзодир. Ўзбек шахматчиси, таниқли гротсмейстер Рустам Қосимжонов 2004 йилда жаҳон чемпиони бўлиб, Ўзбекистоннинг шон-шарафини дунё узра таратди.

— Мамакатимизда жаҳон чемпиони 12 нафарни, Осиё чемпиони 60 нафарга яқини ташкил этса, 180 миң нафар юрtdошимиз шахмат билан мунтазам шугулланади, — дейди Ўзбекистон шахмат федерацияси бош қотиби Суннатилла Бозорбоев. — Шахматда юксак даража ва салоҳиятга эришган 29 нафар гротсмейстер билан ҳақиқ равишда фахрланамиз. Аммо шахмат Олимпия ўйинлари дастурига кирмагани сабабли уни аммабон тарзда ривожлантириш олмаган. Тўғри, фақат ақл-мулоҳаза, тўғри тактика талаб қиладиган спортнинг бу турида ҳамма ҳам шугуллана олмайди. Бироқ ҳеч бўлмаганда ҳар бир вилоят ёки тумандан халқаро даражадаги гротсмейстерлар етишиб чиқса, бу юрtdимиз рейтингини яна ҳам оширади.



### ДАРВОҚЕ...

Ўзбекистон шахматчилари 2019 йилда 67 та олтин, 56 та кумуш, 39 та бронза, жами 162 та медални қўлга киритиб, Шри-Ланка, Туркия ва юртимизда ўтказилган халқаро турнирларда Ўзбекистон шаънини муносиб ҳимоя қилдилар.

### Иқтидорлилар кўп, ҳомийлар эса...

Шахматда натижага эришиш осон эмас. Бунинг учун мўлжал илк қадамдан бошлаб олинади. Оилавий муҳитга қўллаб-қувватлашни, тўғрақ машғулотлари, кичик турнир ва катта мусобақалардаги ғалаба, дуранг, мағлублик... Ўйиндан ўйинга ўсиш ва ривожланиш. Ана шу жараёнларни бошидан ўтказиб, Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпиони деган шарафли нома муассар бўлган қўллаб ёшлар Ўзбекистон шахмат федерацияси қошидаги академияда ўз маҳоратини ошириб боришлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

— Шахматга ихтисослаштирилган муассасамиз 2018 йилда академия мақомини олди, — дейди таълим мақоми директорини маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Хурида Халиқова. — Академиямиз ва унинг вилоят филиалларида ёш, иқтидорли 250 нафардан зиёд ўқувчи қамраб олинган. Уларга етакчи тренер ва мутахассислар бириктирилган. Ўқув режа ҳар бир ўсмирнинг ўзини услуби, маҳорати ва алоҳида жиҳатлари эътиборга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Ўйиннинг разрядига мос адабиётлардан фойдаланилмоқда. Ҳар бир хонада компьютер мавжуд. Бу мураббийнинг интернет тармоқларидаги электрон адабиётлардан фойдаланиши, махсус шахмат дастурлари орқали зарурий партияларни таҳлил қилиши, тематик ма-

териалларни ўрганиши учун имконият яратилади. Халқаро турнир жараёнини бевосита кузатиб бориши ҳам тайёр маҳорат дарсидир.

Ўтган йили терма жамоа аъзолари учун Рустам Қосимжонов, Борис Гельфанд ва Ян Непомняший каби дунёга машҳур гротсмейстерлар ўқув-ўйин машғулотини ўтиб беришди. Республика миқёсида вақтинчи билан нуфузли халқаро мусобақаларга саралаш босқичларини ўтказиб тураемиз. Аммо дунёнинг ривожланган давлатларида ўтказиладиган чемпионатларга саноклигина Ўзбекистон вакилини жўната олаемиз. Иқтидорли ёшларимиз жуда кўп. Бироқ уларни хориждаги мусобақаларга жўнатиш молиявий масалага боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ота-оналар маблағ билан таъминлай олишмайди. Ҳомийлар эса етарли эмас...

### Ўқувчилар қамрови кам...

Президентимизнинг 2018 йил 9 августдаги «Ўзбекистон Республикасида шахматни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори соҳа ривожига муҳим қадам бўлди. Хужжатнинг энг муҳим бандларидан бири — республикамиздаги 150 та умумтаълим мактабиди шахмат дарсини ташкил қилиш бўйича тажриба-синов жараёнини ташкил қилиниши билан боғлиқдир.

— Қарорга мувофиқ, Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбеки-

стон шахмат федерацияси ҳамкорлигида «Умумий ўрта таълимнинг жисмоний тарбия фани ўқув дастури» (шахматга йўналтирилган 2-синфлар учун) тасдиқланди. — дейди Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи Мурод Қарабаев. — Ушбу дастурга 34 соатлик мавзу киритилиб, жисмоний тарбия фани ўқувчилари учун семинар-тренинг уюштирилади. 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб шарт-шароити етарли бўлган 150 та умумтаълим мактабиди ўқув-тарбия жараёни олиб борилади. Ҳозирча бунга 12 миң 138 нафар ўқувчи жалб қилинди. Бу эса 4,5 миллиондан зиёд ўқувчиси бўлган умумтаълим мактаблари учун жуда кам. Ўқув ва амалий машғулотлар мунтазам ўтказиладигани ўқувчиларнинг жисмоний тарбия ва спорт бошқарма ҳамда бўлимлари томонидан шахмат турнирлари тез-тез ўтказиладигани босса янги чемпионлар қайиш қилинмаяпти.


Хулоса: ишлашни хоҳлаган имконият ахтарилади, хоҳламаган эса баҳона. Давлат миқёсида маблағ ажратилмас ҳам эътироф этинча арзигуллик натижаларни қайд қилаётган ўзбек шахматчилари биринчи тоифага мансубдир. Агар шахматни оммалаштиришга давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳомийлар томонидан яна ҳам кўпроқ эътибор қаратилса, бундан-да юксак натижалар қўлга киритилади.

Хулқар КУЗМЕТОВА  
«Mahalla»

Ўзбекистонлик парадюдочилар Жаҳон кубогида биринчи ўринни эгаллади.

# ЖАДИДЛАР ҚАЙ ЙЎСИНДА ВАТАН МУСТАҚИЛЛИГИГА ЭРИШМОҚЧИ ЭДИ?

«АГАР ИШЛАРИМИЗНИ ШУЛ УСУЛДА ҚЎЙСАК, БИР ЗАМОН  
КЕЛУРКИ, ТУРКИСТОН БИР БЎСТОН ҲОЛИГА КЕЛУР,  
ЗОВУДЛАР, ФАБРИКАЛАР, ТЕМИР ЙЎЛЛАР ВА БОШҚА  
МАДАНИЙ КОРХОНАЛАР ИЛА ТЎЛА БЎЛАДУР»



**«Ўзликни англаш ўз ўтмишини  
билишдан бошланади», деб бежиз  
айтишмаган. Ҳақиқатдан  
ҳам, ўтмиш ойна мисол бизга  
ютуқ ва камчиликларимизни  
кўрсатиб туради. Шу  
боис мамлакатимиз  
тараққиётнинг янги босқичига  
чиқаётган бугунги кунда  
маърифатпарвар боболаримиз  
кўп ёдга олинапти. Зеро, улар  
бир бутун халқ бўлиб Ватанни  
озод қўришни истаган.**



Тарихдан маълумки, XIX асрдаги чоризм истилосига сиёсий бошбош-доқлик, узокни кўролмаслик, маънавий заифлик сабаб бўлган эди. Уша даврда юртимизнинг айрим амалдорлари ўз манфаатларини устун қўйган, жаҳолат ва ғафлатга ботган эди. Халқ бирлигини саклаб, Ватан ҳимояси йўлида қаттиқ тура олмадилар. Ана шундай мураккаб бир даврда мамлакат Ватан ва халқ манфаатини шахсий эҳтиёжларидан устун қўя оладиган ШАХСларга зарурат сезганди. Бу эҳтиёж ҳосиласи ўлароқ, жадидчилик ҳаракат аъзолари майдонга келди. Улар мақсадга эришиш учун, аввало, халқнинг миллий онгини юксалтириш керак, деган тўхтамга келади. Шу боис жадидлар ўз чиқишларида барчани бирликка, аҳилликка ва фаол ҳаракатга чорлайди.

## Айнийнинг орзуси бугунимизга ҳамоҳанг эди

Махмудхўжа Бехбудий ва унинг қатор сафдошлари чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши ғоявий курашга керак, деган фикрни илгари сурди. Унга ҳамфикр бўлган машҳур адиб, Бухоро жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндalarидан бири Садриддин Айний (1878-1954) Туркистонни ҳар жиҳатдан ривожлантириш ва жамият ҳаётини кай даражада яхшилаш мумкинлигини тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини айтиб ўтган. Олимнинг «Туркистон бойлиги» номли мақоласи диққатга сазовордир. Унда мамлакат саноатидаги қоқоқлик, ривожланган мамлакатлар каторидан орқада қолаётгани, маҳаллий халқнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммолари таҳлил ва танқид қилинади.

Шунингдек, Айний замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали саноатни янада ривожлантириш ва бунинг натижасида иқтисодий инкирозни бартараф қилиш мумкинлигини таъкидлаб: «Агар ишларимизни шул усулда қўйсак, бир замон келурки, Туркистон бир бўстон холига келур, зовудлар, фабрикалар, темир йўллар ва бошқа маданий корхоналар

ила тўла бўладур», дея орзу қилган.

Адибнинг фикрича, агар мавжуд ер ости бойликларини казиб чиқариб, уни қайта ишлаш йўлга қўйилса, биринчидан, ўлка саноати ривожланади ва хомашё четга чиқиб кетишининг олди олинади, натижада даромад кўпаяди. Иккинчидан, эҳтиёж учун керакли бўлган барча маҳсулотларни шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш мумкин бўлиб, Туркистон бошқа мамлакатларга иқтисодий қарамликдан халос бўлади. Учинчидан, давлат хомашё базаси эмас, балки тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи мамлакатга айланади, ташки савдо ўсади. Кўриниб турибдики, С.Айний ўз вақтида талбиркорликни йўлга қўйиш орқали мамлакатни ривожлантириш ва уни сиёсий, иқтисодий қарамликдан олиб чиқиб мумкинлигини англаган эди.

Дарҳақиқат, маърифатпарварлар иқтисодий эркинликка эришмасдан туриб мустақилликни қўлга киритиб бўлмаслигини теран англайди. Бу масаланинг ечими ўз-ўзидан малакали кадрлар билан боғлиқ эди. Маърифатпарварларимиз салоҳиятли кадрларни комил инсон тимсолида кўрадилар. Шу боис улар истеъдодли ёшларни илм ўрганиш учун Европа давлатларига юборди. Айни дамда улар жамиятни хароб қилаётган маишатвозликка қарши қаттиқ курашди.

## Халқ ҳукуки ижтимоий-сиёсий ғоя сифатида

Жадидчилик ҳаракати кенг маънода маърифатпарварлик ҳаракати эди. Бехбудий, Фитрат, Мунавварқори, С.Айний, Ф.Хўжаев каби элпарварларимиз фақат мактаб очиб, маърифат тарқатиш, илм-фан ривож учун қайғуриш билан чегараланмай, ўз фаолиятининг сиёсий йўналиш касб этганини ҳам тушуниб етдилар. Жадидларнинг яширин ташкилотлари тузилиши, матбуот органига эга бўлиши, ширкатлар ташкил этилиши уларнинг маълум йўналишдаги, аниқ дастурга эга бўлган партия типидagi уюшма тузишга бўлган ҳаракатларини кўрсатади.

Шу йўсин жадид маърифатпарварлари томонидан жамият манфаатлари конун йўли билан ҳимоя қилиниб, халқ ҳукуки ижтимоий-сиёсий ғоя сифатида олға сурилади. Улар мустамлакачилар томонидан олиб борилган ижтимоий-иқтисодий, ҳукукий-маърифий сиёсатнинг туб моҳиятини англаб етдилар ва бу сиёсатнинг зўравонлик ва талон-тороқлик ғояларига асосланганини илмий-назарий жиҳатдан асослаб бера олдилар.

Жумладан, жадид ҳукуқшунос намояндalarидан бири Сағтархон Абдуғафоров XII асрда ёзилган ва муулмон ҳуқуқшунослиги асосларига бағишланган «Ал-хидоя»ни рус тилига таржима қилишда фаол қатнашди. Айни пайтда ўзи ҳуқуқшуносликка оид бир қатор асарлар яратади. Унинг «Қўқон холиги ички аҳолининг қисқача таҳлили», «Муулмон эшонлари», «Билимни эгаллаш», «Туркистонда эшонлар ва халқни ўз-ўзини бошқариш ҳақида мулоҳазалар», «Сағтархон мактублари» асарлари шулар жумласидандир. Араб ва форс ҳамда рус тилларини мукамал билган С.Абдуғафоров бу асарларда суд, давлат тузилиши, шунингдек, порохўрлик, маҳаллийчилик, ички низоларни йўқотиш каби масалаларда ўзининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларини тарихий давр тажрибалари асосида баён этади.

Ҳуқуқ масаласи доирасида фикр юритган М.Бехбудий ҳам ўзининг «Қонуни Оврупо», «Ҳақ олинур, берилмас», «Қози ва бийлар ҳақида лойиха», «Лойиха» асарларида Туркистондаги мавжуд ҳуқуқий ҳолатлар ҳақида қимматли фикрларини баён этган. У ушбу асарлари орқали Туркистоннинг бошқарилиши гарчи Россия маъмурулари қўлида бўлса-да, уларнинг бебарворлиги, конунларнинг қўполлик билан бузилиши, маҳаллий амалдорларнинг ҳалдидан ошиб порохўрлик билан шуғулланишини кескин танқид қилади. Муаллиф, шунингдек, маҳаллий суд ишларининг ўлда-жулда экани, қозилар тамонидан мазлум халқнинг шахсий ҳуқуқлари поймол этилаётгани, мамлакатдаги сайлов тизимининг ҳеч

## ДАРВОҚЕ...

М.Бехбудий «Бизни кемирувчи иллатлар» номли мақоласида халқни кемирувчи ҳақиқий иллат тўй ва маъракалар экани, улар бутун Туркистонни қамраб, халқни инкироз ёқасига олиб келаётганини қўнқочлик билан ёзади.

Элпарварларимиз тўйга сарфланаётган пулларни ёшларнинг Миср, Туркия, Россия дорилфунунларига ўқишга кириб, диний ва дунёвий билимларни эгаллашлари учун сарфлашга қақирганлар, миллат ёшларидан жамият тараққиёти учун хизмат қиладиган турли касб эгаларини, ҳуқуқшунос, инжинер, муаллим, тижоратчи ҳамда банк ходимлари тайёрлашга ундайдилар. М.Бехбудий шу пуллардан болалар учун тарбиятхона (пансион) очини таклиф этади. Афсуски, маърифатпарварларнинг сўзи зое кетиб, бу иллат илдириб отиб бораверади. Натижада уйланиш учун қарз олиб, хонавайрон бўлган ва беватан қолган одамлар жамиятнинг ҳақиқий муаммоларидан бирига айланади.

Дарҳақиқат, миллий матбуот саҳифаларида миллат учун зарарли бўлган бундай иллатлар тез-тез танқид қилинар, халқ манфаати учун хизмат қилишга даъват этиларди. Уша давр газеталаридан бирида жадидларимиз давом этиб турса, бу бидъатлар ҳам йўқ бўлиб кетар, деб миллий матбуотдан катта умид қилинган. Айниқса, 1914-1915 йилларда чоп этилган «Сади Туркистон» ва «Сади Фарғона» газеталарида бу борада ўткир фикрлар билдирилади.

Қолаверса, Туркистон тараққийпарварлари фақат даврий матбуотда бу ҳақда ёзибгина қолмасдан, амалда ҳам тўй ва маъракалар ислоҳини қўллашга ҳаракат қилган эди. Чунинчи, 1909 йилда М.Бехбудий Маъсудхўжа Мақсудхўжа исми ўлига хатна тўйини қилиб, унда ортиқча сарф-харажат ўрнига Самарқанддаги клубхонага Россия ва Туркиядан китоблар харид қилади ва бу ҳақда матбуотда маълум қилинади. Бу борада уларнинг ўзи шахсий намуна бўлган эди.

бир адолатга тўғри келмаслиги ҳақида қуйинчақлик билан ёзади.

Бундай чиқишлар истилоҳларини хавотирга солади. Улар Туркистон ўлкаси халқининг бир ғоя атрофида бирлашишдан чўчигани сабаб маърифатпарвар аждодларимизни асосеи айблар билан ўлимга ҳукм этади. Зеро, жадидларнинг энг олий орзуси турли иллатлардан холи бўлиб, жамиятда ватанпарварлар сафини кенгайтириш ва шу йўсин мустақилликка эришиш эди.

**Нодира РАСУЛОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Миллий гвардияси Ҳарбий-техник  
институту доценти, тарих фанлари  
номзоди.

## ЕР-МУЛК

ҚУРИЛИШ АҲОЛИ РОЗИЛИГИСИЗ  
АМАЛГА ОШИРИЛМАЙДИ

— Маҳалламиз шаҳарнинг тарихий қисмида жойлашган. Аввалги ҳокимлик вақиллари бу ерда бунёдкорлик ишларини олиб бормоқчи эди, биз эса бунга қарши чиқдик. Айтишларича, энди қурилишга оид қарорлар дастлаб ҳудуддаги аҳоли ўртасида муҳокама қилинар экан. Шу тўғрисида?



Насиба АКРОМОВА,  
Самарқанд вилояти.

Баҳром НАЗАРОВ,  
Самарқанд вилояти ҳокимлиги қурилиш бошқармаси бошлиғи:

— Дарҳақиқат, шундай. Бу тизим давлатимиз раҳбарининг «Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарориди белгилаб берилган.

Унга кўра, 2020 йил 1 мартдан бошлаб аҳоли масканларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш ва ободонлаштириш, шунингдек, уларда комплекс қурилиш ва реконструкция қилиш ишларини амалга оширишга оид қарорлар дастлаб ўша ҳудуддаги аҳоли ўртасида муҳокама қилиниб, жамоатчилик экспертизасидан ўтказилади.

Шунингдек, ушбу ҳужжатга асосан, бундан буён жисмоний ва юридик шахсларга ер ажратиш ҳақидаги ҳужжатлар қабул қилинганидан (расмийлаштирилганидан) кейин бир кун муддатда тегишли ҳокимликларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиб борилади.

## МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

ҲОИДАЛИНИЛМАГАН ТАЪТИЛ УЧУН  
КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАНДИМИ?

— Яқинда иш жойимни ўзгартирдим. Аввал ишлаган корхонамда 5 йил давомда умуман меҳнат таътилига чиқмаганман. Шартномани бекор қилганимда, менга фойдаланилмаган таътил учун пуллик компенсация тўланиши керакми?

Низомиддин АКБАРОВ,  
Тошкент шаҳри.

Мирализ РАУФОВ,  
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси:  
— Меҳнат кодексига мувофиқ, меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун пуллик компенсация тўланади. Ходим билан иш беворчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътиллари бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиниши мумкин. Бунда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

Шунингдек, ходимларга иш даврида, уларнинг хоҳишига кўра, йиллик таътилни энг оз муддатидан (ун беш иш кунидан) ортқича қисми учун пуллик компенсация тўланиши мумкин. Ижтимоий таътиллари барича турларидан, шунингдек, айрим турдаги қўшимча таътиллари асли ҳолида фойдаланилади ва уларни пуллик компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди.

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI  
**Mahalla**

Ижтимоий-сиёсий,  
маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi»  
масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти  
Администрацияси  
ҳузурдаги Ахборот  
ва оммавий  
коммуникациялар  
агентлиги томонидан  
2019 йил 24 сентябрда  
0019 рақами билан  
давлат рўйхатидан  
ўтказилган.

## ТАДБИРКОРЛИК

ЭНДИ ҲУДУДЛАР ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА  
ҚАРАБ БАҲОЛАНАДИ

— Эшитишимча, 1 мартдан тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш тизими жорий этилар экан. Ҳўи, бу тизим қандай амалга оширилади? Баҳолаш натижалари нималарга сабаб бўлиши мумкин?

Шохруҳбек ОДИЛОВ,  
Фарғона вилояти.

Сурайё  
ГАФФАРОВА,  
Адлия вазирлиги  
масъул ходими:



— Дарҳақиқат, Ҳуқуматнинг «Республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, 2020 йил 1 мартдан бошлаб республика ҳудудларида ушбу тизим

жорий этилади. Баҳолаш Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги томонидан ярим йиллик ва йил якуни бўйича ўтказилади.

Баҳолаш натижасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туман ва шаҳарлар рейтингини тuzилади. Рейтингда юқори кўрсаткичларга эга ҳудуддаги ташкилотлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари бошқарув ходимлари моддий рағбатлантирилади. Аксинча бўлса, жарима чоралари қўлланилади.

Хусусан, «намунали» деб топилган ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарлари ҳамда ҳокимларнинг биринчи ўринбосарларига — лавозим маошларининг 25 фоизи миқдориди, ташкилотларнинг бошқарув ходимларига 50 фоиз миқдориди пул маблағлари берилади. Ўз навбатида, «коникарсиз» деб топилган ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарлари ҳамда ҳокимларнинг биринчи ўринбосарларига — лавозим маошларининг 25 фоизи миқдориди жарима қўлланилади.

## ИҚТИСОДИЁТ

## ҚАЕРЛАРДА ТАШҚИ РЕКЛАМА ТАҚИҚЛАНАДИ?



— Яқинда пойтахт йўлларидаги бир нечта ташқи реклама объектларининг олиб ташланиши кенг эъмоматчилик муҳокамасига сабаб бўлди. Айтинг-чи, аслида бундай рекламалар қандай жойлаштирилади? Унинг тартиби қандай?

Жамол АБИЛОВ,  
Тошкент шаҳри.



Фаррух ЖўРАЕВ,  
Адлия вазирлиги масъул  
ходими:  
— Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 20 февралдаги «Таш-

қи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, реклама жойлари паспортларини бериш ер участкаларидаги ташқи реклама объектлари учун 10 йил муддатда, давлат мулки бўлган бино ва иншоотлардаги реклама объектлари учун 5 йил муддатда бир маргалик йиғим суммасини тўлаш орқали амалга оширилади.

2020 йил 1 мартдан бошлаб Тошкент шаҳрида ташқи рекламани жойлаштириш соҳасидаги фаолиятнинг алоҳи-

да тартиби жорий қилинади. Бунда рекламани ер участкаларида жойлаштириш ҳуқуқи фақат юқори технологияли ташқи реклама объектларига берилади. Қарор билан ташқи реклама объектларини ўрнатилган тақиқланган ҳудудлар ҳам белгиланади. Жумладан, тротуар ва пидедалар йўлаклариди ташқи реклама объектларини ўрнатилган тақиқланади.

Ҳозирга қадар қонуний ўрнатилган ташқи реклама объектларини мазкур қарор талабларига мослаштириш учун 6 ой муддат берилди. Ушбу муддатда мослаштирилмаган реклама объектлари эгалари томонидан ихтиёрий равишда ўз кучи билан олиб ташланади (ақс ҳолда, бу иш суд тартибиди амалга оширилади).

## ҲУҚУҚ

## БЕЗОРИЛИК УЧУН ҚАНДАЙ ЖАЗО БОР?



— Давлат корхонасида қўриқчи лавозимда ишлайман. Яқинда тунги навбатчилик пайтида ўғирликка тушмоқчи бўлган шахсга қаршилик кўрсатганимда, у менга тан жароҳати етказди. Уни таниб қолиб, ички ишлар органига хабар бердим. Унга қандай жазо бериши мумкин?

Илҳомжон САФАРОВ,  
Қашқадарё вилояти.

Жамила СУЛТОНОВА,  
Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани  
ИИБ тергов бўлими катта терговчиси,  
полковник:

— Жиноят кодексининг 277-моддасига кўра, безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қондаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўп-послаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўз-

ганинг мулдига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса, 11 млн. 150 миң сўмдан 22 млн. 300 миң сўмгача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушбу ҳаракат жамоат тартибини сақлаш вазифини баҳариб турган ҳокимият вақилига, жамоатчилик вақилига, шунингдек, безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этилган бўлса, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



Бош муҳаррир  
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Нашр навбатчиси: С. Исмаилов  
Мусахҳиллар: Н. Азимова,  
М. Назарова,  
Х. Абдурахмонов  
Навбатчи: Х. Абдурахмонов  
Саҳифаловчилар: И. Болтаев,  
Ш. Бароқов

Таҳририят манзили:  
Тошкент шаҳри, Мустақиллик  
шоҳқўчаси, 59-уй. Индекс: 100192  
Телефонлар:  
Қабулхона: 71 233-39-89,  
Котибият: 71 237-56-80,  
Факс: 71 233-10-73.  
Баҳоси келишилган нархда.

Газета  
таҳририят  
компьютер  
марказида  
саҳифаланди ва  
офсет усулида  
босилди.



Нашр кўрсаткичи: 148